

Вазир шоҳ олдига қайтиб келибди.

Қизлар қўлларидаги идишларини сувга тўлдирн-  
шибди-да, уй-уйларига қараб жўнашибди.

Шоҳ бундай қараса молпарастнинг қизн йўлда  
кетиб бораётганмиш, шунда у вазирга қараб:

— Сен қизнинг чап тарафидан бор, мен эса ўнг  
тарафидан бораман. Шунда қиз қўрқиб кетади-да,  
қўлидаги кўзачани тушириб синдиради, — дебди.

Иккови гапни бир ерга қўйиб, отларини елдириб  
кетншибди. Қизлар уларнинг келншаётганини кўриб,  
ҳаммалари бир қатор туриб олишибди.

Шунда шоҳ молпарастнинг қизи қўлидаги кўза-  
чани қамчи билан бир уриб синдирибди.

Қиз унга қараб:

— Пешанамга шундай эр битилган бўлса, ҳар  
кунн мен унн оёғимга юз кўза сув қуйишга мажбур  
қиламан,— дебди.

Шоҳнинг ғазаби қайнаб, вазирга дебди:

— Унинг орқасидан кузатгин-чи, қаёққа борар-  
кин.

Шоҳнинг ўзи эса отининг бошини саройга қараб  
бурибди. Вазир сўраб-суриштириб, қиз молпараст-  
нинг қизи эканини билибди. У саройга қайтиб келиб  
шоҳнинг ҳузурига кирибди-да:

— Олампаноҳ, бу қиз — молпарастнинг қизи  
экан,— дебди.

Шоҳ ўз оромгоҳига кирибди-да, маликага:

— Молпарастнинг қизини ўз ҳузуринга чақир.  
Унга уйланмоқчиман,— дебди.

Малика қизнинг уйига совчи юбориб, уни олди-  
риб келибди.

— Розилик берсанг, шоҳ сенга уйланмоқчи, —  
дебди малика қизга.

Қиз маликанинг гапига ҳеч нима демай, фақат  
кулиб қўйибди. Шоҳ эса ёнидаги хонада ҳамма гап-  
ни эшитиб турган экан.

Шоҳ молпарастнинг олдига одам юбориб уни ҳу-  
зурига чорлабди-да:

— Менга қизингни берсан!— дебди.

— Мен молпараст бўлсам, сен шоҳ бўлсанг. Қан-  
дай қилиб қизимни сенга бераман?— дебди.

— Агар йўқ дейдиган бўлсанг, бутун авлод-аждо-  
динг билан қуритиб юбораман,— дебди шоҳ.

— Яхши, муҳтарам шоҳим! Бўлмаса, мен қариндош-уруғларим билан маслаҳатлашиб кўрай. Агар улар розилик бергудек бўлишса, майли, берсам берай,— деб жавоб қилибди қизнинг отаси.

Молпараст уйига қайтиб келибди-да, қариндош-уруғларига:

— Шоҳ қизимга уйланишни хоҳлаб қолибди. Агар сизлар розилик берсаларинг, унда мен қизимни бераман,— дебди.

Уйдагилар рози бўлишибди ва шундай қилиб шоҳ молпарастнинг қизига уйланибди.

## II

Тўйдан кейин шоҳ хотинига дебди:

— Айт-чи, нега сен: «Бордию агар пешанамга шундай эр битилган бўлса, ҳар кун мен уни оёғимга юз кўза сув қуйишга мажбур қиламан?» деддинг. Қани, энди бўлмаса мени оёғингга юз кўза сув қуйишга мажбур қилиб кўр-чи, агар мажбур қилолмасанг, шартта бошингни кесиб ташлайман.— Ёшгина хотини нндамай қолибди.

— Қани, бўлмайсанми, нима қилиб турибсан,— дебди шоҳ яна, — йўқса, сўйиб ташлайман!

— Олти ойгача отамнинг уйига бориб туришга ижозат берсанг,— дебди хотини, — шундан кейин сени оёғимга юз кўза сув қуйишга мажбур қиламан.

Шоҳ хотинига ижозат бериб, отасиникига юборибди.

У талайгина бойликларни олиб, отасининг уйига келибди.

— Яшил мато сотиб олиб келгин-да, бир кунда менга кўйлак тикиб бергин, — дебди у отасига.— Оёқ-қўлларимга ва бошимга шунақанги тақинчоқлар тақиб ясаптиргинки, бунақасини ҳали ҳеч ким киймаган бўлсин. Айтганларимни бажо келтирмасанг, шоҳга айтиб ўзингни ҳам, қариндош-уруғларинг билан ҳаммангни ўлдиртириб юбораман.

Отаси бечора теварак-атрофга одам юбориб яшил кўйлак топтириб келибди-да, тақинчоқларни тайёрлабди.

Шундан сўнг қизи:

— Менга энди бир қути тайёрлатиб бер. Қути-нинг эни ҳам, бўйи ҳам бир қаричдан ошмасин. Қўй-лагим билан тақинчоқларим сиғадиган бўлса бўл-гани.

Отаси дурадгорнинг олдига қараб йўл олибди ва кўп ўтмай қути ҳам тайёр бўлибди. Шундан сўнг у яшил қўйлагини кийиб, тақинчоқларини тақибди-да, ойнага қараган экан, худди парилардек бўлиб кў-ришбди.

Шундан сўнг у отасига:

— Борди-ю, шоҳнинг олдидан битта-яримта одам келгудек бўлса, қизим бетоб деб айтгин,— деб тайин-лабди.

Қиз эгиндаги янги уст-бошларни ечиб қутичага солибди-да, фақирона кийиниб уйдан чиқибди. Қў-лига дўмбира билан қутичани олибди.

Дўмбирани чалиб куйлаганча ўйинга тушибди. Унинг ашуласини эшитган жамики одам уни мақтай бошлабди. Фақир ҳақидаги хабар шоҳнинг қулорига ҳам бориб етибди.

Шоҳ фақирни ўз ҳузурига чақиртирган экан, у бормабди. Шундан сўнг шоҳнинг ўзи фақирнинг ёнпга келибди-да:

— Бувижон, исминг нима?— деб сўрабди.

— Менинг исмим «Жон хотин»,— деб жавоб бе-рибди фақир.

— Жон хотин!— дебди шоҳ.— Ундай бўлса би-рон кун меникига келиб меҳмон бўл.

— Жуда соз!— жавоб берибди фақир.

Кунлардан бир куни фақир шоҳнинг олдига ке-либди.

— Жон хотин,— дебди шоҳ фақирга қараб,— бир хониш қилиб берсанг.

Фақир шоҳга ашула айтиб берибди. Шоҳ унинг ашуласини эшитиб, ҳузур қилибди.

Бир куни фақир шоҳга дебди:

— Бирон кун чўмниб олишимга сув тайёрлатиб қўйсанг.

— Жуда соз! — жавоб берибди шоҳ ва шу за-ҳотиёқ хизматкорларига:— Фақир — Жон хотин учун сув иситинглар,— деб буйруқ берибди.

Шоҳнинг буйруғига бинноан хизматкорлар сув тайёрлашибди. Шунда шоҳ:

— Жон хотин, сув тайёр, бемалол чўмилиб олсанг бўлади,— дебди.

— Мен уйда чўмилмайман,— дебди фақир.

— Унда қаерда чўмиласан,— деб сўрабди шоҳ.

— Ҳовузда чўмиламан,— деб жавоб берибди

Жон хотин.

— Маъқул!— дебди шоҳ ва элликта сипоҳийни чақирибди-да: — Бугун мен ҳовузда чўмиламан,— дебди. Ҳовуз шаҳардан уч чақиримча нарида экан. Шоҳ фақир ва сипоҳийларни билан ҳовуз томон йўл олибди. Ҳовуз ёнига кўпинча шайтонлар келиб турадиган бўлгани учун ҳам шоҳ ўзи билан сипоҳийларни олволган экан.

Ҳовузга етишларига бир чақиримча қолганида фақир шоҳга қараб:

— Шоҳим, нега энди сен шунча сипоҳийларни бирга олиб келяпсан? Нима, биз жанг қилгани кет-япмизми? Менимча сипоҳийларни қайтариб юборганинг маъқул, — дебди.

Фақирнинг илтимосига кўра шоҳ сипоҳийларини орқага қайтариб юборибди.

Қоқ пешин пайтида шоҳ билан фақир ҳовуз олдига етиб келишибди. Шуида фақир шоҳга дебди:

— Шоҳим, мен ёзилиб келаман. Мабодо бу ерга ўқитувчимнинг хотини келиб қолгудек бўлса қўрқиб ўтирма. Сендан нимаики талаб қилса сўзсиз бажаргин!

Фақир шу гапларни айтибди-да, ўрмонга кириб кетибди. Нарироқ бориб чўмилиб олибди-да, қутидан яшил кўйлагин билан тақинчоқларини олиб кийинибди ва мисоли парилардек бўлибди.

Жон хотин шоҳнинг ёнига қараб юра бошлабди. Шоҳ қадам товуши билан тақинчоқларнинг жангир-жуигурини эшитиб жуда қўрқибди.

— Сен кимсан? Нега бу ерга келдинг? — дебди Жон хотин шоҳга қараб.

— Мен шоҳман,— деб жавоб берибди у.— Бу ерга фақир — Жон хотин билан бирга келгандим; у кетди.

— Яхши! Шунини айтмаганингда мен сени еб қўйган бўлардим. Яхшиям ўқитувчим билан бирга келган экансан, бўлмаса кунинг битган эди. Бўлмаса энди сенга бир вазифа юклайман.

Шоҳ бунга рози бўлибди.

— Ҳовуздан юз кўзада сув олиб келасан-да, оёғимга қўясан.

Буйруққа итоат қилган шоҳ ҳовуздап юз кўза сув ташиб келтирибди-да, оёғига қўйибди.

Шоҳ йигирманчими ёки ўттизинчи кўзадаги сувни қуйганида Жон хотин унга:

— Шоҳ, чарчадинг! Бас қил энди!— дебди.

Шоҳ унга кўз қирини ташлаб яшил қўйлаги билан тақинчоқларини кўрибди-ю, қўрқиб кетибди. Пари кетибди. Бир зумда уст-бошларини ечиб фақирча кийинибди-да, яна шоҳнинг олдига қайтиб келибди ва ундан:

— Бу ерга ким келди, шоҳ?— деб сўрабди.

— Бу ерга, — деб жавоб бера бошлабди шоҳ.— Ясанган-тусанган бир аёл келди. «Сен кимсан?» деб сўради у мендан. Мен унга бор ҳақиқатни айтиб бердим. «Мен сени ейман!» деди у гапимга жавобан. Мен унга сенинг номингни айтдим. Шунда у менга: «Яхшики сен у билан бирга келган экансан, майли, ундай бўлса оёғимга йигирма-ўттиз кўза сув келтириб қуй!»— деди. Мен унинг айтган гапини бажо қилдим. Шундан сўнг у кетди.

Шундай қилиб фақир билан шоҳ уйга қайтишибди. Йўлда келаётиб фақир ўзича: «Олти ой ҳам ўтиб кетди, энди, аҳтимол, шоҳ мени чақиртирса керак»,— деб ўйлабди.

Фақир шоҳнинг олдига келибди-да:

— Энди мен бирон-бир бошқа жойга кетаман,— дебди.

Шундай қилиб, фақир шоҳнинг олдидан чиқиб отасининг уйига борибди ва устидаги уст-бошларини ечибди.

Орадан бир неча кун ўтгач, шоҳдан қуйидаги мазмунда фармони олий келибди: «Олти ой муҳлатинг тугади, тезда ҳузуримга етиб кел!»

Хотини етиб келибди. Шоҳ унга:

— Агар кўзада сув олиб оёғингга қуйишга мени мажбур эта олмас экансан, сўйиб ташлайман!— дебди.

Шунда хотини унга қараб:

— Мабодо фақир билан бирга ҳовуз лабига бордингми? У ерда пари-пайкарни учратмадингми?

Унинг оёғига йигирма беш-ўттиз кўза сув қуйганинг йўқми? Ахир, у сенинг чарчаганингни кўриб, бас, етар энди, деб раҳм қилмадими?— дебди.

Шоҳ ҳайратдан оғзи очилиб, ҳанг-манг бўлиб қолибди.

— Борди-ю, агар сен у ерда бўлган экансан, унда янги уст-бошларингни кўрсат.

Хотини янги уст-бошларини кийиб шоҳнинг ҳузурига чиқибди. Шоҳ бунақанги гўзал аёлни фақат ҳовуз лабида кўрган экан. Шоҳ хижолат чекиб:

— Ҳақиқатан ҳам сен мени оёғингга сув қуйишга мажбур қила олдинг!— дея олибди холос.

## ЧИЯБҮРИ

Қадим замонларда бир чиябўри яшаган экан. Унинг хотини ҳам бор экан. Қунлардан бирида чиябўрининг хотини ҳамналадор бўлибди. Ой-куни яқинлашганда у эрига:

— Ой-куним яқинлашди, сен энди бориб бирон-бир панароқ уя топгин!— дебди.

Чиябўри қидириб юриб-юриб ахири шер яшайдиган бир маконни топибди.

Икковларн шу уяга ўрнашишибди, хотинининг ой-куни тўлиб, туғибди. Чиябўрининг болалари аста-секин кучга тўлиб катта бўла бошлашибди. Бу вақтда шер саёҳатда юрган экан, ўз уясининг банд бўлганидан беҳабар экан.

Қунлардан бир куни шер ўз уясига қайтиб келибди. Буни кўрган чиябўри хотинига нима қилиш ксраклигини ўргатибди-да, ўзи тоғнинг чўққясига чиқиб олибди.

Чиябўри болаларини тимдалашга киришибди, улар чийнллай бошлашибди:

— Хотини, ҳой хотин,— деб чақирибди чиябўри хотинини,— нега болалар чийнллашяпти?

— Кечаги шернинг гўштини емаймиз дейишяпти, янгиси эса йўқ!— деб жавоб қилибди хотини.

«Даҳшатли гап-ку,— ўйлабди шер.— Ҳа, энди тушундим, улар мени емоқчи эканлар-да!»

Шер орқа-ўнгига қарамай қочиб қолибди. Шу пайт дарахтда бир маймун ўтирган экан. У шерга дебди:

— Шундай кучли бўла туриб, чиябурининг гапидан қўрқиб қочяпсан-а! Ахир, уяда ўтирган чиябўрику,— дебди яна маймун,— наҳотки сени еиш унинг қўлидан келса?

— Сен менга қамроқ бўлсанг — борганим бўлсин,— дебди шер.

Маймун арқон олибди-да, бир учини шернинг белига, иккинчи учини эса ўзининг бўйнига боғлабди. Олдинда маймун, кетида шер, иккови уя томон йўлга чиқишибди.

Чиябўри уларнинг келаётганини кўриб яна хотинига нима дейиш кераклигини ўргатибди-да, ўзи тоғнинг баланд чўққисига чиқиб бақира бошлабди:

— Хотин, ҳой хотин, нега болалар чийнллашяпти?

— Кечаги шернинг гўштини емаймиз деб хархаша қилншяпти, янгиси эса йўқ,— деб жавоб қилибди хотини.

Шер бу гапни эшнтиши биланоқ қўрқиб қоча бошлабди. Орқасидан маймунни ҳам тортиб қочган экан, у бўғилиб ўлибди.

## ҚУВГИНДИ ШАҲЗОДА

### I

Қадим замонларда бир подшоҳ бўлган экан. Унинг пешанасида яккаю-ягона ўгли бўлган экан. Кунлардан бирида уни уйлантирибди. Бир кун эрхотин қайнатасникига боришибди. Қайната қиз билан куёвини роса меҳмон қилибди. Уйга қайтаётганларида, онаси қизига бриллиант узук, куёвиге бриллиант марварид тақдим қилди. Эр-хотин йўлда келаётиб бир дарахтнинг тагида тўхташибди, эри қўлидаги марваридларини дарахт шохига илиб сув ичгани кетибди. Уша вақтда бир парн-пайкар ўз подшоҳи Индра олдида ўйинга тушолмагани учун, шоҳ уни лаънатлаб: «Сен энди ўрмонга бориб ўша ерда ўн икки йил яшайсан!»— деб қувиб юборган экан. Қиз бечора баъзан қарга тусига кирар, баъзан эса яна парига айланар экан. Уша пайтда у

қарға тусида экан. Йигит илиб кетган марваридни олибди, дарахтнинг энг балаңд шохига қўниб ўтирибди. Шаҳзода келиб қараса марвариди йўқ эмиш.

Шунда у хотинига дебди:

— Уйга боришимиз билан уйдагилар: «Нима олиб келдинг?» деб сўрашади. Шунда сен бриллиант узугингни кўрсатгин.

— Яхши,— деб жавоб берибди хотини.

Уйга келишлари билан отаси ўғлидан:

— Қайнатаиғ қандай совға берди?— деб сўрабди.

— Қайнатам қизига бриллиант узук совға қилди,— деб жавоб берибди шаҳзода.

Шундан сўнғ қайнанаси келинндан сўрабди:

— Отанг нималар совға қилди? Уғлимга-чи?

— Отам менга бриллиант узук, ўғлингизга эса бриллиант марварид совға қилди,— деб жавоб берибди.

Бу гапларнинг ҳаммасини малика оқизмай-томизмай эрнга айтиб берибди. Шунда шоҳ ўғлига:

— Сен менга ўгил эмассан, душманим экансан! Уз қўлингдаги бойлигингни йўқотиб юрганингдан кейин, меникини қандай эҳтиёт қила оласан?— дебди. Отаси яна гапини давом қилиб шундай дебди:

— Ҳозироқ кўзимдан йўқол, бор, ўрмонга бориб яшайвер!

Шаҳзода отхонага кириб яхши бир отни етаклаб чиқибди-да, уни миниб ўрмонга қараб жўнабди. У тўғри ўша дарахтнинг олдига келибди-да, отини бир шохга боғлаб қўйибди. Пари ҳам худди шу ерга келиб, ўша шохга марваридларни илиб қўйибди. Шаҳзода ҳайрон бўлибди.

— Бу аёлини мен олдимда ҳам, орқамда ҳам келастганини кўрмовдим. Бу ерда қаердан пайдо бўлиб қолдйкин?

Пари йигитга қараб:

— Мен сен билан бирга бораман!— дебди.

— Яхши,— дебди шаҳзода,— юр, кетдик!— Йўлда боратуриб улар бир илон қурбақани жағида айлантриб ютолмаётганини кўриб қолишибди. Шаҳзода отдан тушибди-ю, оёғидан бир парча гўштни кесиб олиб илоннинг олдига ташлабди. Илон қурбақани қўйиб юборибди. Илон ўз ншига, қурбақа ўз маконига жўнабди.

— Шу пайтгача қаерда юрувдинг?— деб сўрабди ургочи илон эридан.

— Сен, шаллақи, ҳали мени сўроқ қиладиган бўлдингми!— деб жавоб қилибди илон.— Мен ўлгандим, жонимга шаҳзода ора кириб, сақлаб қолди.

— Ундай бўлса тезда орқасидан бор,— дебди хотиян,— қаерда бошига бир мушкул тушиб қийналиб қолса унга ёрдам қил!

Илон дарвеш қиёфасига кирибди-да, шаҳзоданинг орқасидан бораверибди.

Қурбақанинг хотини ҳам эридан сўраган экан, у ҳам бошидан ўтган воқеани айтиб берибди.

— Шаҳзода сенга шунчалик катта ёрдам қилган экан, тезда орқасидан бориб унга яхшилик қил, — деб тайинлабди.

Қурбақа шу заҳоти сартарош қиёфасига кириб, шаҳзоданинг орқасидан борибди.

## II

Шундай қилиб тўртовлон йўлда қетиб бораверишибди.

— Дўстлар, агар хоҳишларинг шундай бўлса, майли, юраверинглар. Менда ана шу отимдан бўлак ҳеч нарсам йўқ. Агар уни авайласанглар, галмагалдан миниб бораверамиз!— дебди шаҳзода уларга.

— Мен сартарошлик қиламан, шундан топган пулга тирикчилик қиламиз,— дебди сартарош.

— Мен эса қишлоқма-қишлоқ юриб хайр-садақа йиғаман, бир амаллаб кунимиз ўтар,— дебди дарвеш.

— Мен эсам ўрмонга бориб ов қиламан,— дебди шаҳзода.

— Мен эса,— дебди пари,— сизларга овқат пишириб бераман!

Улар йўл юришибди, йўл юришса ҳам мўл юриб, охири бир шаҳарга етиб келишибди. Шаҳзода ов қилгани, сартарош соч-соқол олгани, дарвеш эса хайр-садақа йиғгани кетишибди.

Шунда пари ўзига-ўзи:

— Қачондан бери бошимни ювганим йўқ! Бугун бир бошимни ювиб олай,— дебди-да, бош ювгани кетибди.

Булардан йигирма беш чақиримча нарида бир

шаҳар бор экан. Уша ердан бу ердаги дарёда чўмилиш учун шоҳнинг ўғли келибди. Уша парининг соч толасидан битта топиб олибди-да, толани ўлчабди. Ўлчаб кўрса, толанинг узунлиги қирқ тўрт қарич чиқибди.

Шаҳзода уйга келгач, отасига:

— Шу соч эгасига уйлантириб қўй,— дебди.

— Бундан осони йўқ,— дебди-да, хизматкорини чақириб:— Ана шунақа сочли аёлни қидириб топасан!— деб буюрибди.

— Қидириб топаман!— дебди хизматкор,— фақат менга учар гилам берсанг бўлгани.

— Яхши! Учар гиламни бераман!

Шоҳ унга учар гилам берибди. Хизматкор уни олиб йўлга тушибди. У йўл юрибди, йўл юрса ҳам мўл юрибди. Охри, не машаққатлар билан пари яшаётган жойга етиб келибди. Дарё устига учар гиламни ёзибди-да, нариги томон ўтибди ва уни учратиб:

— Қизим! Кўпдан бери бошингни ювмаганга ўхшайсан. Бошингдан галати ҳидлар келяпти!— дебди у парини ўпиб.

У парини дарё лабига олиб келибди-да, учар гиламга ўтқазибди.

— Учар гилам, — дебди шупда хизматкор, — қаёқдан келган бўлсанг, ўша томонга уч!

Хизматкор шундай қилиб парини шоҳ саройига олиб келибди.

### III

Бир пайт овчи, сартарош ва дарвеш қайтиб келишибди. Қарашса, пари йўқ эмиш.

— Ғалати иш бўлибди-ку,— дейишибди улар бир-бирларига,— парини ким олиб кетдийкин?

### IV

Пари шаҳзоданинг олдига келиши биланоқ унга:

— Ун икки йилгача сен менга ака бўласан, мен эса снингил. Ун икки йилдан кейин сен меннинг шоҳим бўласан, мен эса маликанг!— дебди.

— Ун икки йил давомида хайр-эҳсон бериб турасан,— деб шоҳ унга ажойиб хайрхона қурдирибди ва у ерга хизматкорлар тайинлабди.

Малика хизматкорларига қараб:

— Уша уйда қанақанги одамлар тунаса, нима ҳақида гапирншса, ҳаммасидан мени хабардор қилиб турасанлар,— деб уқтирибди.

Кунлардан бир куни ўша уйга учта одам келибди. Еб-нчиб бўлишгач, ўзаро гаплашишибди:

— Маликани кўрсак зўр иш бўларди-да!

Эртаси кунийёқ хизматкор маликанинг ҳузурнга кириб:

— Кеча уч киши келишди. Улар бир-бирларига: «Маликани кўрсак зўр иш бўларди-да», дейишди,— дебди.

— Уларни менинг олдимга олиб келинглари! — деб буюрибди малика.

Улар уч қаватли саройга келишибди.

— Ҳеч ташвиш тортмаинглари, — дебди малика уларга, — доим хайр-садақа олиб тураверинглари!

Бир куни шоҳ ўз тахтиравоннда ўтирган экан, унинг олдига сартарош келибди-да:

— Олампаҳоқ, қани айт-чи, сен адолатли ҳақ-ҳукм чиқарасанми ё йўқми?— дебди.

— Мен адолатли ҳукм чиқараман,— деб жавоб берибди шоҳ.

— Шоҳим, агар сен чиндан ҳам адолатли бўлсанг, бизнинг аёлимизни ўғлинг олиб кетганига нима дейсан?

Шоҳ бир зум индамай қолибди, сўнг келган уч кишини чақириб уларга:

— Учовларинг ҳам менинг хизматимда қолинглар,— дебди.

— Моянамиз қанча бўлади?— сўрашибди улар.

— Қанча десаларинг, шунча бераман.

— Юз минг танга берасан.

Шоҳ уларни шаҳзоданинг хизматига белгилабди-да, ҳар куни юз миң тангадан бериб турибди.

Шоҳ уларга танга беравергач, бир куни хизматкорлардан бири унга шундай дебди:

— Шоҳим, бекордан-бекорга шунча пулни сарф қилияпсан! Агар шаҳзодадан қутулмоқчи бўлсанг, унга Ямун дарёсига кўприк қуриб, устига қатор-қатор уйлар сол, деб буйруқ бер. Сўнгра ўзинг ҳам ўша ерга боргин-да, у билан шашқол ўйнаб турган бўлиб бармоғингдаги узукни дарёга тушириб юбор.

Шундан сўнг унга: «Агар отам мени жазоламасин десанг, узукни олиб чиқ, йўқса бошингни оламан!» — дегин.

Шоҳ шаҳзодани олдига чақирибди-да:

— Бориб, Ямун дарёси устига кўприк солгин-да, устига қатор уй қурдир, — дебди.

Шаҳзода бориб Ямун дарёсига кўприк солибди ва устига қатор уй қурдирди.

— Қани, энди ўша ерга борайлик, — дебди шоҳ шаҳзодага ва: — Кел, бир шашқол ўйнайлик, — деб туриб бармоғидаги узукни бўшатиб қўйибди.

Икковлари шашқол ўйнаб туришганида шоҳ бармоғидаги узукни сувга тушириб юборибди.

— Агар узукимни олиб чиқмасанг, бошингни оламан, — дебди шоҳ.

Шаҳзода уйига қайтиб келибди-да, бўлган воқеани ўзи билан бирга келган ҳамроҳларига айтибди.

— Дўстим, — дебди қурбақа, — сартарошга қиллинган яхшиликни энди мен сенга қайтараман, сенга ҳаёт бахш этаман!

Қурбақа сартарош қиёфасини тарк этибди-да, дарё лабига келиб вақиллай бошлабди. Шу заҳоти ҳамма қурбақалар тўпланишибди. «Нима гап, нима бўлди?» — деб сўрашибди улар. Балиқлар ҳам гуж бўлиб йнгиллишибди. Бу ерга қурбақалар подшоҳи билан балиқлар подшоҳи ҳам етиб келибди. Улар сув тагидан узукни олиб чиқиб, дарё лабида турган қурбақага беришибди.

Қурбақа узукни уйга олиб келиб шаҳзодага берибди. Шаҳзода эса уни шоҳ отасига олиб бориб берибди.

Шаҳзода ўз хаёлида: «У энди мени ўлдирадн! Тирик қолганимни кўриб менимча шундай қилса керак!» — деб ўйлабди.

— Эртага икковимиз отишамиз! — дебди шоҳ.

Шунда дарвеш қиёфасига кириб юрган илон:

— Дўстим, бугун мен сенга ҳаёт бахш этаман, — дебди.

У яна илон қиёфасига кирди-да, шоҳни чақиб олибди.

Шу кун илон маликага берилган ўн икки йиллик муддат тўлган экан.

Тўртовлари ўз уйларига қараб йўл олишибди.

Шоҳ ўз ўғлини кўриб жуда хурсанд бўлиб кетибди.

## ИБЛИС

Бир киши шаҳардан ўз қишлоғига қайтиб келаётган экан, йўлда дарвешни учратибди. Аввал у олдида келаётган итни чақириб, унга:

— Юр, мен билан!— дебди.

Йўлда келаётиб қараса, мингга яқин тўнғиз атрофида югуриб юришганмиш. Буни кўриб жон-пони чиқиб кетибди. Уни тўнғизлар галаси қуршаб олибди. У ердан тош олиб уларга отган экан, тўнғизлар қочиб қолибди.

У яна йўлда давом этибди. Бир пайт қараса унга қараб баҳайбат бир шер наъра тортиб келаётганмиш. У ўзича: «Бу шер мени тилка-пора қилиб, ғажиб ташлайди!» деб ўйлабди. У лип этиб дарахтга чиқиб олибди. Шер ўкира-ўкира охири қайтиб кетибди.

У азбаройи қўрқиб кетганидан эси оғиб қолибди. Ҳушига келгач, яна йўлга тушибди, олдидан ғўзал бир аёл чиқибди. У хушнуд бўлиб, аёл билан суҳбатлаша бошлабди. У ҳар қанча гапирса ҳам, аёл миқ этмасмиш.

Охири улар кўприкка етиб келишнбди. Аёл уни итариб сувга тушириб юборибди. Бечоранинг чўкиб кетишига оз қолибди!

## ТЕНТАК УҒИЛ ВА АҚЛЛИ ОНА

Қадим замонларда она-бола яшашган экан. Кунлардан бир кун йўли дунё кезиб, саёҳат қилмоқчи бўлибди ва онасига:

— Онажон! Йўлга нон-пон ёпиб берсанг,—дебди.

Онаси нон ёпиб берибди. Уғил нонларни халтачага солибди-да, ҳаё-ҳув деб йўлга чиқибди. Йўл юрибди, йўл юрса ҳам мўл юрибди. Охири бир ерга етиб келибди-да, юз-қўлини ювиб, ўтириб овқатланмоқчи бўлган экан, рўпарасида бир ит пайдо бўлибди. Итга озроққина нон берган экан, у қайтиб кетибди.

Шу орада қандайдир бир бой чарм қопда олтин-

ларини офтобга ёйиб қўйган экан. Ит ўша ерга келибди-да, битта қопни тишлаганича йигитнинг олди-га олиб келибди. Йигит қопни очиб кўрибди ва олтинларни кўриб, севиниб кетибди. Шундан сўнг у тўрвасидаги ҳамма понини итга берибди-да, севина-севина уйига қайтиб келибди ва қопдаги олтинни онасига кўрсатган экан, уни кўриб онасининг кўз-лари қинидан чиқиб кетай дебди.

Она ниҳоятда ақлли аёл экан. У саккиз аннага<sup>1</sup> ҳар хил ширинликлар сотиб олиб, уларни айвон билан томга ёйиб қўйибди-да, ўғлига:

— Ўғлим! Қарагин-а, гаройиб ёмғир ёғипти! Ширинликлардан хоҳлаганинча еб, тўйиб ол,— дебди. Ўғли севиниб кетибди ва ширинликларни битта қолдирмай еб битирибди.

Онаси ўғлига бежирим кўйлак ҳам тикиб берибди.

Қушлардан бир куни ўғли онасига:

— Ойижон, менга тўрт пайса беринг, бозорга бориб келаман,— дебди.

— Пулни нима қиласан?— сўрабди онаси.

— Бир пайсага бетель, бир пайсага ёнгоқ, бир пайсага ширинлик оламан. Бир пайсани эса бузуқ аёлга бераман,— дебди.

Онаси унга тўрт пайса берибди. Йигит бозорга бориб, аввал бетель сотадиган дўконга келибди-да:

— Амаки, ҳой амаки! Яхши бетелдан борми?— деб сўрабди.

— Жудаям яхинси бор, жаноблари! Ҳозир олиб чиқаман, қанча керак эди?

— Элликтача ўрами керак эди!

Шундан сўнг у ширинликлар сотадиган дўконча олдига борибди ва:

— Қандолатпаз, ҳой қандолатпаз, тайёр ширинликлардан борми?— деб сўрабди.

— Қанча керак эди, жанобларн?— сўрабди дўкончи.

— Бир-икки кило керак!

— Хўп бўлади, жаноблари, ҳозир тайёрлаб бераман!— дебди дўкончи.

<sup>1</sup> Анна — майда пул.

— Бўлмаса мен бир айланиб келаман, унгина тайёрлаб қўярсиз.

Шундан сўнг у бир фоҳиша аёлни топиб, уникида тунаб қолибди. Эрта билан кетаётиб унинг қўлига бир пайса тутқазган экан, фоҳиша:

— Туни билан ишрат қилиб, фақат бир пайса берасанми!— деб шаллақилик қилибди.

Фоҳиша уни роса адабини бериб калтаклабди-да, ҳақини икки баробар қилиб ундириб олибди. Шундан сўнг йигит қандолатпаз олдиға борибди.

— Қандолатпаз, ҳой қандолатпаз!— деб чақирибди.— Қалай, ширинликлар тайёр бўлдим?

— Тайёр, жаноблари! Қанча тортай?

— Таъминни кўриш учун бир пайсалик тортсанг бўлади.

Дўкондор йигитни роса урибди-да, уст-бошларини ечиб олибди.

Шундан сўнг у бетель сотувчи дўкон олдиға келибди.

— Жаноблари,— дебди дўкончи,— бетель тайёр бўлди!

— Жуда соз! Бўлмаса, бир пайсалик бер-чи!— дебди йигит.

Дўкондорнинг жаҳли чиқиб кетибди-да, роса калтаклабди ва охири дхотийсини<sup>1</sup> ҳам ечиб олибди.

Шу пайт бирдан ҳаммаёқда ноғоралар чалиниб жарчи чақприб қолибди: фалончи бойнинг бир қоп олтини йўқолди, кимда-ким топиб келтирса, эвазига катта мукофот берилади!

Бу гапни йигит эшитибди-ю:

— Қани, мукофотни беравер, қопни топдим!— дебди.

— Қоп қани?— сўрашибди ундан.

— Қоп онамда!

Халойиқ у билан биргалашиб уйига борибди.

— Ойи! Халиги, мен келтириб берган қоп қани?— дебди у.

— Қачон сен менга қоп бердинг?

— Хув анови, осмондан ширинликлар ёғган кун!

Шунда онаси халойиққа қараб:

---

<sup>1</sup> Дхотий — белдан юқорига ўрайдиган мато.

— Сира осмондан ширнилик ёлган кунни эшитганмисиз?— дебди.

Халойиқ унинг гапини эшитиб:

— Вой, тентак-е!— деб роса қулишибди ва орқаларига қайтиб кетишибди.

## АИЕР СИПОҲИЙ

Бир замонларда бир сипоҳий яшаган экан. Кунлардан бир кун у йўлда кетаётган экан, қорин очиб қолибди-да, бир уйга кирибди. Уй бекаси овқат пишираётган экан, эри эса ўрмонга ўтин қилгани кетган экан.

— Менга бирои-бир егулик берсанг!— дебди сипоҳий аёлга.

— Мен сенга овқатни қаердан олиб бераман?— деб жавоб қилибди аёл. — Ҳеч вақойим йўқ!

Сипоҳий нидамай турибди-да, сўнг:

— Йўлда мен ажойиб бир инма кўрдим,— дебди.— Битта малгонин<sup>1</sup> иккита аравага ортиб кетишяпти. Катталиги худди уйдек келади!

— Қаерда кўрдинг?— деб сўрабди аёл.

— Шу ердан бир чақиримча нарида,— деб жавоб қилибди сипоҳий.

— Ундай бўлса, сен уйга қараб тур, мен гизиллаб бориб кўриб келаман,— дебди аёл.

— Маъқул,— дебди сипоҳий. Аёл гизиллаганича кетибди, сипоҳий эса аёл эрига ёпиб қўйган нонни пок-покиза туширибди-да, озғинасини қолдирибди. Шу пайт аёлнинг эри ўрмондан ўтин олиб келиб қолибди.

— Сен кимсан?— сўрабди у сипоҳийдан.

— Дунё кезиб юрган сайёҳман!—жавоб қилибди у.

— Хотиним қани?

— Ҳозиргина қандайдир бир одам келиб қўли билан имлагандек бўлди. У ўша билан кетди.

— Қайси томонга кетди.

— Йўлдан ўнг томонга қараб кетди.

Эри бечора югурганча хотинини қидириб кетибди, хотини эса бу орада уйга қайтиб келибди.

— Ҳа! Эрим ўтин олиб келибди. Узи қаерга кетди?

<sup>1</sup> Малго — тропик дарахт меваси.

— Ҳозиргина шу ерда эди,— дебди сипоҳий,— қандайдир бир аёл келиб имлаб чақирганди, ўша билан кетди.

— Қайси томонга кетди?

— Йўлдан чап томонга қараб кетди!— жавоб қилибди сипоҳий. Аёл эрини ахтариб кетибди. Сипоҳий эса хурсанд бўлиб нониинг қолганини ҳам еб битирибди-да, уйдаги қўлига илинган ҳамма нарсани олиб жуфтакни урибди. Қишлоқнинг бир чстроғига бориб бекиниб турибди.

Бир пайт эри хотини билан қайтиб келибди-ю, сўкиша кетибди:

— Сен ҳали ўйнашингникига борадиган бўлдингми?— дебди эри.

— Сен бошқа аёлнинг орқасидан борадиган бўлдингми?— деб бақарибди хотини.

Эри хотинни роса савалабди.

Хотини бечора йиғлай бошлабди.

Сипоҳий бақариқ-чақариқ билан йиғини эшитиб қишлоқдаги одамларга:

— Эҳ, бечора! Унинг ёлғизгина фарзанди бор эди, у ҳам ўлибди,— дебди.

Қишлоқ аҳли ҳамдардлик билдириш учун йиғлаб, камбағалнинг уйига келибди.

— Эй, худойим-е! Бу қандай кўргилик,— дебди қишлоқ аҳли.— Бандалик-да. Ёлғиз фарзандингни ҳам худо кўп кўрибди!

Камбағалнинг эса баттар хуноби ошиб бақарибди:

— Илоҳим, сизларнинг болаларингиз ўлсин! Топиб келган совуқ гапларингиз қурсин!

Улар талай вақтгача жанжаллашишибди. Сипоҳий эса фурсатни ғанимат билиб қочиб қолибди.

## ЗИҒИРДЕК

Қадим замонларда бир кампир яшаган экан. Унинг кўзипинг оқу қораси ёлғиз ўғли бўлган экан. Кунлардан бир куни уни уйлантириб қўйибди. Келин ўз ота-онасикида, куёв бола эса ўз уйида яшар эканлар.

Бир купи у онасига дебди:

— Ойижон, бугун мен қайнатамникига бораман!

— Ундай бўлса йўлга бирон нарса керак бўлар?— дебди онаси ва қўшнингга чиқиб, ундан тўрт пайса қарз олибди-да, ўғлига бера туриб: — Ейишга биронта зигирдек нарса сотиб оларсан,— дебди.

Ўғли тўғри бозорга бориб биринчи учраган дўконга кирибди-да:

— Менга бир пайсалик зигирдек беринг!— дебди.

— Биродари азиз, — дебди дўкондор, — бу ерда ҳамма нарса бор. Айт, нима керак сенга. Нима кераклигини айтсанг, топиб бераман.

Бунга жавобан ландовур бола:

— Ойим менга: «Зигирдек нарса сотиб олгин», деган. Уша ойим айтган нарсани бер, — дебди.

Бола шу сўзни такрорлаганча бутун бозорни айланиб чиқибди ва охири бир кўчага кирибди-да, ўзига-ўзи: «Бозор бўлмай илоҳим ўт тушсин бунга. Зигирдекни ахтарсаму, тополмасам!» дебди.

— Уша кўчада ҳам бир дўконча бор экан. Боланинг гапини дўкондор эшитибди-ю:

— Эй, биродар! Бундай демагин! Зигирдек менда бор. Олавер! — дебди.

«Бу дўкондорда эҳтимол ҳамма нарса бўлса керак!»— деб ўйлаб, у шу дўконга кирибди.

— Жуда соз! Қани менга зигирдек бер-чи! — дебди бола.

Дўкондор унга қовоқ берибди. Бола унга тўрт пайса берибди. Қовоқни эса маза қилиб еб олибди-да, қайнатасипикига келибди. Қайнатаси куёвининг келганини кўриб хурсанд бўлибди.

Кеч кириб, қош қорайибди. Қовоқ куёв боланинг қоринни шишириб юборибди.

— Бундан кейин зигирдек смаганим бўлсин, — дебди у.

— Куёв бола, — дебди қайнатаси,— оёқ-қўлингни ювиб зигирдек овқатлансанг бўларди!

— Йўқ!— жавоб қилибди куёв.— Ҳеч қачон энди зигирдек емайман!

«Куёвимизнинг анчагина тоби йўқ кўринади!»— деб ўйлабди қайнатаси ва куёвига қараб:

— Яхши эмас, бордию ҳеч нарса егинг келмаётган экан, озроқ сут ичгин!— дебди.

— Яхши! Сут бўлса ичаман!— деб розилик билдирибди куёв.

Шундан сўнг қайнатаси қизига:

— Қизим! Куёвим нимагадир хомуш кўринади! Олдига кирсанг бўлармиди. Бир оз қарта ўйнаб кўнглини ёзгин!— дебди.

Қиз қартани олиб эрининг олдига кирибди ва олдига қартани ёзди. Бироқ куёв қарта ўйнашни билмас экан.

Қизи онасининг олдига чиқибди-да:

— Роса қарта ўйнадик, қани, энди унга сут бер,— дебди.

Онаси қизининг қўлига идишдаги сутни берибди. Қизи олиб кириб, эрининг олдига қўйибди. Ўзи эса онасининг олдига қайтиб чиқибди.

Йигит олдаги қартани нон деб ўйлаб, еб юборибди. Қартани еб устидан сутни ичибди. Бир пайт хотини кириб:

— Сутни ичдингми?— деб сўрабди.

— Ҳа, сутни ичиб, нонни ҳам едим. Шундай юпқа эканки!— дебди эри.

— Вой, худойим-е!— деб юборибди хотини. — Пешанамга нега бунчалик ақлли эрни ёзмасанг-а?— Шундай деб бошини ушлаганча чиқиб кетибди.

Қоқ ярим кечага борганида унинг ёзилгиси келибди. Шунда у ўзига-ўзи:

— Буёғи қандай бўлди! Бу ердан чиқсам, оркамга қайтишда йўлни қандай топдим!— дебди.

Бошидаги салласини ечибди-да, бир учиғи тўшакка боғлабди ва ўзига-ўзи: «Салла қаерда томом бўлса, ўша ерга ўтираман»,— дебди.

У чиқиши билан хотини кирибди. «Қаёққа кетдийкин?»— ўзига-ўзи савол берибди. Тўшакка боғланган саллани кўриб қолибди-да, ечиб юборибди.

Юрб-юриб охири уйига етиб келиб қолибди.

— Нега бунчалик шоша-пиша қайтмасанг?— сўрабди онаси.

— Эҳ, онажоғ! Ёзиламан деб чиққандим. Бу ерга қандай келиб қолганимни ўзим ҳам билмайман!

Онаси хахолаб кулганича:

— Қани, жўна эси паст!— дебди.

## МАҚОЛ

Бир одам эртақ ўқиб ўтирган экан, унинг ёнига танишн келиб:

— Жаноб! «Эси пастининг соқоли юзидан узун!» деган ажойиб мақол бор,— дебди.

Эртақ ўқиб ўтирган одам унга ҳеч нима демабди. Бир пайт қоқ ярим кечага борганида: «Эси пастининг соқоли юзидан узун!»— деб хаёлидан ўтказибди.

Эртаси куни ўз соқолини ойнага солиб кўрибди: «Соқолим узун-а!— дебди ўзига-ўзи.— Бунинг иложини қилса бўлади!» Шундан сўнг у бир қўли билан соқолини тутамлабди, иккинчи қўлига эса лампани олибди.

Шишадан кўтарилган олов олдин соқолига урибди, кейин эса қўлини куйдирибди. Бир пайт қўлини оламан деган экан олов кўтарилиб соқолини ҳам, юзини ҳам куйдирибди. «Ўша мақол жуда тўғри экан! Мендан бўлак кимнинг эси паст?!»— дебди у ўзига-ўзи.

## ҲАММОЛ

Бир ҳаммол бошига ёғ солинган кўзани қўйиб кетаётган экан.

Дўкандор икки пайсага унинг ёғини сотиб олибди-да:

— Ёғингни дўкоимга олиб борасан,— дебди.

Ҳаммол йўлда кетатуриб ўзича ўйлабди: «Дўкандор менга икки пайса берди: бу пулга мен энди товуқ сотиб оламан, товуқнинг тухумларини сотиб эчки оламан. Эчки туғиши билан болаларини сотиб пулига сигир оламан. Сигирнинг сутини сотиб буқа оламан; сут билан қаймоқни сотиб пул йиғаман. Пулим кўпайгач, уй қураман; уй битиши билан уйланаман. Бола-чақам кўпайишгач, улар менга:

— Дадажон, қани бизга овқат беринг,— дейишади.

Шу пайт у бошнини қимирлатиб қўйибди-да:

— Мен эса уларга: «Қани, жим бўлинглар, мени ўз ҳолимга қўясанларми ё йўқми?» дейман».

У яна бошини қимирлатиб қўйган экан, кўза тушиб чил-чил бўлбди. У хомуш бўлганича ичига чироқ ёқса ёришмай дўкандорнинг олдига келибди.

— Сен, махлуқ, нега энди кўзани синдирдинг,— дебди дўкондор.

— Ўзинг махлуқсан, — деб жавоб берибди ҳам-мол.— нега энди сен мен қурган уйимни, оилампи бузиб юбординг?

Иккови жанжаллашиб қозининг олдига боришибди.

— Хўш, қани айт-чи, кўзани қандай синдирдинг?— сўрабди қози.

— Хаёл суриб кетаётгандим, мухтарам қози, — деб жавоб берибди у,— бошимни қимирлатган эканман, кўза тушиб синди. Эндиликда менинг бир илтимосим бор: унинг кўзачаси бутун оиламни бузиб юборган экан, ўзи қайта тиклаб берсин!

Қози кулибди ва ҳаммолни ҳайдаб юборибди.

## ОЛИБ ҚОЧИЛГАН МАЛИКА

Қадим замонларда бир подшоҳ бўлиб, унинг етти ўғли ва етти келини бор экан. Кунлардан бир куни шоҳнинг олдига бир дарвеш келибди. Дарвеш сеҳрафсунга ниҳоятда уста экан. Шоҳ дарвешни саройга олиб кирибди-да, унга алоҳида қаландархона қурдириб берибди.

Шоҳ биринчи куни дарвешнинг олдига овқат олиб кириб хабар олишни биринчи келинига топширибди, иккинчи куни — иккинчисига, учинчи куни — учинчисига ва ҳоказо, ҳамма келинига бир кундан белгилаб берибди.

Шу зайлда дарвеш шоҳнинг уйида уч-тўрт йил яшабди. Келинлар ҳар куни унинг ҳолидан галмагалдан хабар олиб туришибди. Ниҳоят навбат еттинчи келинига келибди. Бошқа кунлари дарвешга ноя, гуруч ва бошқа егуликларни дарвешнинг олдига кирмай узатишар экан. Шу куни эса эшик қия очиб қўйилибди.

— Эй, фоҳиша!— бақрибди дарвеш келин-маликага қараб.— Овқатни ичкарига олиб кир!

Малика овқатни олиб кирибди. Шунда дарвеш афсун ўқиб, маликани, қаландархонани ва егуликларни Еттинчи денгиз қирғоғига келтирибди. Ден-

гиздан ўтиб, қалаандархонасини шу ерда бино қилибди. Ўша денгиз қирғоғида бир савдогар яшаркан.

Шундан сўнг шаҳзодаларнинг боши қотиб, ўйлаб қолишибди:

— Малика қаерга кетдийкин?

Бир пайт унинг дарвешга овқат олиб кетганини эслаб қолишибди. Охири иккинчи келин хабар олгани бориб кўрасаки, дарвеш ҳам, малика ҳам, қалаандархона ҳам йўқ эмиш.

Шундан сўнг шаҳзода учқур бир отни отхонадан олиб чиқибди-да, ҳайё-ҳув деганича хотинини ахтариб йўлга равона бўлибди. Йўл юрибди, йўл юрса ҳам мўл юрибди. Охири Еттинчи денгиз қирғоғига етиб келибди-да, бир дўкон олдида тўхтабди. Дарвеш бу дўконга ҳар куни мол харид қилгани келар экан.

— Бу ерда биронта дарвеш йўқми? — сўрабди шаҳзода.

— Бор! — деб жавоб берибди дўкондор.

Дарвеш шаҳзода келганини билибди; у бир сиқим кул олибди-да, афсун ўқиб, шаҳзодани дарахтга айлантирибди.

Шаҳзодалардан ягона бир ўғил қолган экан; уни бир амаллаб йнгирма ёшигача тарбия қилишибди. Кунлардан бир куни у бувасидан:

— Менинг отам билан амакиларим қаёқда? — деб сўраб қолибди.

— Сен туғилган кунинг уларнинг купи битган эди. Отанг билан амакиларинг Еттинчи денгизнинг қирғоғида дарахтга айлантириб қўйилди. Келин ойингни ҳам ўша ёққа дарвеш олиб кетган! — деб жавоб берибди буваси набирасига.

— Ундай бўлса мен ўша томонга бораман! — дебди йнгитча.

У Еттинчи денгизга келибди-да, дўкондорни топди. Дўкондор отасининг отини кўрсатибди-да:

— Ҳов анови дарахт отанг бўлади, ановиларн эса амакиларинг! — дебди.

— Мени эҳтиёт қилсанг, — дебди йнгитча дўкондорга, — эвазига жуда катта бойлик бераман!

Дўкондор йнгитни яшириб қўйибди. Бир пайт дарвеш мол олгани келибди ва болани кўрмабди. Эртаси куни бола қумга яшириниб олибди. Шу куни

дарвеш оёрига кавушини кийибди-да, денгиз лабига келябди. Денгиз суви зумда қуриб қолибди. Дарвеш кавушини ечиб қолдириб кетибди. Ҳамма афсун ана шу кавушда экан. Йигит кавушни олиб кийибди-ю, келинойиснинг олдига келибди.

Келинойиси унга:

— Туғилишиг билан бошимизга кулфат тушди! Сенинг отанг ва олти амакинг бор эди. Улар етти дарахтга айлантириб қўйилган.— дебди.

Келинойиси унга худди ўшанга ўхшаш бошқа кавуш берибди-да:

— Ўша денгиз қирғоғидаги дўконга бор,— дебди.

Йигит ўрнидан туриб кетмоқчи бўлганида келинойисига:

— Келинойижон! Дарвешдан сўраиҗ-чи, унинг нафас йўли қаерида экан?— дебди.

У дўконга етиб келибди, кавушни ечиб ўша ерга қўйибди-да, ўзи яшириниб олибди.

Дарвеш уйга қайтиб келибди, бироқ малика шу куни у билан гаплашмабди.

— Нега энди менга ҳеч нима демаяпсан?— сўрабди дарвеш.

— Сен дарвешсан,— жавоб берибди у,— мен эсам — малика; бордию сен ўлиб кетсанг, ёлғиз ўзим ўрмонда нима қиламан?

— Мен ҳеч қачон ўлмаيمان,— дебди дарвеш,— мен ўлмасман!— Яна у маликага шундай дебди:— Олтинчи денгиз қирғоғида бир қаср бор, ўша қаср тагида яна бир уй бор, ер остида эса темир қафас бўлиб, қафас ичида тўтиқуш ўтирибди. Қимда-ким ана шу тўтиқушни ўлдирса, ўшанда менинг ҳам жоним узлади.

Эртасн куни дарвеш дўконга кетиши билан йигитча келинойиси олдига келибди ва:

— Дарвеш нима деди?— деб сўрабди.

— Ҳеч нима қилиб бўлмайди!— дебди келинойиси.— Яхшиси, уйга қайтганинг маъқул!

— Йўқ, унинг нима деганини айтасан?— деб туриб олибди йигитча.

Шундан сўнг келинойиси унга дарвешнинг айтганларини гапириб берибди: Олтинчи денгиз қирғоғида бир қаср бўлиб, унинг тагида уй бормиш. Ер

остидаги темир қафасда тўтиқуш ўтирганмиш. Уша тўтиқушни кимда-ким ўлдирса, шунда дарвеш ҳам ўларкан, дебди.

Йигит унинг олдидан чиқиб тўппа-тўғри Олтинчи денгизга етиб келибди. У келган шаҳарнинг подшоҳи бўлиб, унинг ҳали эрга тегмаган қизи бор экан. Йўлда шоҳнинг сигир ва буқаларини боқиб юрган чўпон тўсатдан йигитчани кўриб қолди. Кеч кириб қош қорайибди, ҳамма уй-уйига кетгач, чўпон шаҳарга қайтибди ва:

— Бугун мен гўзал бир йигитчани кўриб қолдим. Йигитмисан-йигит. Агар малика олманинг бир палласи бўлса, йигит иккинчиси. Маликага жуда мос тушади-да,— деб гапириб берибди.

Шоҳ чўпондан бу гапни эшитган заҳоти фармони олий берибди:

— Шаҳарга келган жамики янги кишилар тезда менинг ҳузуримга олиб келинсин!

Шаҳарда қанча меҳмон бўлса, ҳаммаларини шоҳ ҳузурига олиб келишибди. Маликаи дилором йигитчани кўриши билан юраги жиз этибди.

— Йигитчани яхшилаб ювинтириб, кийинтириглар ва маликага тўй қилинглар! — деб буйруқ берибди шоҳ.

Шоҳ унга жуда кўп бойликлар инъом қилибди. Шунга йигит:

— Марҳаматли шоҳим, менга ҳеч нарса керак эмас, фақат бир оғна гапим бор, айтишга ижозат берсанг,— дебди.

— Майли, — дебди шоҳ. Шунда йигитча ўша қасрни сўрабди.

— Нима қиласан у қасрни?— ҳайрон бўлибди шоҳ ва унга қасрни инъом қилибди.

Йигитча қасрга бир қанча хизматкорларни юборибди-да, буздирибди. Қаср тагидаги қафасни ва тўтиқушни топишибди. Йигитча тўтиқушнинг қаноти билан оёқларини кесиб ташлабди.

Дарвешни ўтга ташлабди.

— Менинг душманим ким ўзи?— дебди у.

Йигитча қафасни олиб, шоҳнинг олдига келибди. Шоҳ у билан бирга малканни, сипоҳийларни, фял ва отларни бирга қўшиб юборибди. У Олтинчи денгиздан сузиб ўтиб келнн ойиси ёнига келибди. Келин-

ойиси уни кўриб ўзида йўқ хурсанд бўлибди. Шунда йигитча дарвешга қараб:

— Қани, анови дарахтларни одамга айлантирчи!— дебди.

Дарвеш дарахтларга дам сўлган экан, шу заҳоти улар етти одамга айланибди. Дарвеш йигитчага қараб:

— Менга шафқат қил. Агар менн ўлдирмоқчи бўлсанг, майли, ўлдиргин-да, ўз қўлинг билан дафн эт,— дебди.

Йигитча тўтиқушни ҳам, дарвешни ҳам ўлдирибди-да, урф-одатга кўра кўмиб, тиловат қилибди.

Шундан сўнг йигитча хотини, отаси, амакилари ва келннойисини олиб дўкондор олдига келишибди. Дўкондор уларнинг отини қайтариб берибди, улар эса унга жуда кўп бойликлар беришибди-да, уйлари-га қараб йўл олишибди.

Уларнинг ота-оналарининг кўзлари ожиз бўлиб қолган экан. Бўлиб ўтган воқеаларни эшитишгач, кўзлари ҳам очилибди. Йигитча уйга келгач, чолкампирига шифобахш сувдан ичирган экан, шу заҳоти ёшариб қолишибди.

— Қудратинг зўр экан!— дейишибди унга туғишганлари.— Қойил!

Отаси билан амакилари эса:

— Бизлар ҳам ёрдам берамиз деб боргандик, бироқ дарахтга айланиб қолдик. Сен бориб бизни қутқардинг ва ҳаётга қайтардинг,— деб миннатдорчилик билдиришибди.

## У Қ П А Р

Жуда қадим замонларда бир брахман яшаган экан. Унинг хотини ва қизи бор экан. Орадан бир неча йиллар ўтиб, қизи балогатга етибди.

Эр-хотин деярли ҳар купи бир-бирлари билан жанжаллашишар экан. Бир куни хотини дебди:

— Қизингни бўйи етиб қолди, уни эрга бериш ҳаёлинга ҳам келмайди! Бирон ғазал тўқиб шоҳга инъом қилсанг. У сенга мукофот беради. Лоақал, ана шунга тўй қилиб ўтказардик.

«Чиндан ҳам хотинимнинг гапида жон бор!»—

деб хаёлидан ўтказибди эр ва тўғри шоҳ ҳузурига қараб йўл олибди.

Пўлда кетатуриб у шайтонга дуч келибди. Шайтон ундан:

— Сен кимсан? Қаёққа кетяпсан? — деб сўрабди.

— Мен брахманман! Уйда бўйи етиб қолган қизим бор, уни эрга бериш учун шоҳдан пул сўрагани кетяпман!— дебди.

— Бўлмаса менга бир хизмат қилсанг,— дебди шайтон,— йўқ дегудай бўлсанг, кўпим битди деявер.

— Хўш, қандай юмуш буюрасан?—дебди брахман.

— Бу ердан етти чақиримча нарида жанг бўлиб ўтди, жуда кўп одам ҳалок бўлди. Ўша ердан бир жасадни олиб келасан. Мен уни ейман.

— Жуда соз!— дебди брахман.

Шунда шайтон:

— Сенга укпар инъом қиламан. Сен уни бошингга қўйиб оласан. Шунда сен мурдалар орасида бир одамнинг жасадини кўрасан. Менга ана ўша жасадини олиб келтирасан!— дебди.

Брахман етти кун деганда не машаққатлар билан ўша эрга етиб борибди. Шайтон берган укпарни бошига қўйибди ва миллион-миллион жасадини кўрибди. Бироқ улар орасида одам жасади бир-икки-тагина экан, холос. У одамзод жасадини шайтонга олиб келиб берибди. Шайтон хурсанд бўлиб кетиб, унга талайгина пул берибди.

Брахман уйига қайтиб келгач, қизини эрга берибди.

Тўй бўлиб ўтгач, эр-хотин энди кунига жанжал-лашадиган бўлиб қолишибди.

Бир куни брахман шайтон берган укпарни бошига қўйган экан, хотинининг кучук эканини кўрибди.

«Энди ўз қиёфамга ҳам бир қараб кўрай-чи!»— дебди у ўзига-ўзи. Ойнага қараган экан, йўлбарсни кўрибди. «Хотиним билан уришаётганимнинг боиси бу ёқда экан; асли туғилишдан у кучук экану мен йўлбарс эканман-да! Шунинг учун ҳам биз бир-биримиз билан ит-мушук эканмиз-да», дебди.

Брахман уйдан чиқиб, тўппа-тўғри бозорга келибди, у бу ерда тентак бир аёлни учратибди. Аёл унга:

— Бугундан бошлаб сен менга эрсан, мен эса хотинингман!— дебди.

Брахман кулиб қўйибди.

Брахман аёл ўз давлатини, молу мулкларини унга кўрсатибди. Брахман хурсанд бўлиб кетибди. Унга уйланиши биланоқ биринчи хотинидан ажралибди. Брахман аёлни бошига укпарни қўйган экан, унинг урғочи йўлбарслигини кўрибди.

Шунда у ўзига-ўзи дебди: «Мени севиб қолганининг боиси бор экан-да. Мен йўлбарсман, у эса урғочи йўлбарс. Икковимиз хилга тушибмиз!»

Шундай қилиб икковлари умрларининг охиригача бирга бахтли ҳаёт кечирибдилар.

## МАҚТАНЧОҚ

Қадим замонларда бир мақтанчоқ ишаган экан. Қулардан бирида у онасига:

— Ойнжон, менга озроқ нон ёпиб берсанг, бир саёҳат қилиб келмоқчиман,— дебди.

Онаси унга нон ёпиб берибди, бола саёҳатга жўнабди. Юриб-юриб охири бир ҳовуз бўйига етиб келибди-да, ўтирибди ва халтасидаги тўртта нонни олиб ҳовузнинг тўрт томонига қўйибди.

У ўзича дебди: «Ноннинг биттасини ейман, иккинчи, учинчисини ҳам ейман, агар хоқласам тўртовини ҳам ейман».

Ҳовузнинг тўрт томонида тўртта илон яшаркан. Улар боланинг гапини эшитиб, қўрқиб кетишибди-да, бир-бирларига:

— Сўзсиз у энди бизни ейди,— дейишибди.

Шунда илоялардан бири мақтанчоққа қараб:

— Эй биродар, бизни ема, мен сенга учар гилам тақдим қиламан,— дебди.

— Биродар, бизни ема, мен сенга пул халта бераман,— дебди иккинчиси.

— Биродар, бизни ема, мен сенга ўзи қайнар бераман,— дебди учинчиси.

— Биродар, бизни ема, мен сенга очил дастурхон бераман,— дебди тўртинчиси.

— Менинг берадиган учар гиламининг хислати шундаки, сен қаерга бормоқчи бўлсанг, ўша ерга олиб боради, — деб қўшиб қўйибди биринчи илон.

— Менинг берадиган пул халтамнинг хислати шундаки, — дебди иккинчи илон, — агар сен тўрва-

ни қоқиб: «Қани тангалар, тушавер», десанг, пул ёғилиб тушади.

— Менинг берадиган ўзи қайнарнинг хислати шундаки,— дебди учинчи илон,— нима хоҳласанг, сувсиз, оловсиз пишириб беради.

— Менинг берадиган очил дастурхонимнинг хислати шундаки,— дебди тўртинчи илон,— у нима хоҳласанг ҳаммасини муҳайё қилади.

Мақтанчоқ бу нарсаларни бир бошдан кўздан кечирибди-да, жуда хурсанд бўлибди.

Кеч кириб, қош қорайибди. Тунни бир кампирни-кида ўтказмоқчи бўлибди. Кампир қоқ ярим кечада ўрнидан турибди-да, боланинг буюмларини алмаштириб қўйибди. Эрта билан у уйига югурибди ва хурсандлигидан онасига дебди:

— Ойижон, қани челакни олиб кел, пулларни ўлчаймиз.

Шундан сўнг у пул халтага бақирган экан, битдан бўлак ҳеч вақо тушмабди. Теварак-атрофи битга тўлиб кетибди.

«Жуда қизиқ иш бўлди-ку»,— деб ўйлаб қолибди бола.

Мақтанчоқ яна ҳовуз лабига борибди ва дўқпўписа қила бошлабди:

— Тўртовингни ҳам ҳозироқ ейман!

Илонлар ўзларича:

— Қизиқ-ку, биз унга шунча нарса берган бўлсак, тагин у бизни емоқчи,— деб гаплаша бошлашибди.

Шунда улар мақтанчоқ болага:

— Биродар, тунаб қолган уйдаги кампир сенинг буюмларингни алмаштириб қўйган. Мана бу тўқмоқни олиб кампирнинг олдига боргин-да, «Ўртўқмоқ, қани, кампирдан менинг нарсаларимни олиб бер»,— дейсан. Кампирни роса савалаб уртўқмоқ буюмларингни олиб беради,— дейишибди.

Шундай қилиб мақтанчоқ уртўқмоққа кампирни роса савалатиб, ундан ўз буюмларини олибди.

## ДОНО ТАБИБ

Кунлардан бир куни бой табибнинг олдига келиб:

— Муҳтарам табиб! Қорпимда оғриқ пайдо бўлапти!— деб шикоят қилибди.

— Кеча кечқурун нима еган эдингиз?— деб сўрабди табиб.

— Пишмаган нон еган эдим!— деб жавоб берибди бемор.

Табиб унга кўз дориси берибди.

— Бу қанақаси?— сўрабди бемор.

— Мен сизга кўз дориси бердим. Бундан кейин пишмаган нон емайсиз,— дебди табиб.

## ТОҒ УДУМЛАРИ

Куллардан бир куни тоғда яшайдиган бир одам пастликка тушибди.

— Эй, оллоҳнинг бандаси, сенинг қишлоғингда қанча аҳоли, қанча уй, қанча сартарош, қанча кирхона бор?— деб сўрабди ундан пастликда яшайдиган одам.

— Жаноблари, менинг қишлоғимда тўққизта аҳоли, тўққизта уй, тўққизта сартарош, тўққизта кирхона, тўққизта фаррош бор,— деб жавоб берибди брахман.

Ундан бу жавобнинг маънисини қандай бўлди деб сўрашган экан, у:

— Қишлоғимдаги одамлар ҳамма ишни ўз қўллари билан қиладилар,— деб жавоб берибди.

## ЕМОННИНГ БИР ҚИЛИҒИ ОРТИҚ

Қадим замонларда бир бефаросат йигитча яшаган экан. Куллардан бирида у онасидан: «Қизларга қандай қилиб севги нзҳор қилсам экан?»— деб сўрабди.

— Мен сенга айтсам, ўғлим,— дебди онаси,— ҳовуз лабига бориб ўтирасан, чиройли бир қиз сувга келади. Сен унга секин тош отиб қўй. Агар у кулиб қараса, билгинки кўнгли бор! Агар кулмаса, каттароқ тош от! Хуллас, токи қиз кулмагунича тош отавер!

Йигитча ҳовуз лабига бориб ўтирибди.

Орадан кўп ўтмай ҳовуздан сув олгани гўзал бир қиз келибди.

Йигитча қизга секин тош отибди. Бироқ қиз кул-

мабди. Шундан сўнг у сагал каттароқ тош отибди. Қиз барибир кулмабди. Йигит қанча тош отмасин, қиз сира кулмабди.

Шундан сўнг у катта бир тошни олиб отган экан, қиз ер тишлаб йиқилибди-ю, оғзи очилиб қолибди.

Бефаросат йигит қизга қараб:

— Ана энди яхши кўриб қолди,— дебди.

Қиз бечора эса аллақачон оламдан ўтиб бўлган экан.

Йигит севинганча уйига келиб онасига воқеани айтиб берибди.

— Ойижон, қиз мени яхши кўриб қолди.

— Қани у?— сўрабди онаси.— Қандай қилиб сени севиб қолди?

— Мен унга майда тошлар отгандим,— деб гап бошлабди ўғли,— у индамади. Шундан сўнг каттароқ тош отгандим, кулди-ю, кўзини мендан узмай қолди, бироқ ҳеч нима демади.

Онаси ақлли аёл экан. Шунинг учун ҳам у қизнинг нобуд бўлганини тушунибди. Уйдан югурганича ҳовуз лабига бориб кўрса, қиз аллақачон оламдан ўтган. Қизни ювиб-тараб, жасадини чуқурга ташлашибди. Бир эчкини ҳам ўлдириб ўша ердаги ҳовузга ташлабди.

Ўгли онасининг бу қилган ишларининг ҳаммасини кўрибди, у шу заҳотиёқ қирғоққа келиб, жар солишга буюрибди.

— Бир бой одамнинг қизи йўқолди! Қимда-ким уни топса, катта мукофот олади.

Шунда бефаҳм йигит мақтана бошлабди:

— Икковимизнинг ўртамизда муҳаббат бор эди! Халойиқ уни қўярда-қўймай:

— Қани, кўрсат, у қаерда?— деб туриб олибди.

— Ҳовузда!— деб жавоб берибди йигит.

Халойиқ у билан бирга ҳовуз лабига келибди-да:

— Қаерда у?— деб сўрабди.

— Сувда!— деб жавоб берибди йигит.

— Олиб чиқ уни сувдан!—деб бақиршибди унга.

У сувга яқин келибди-да:

— Унинг қулоги иккитамиди?— деб сўрабди.

— Эҳтимол, шундайдир!— жавоб берибди халойиқ.

— Оёғи ҳам тўрттамиди?— сўрабди у яна.

— Ҳа, шундай бўлса керак!— деб жавоб берибди халойиқ.

— Шохи ҳам бормиди?— яна сўрабди у.

Шунда халойиқ уни сўка бошлабди

— Гапни чўзмай тезроқ олиб чиқ!— деб бақиришибди. Шунда у сувга шўнғиб эчкини олиб чиқибди.

Тўпланган халойиқ олдинига ҳайрон бўлиб, кулибди, сўнг сен бизни аҳмоқ қилдинг деб, болани роса савалашибди.

## ГУНОҲ ВА ҚОНУН

Жуда қадим замонда бир бой билан брахманнинг ўғли бўлган экан. Бойнинг ўғли:

— Гуноҳ кучли нарса,— дебди.

— Йўқ! — дебди брахманнинг ўғли. — Қонун кучли.

— Яхши,— дебди бойнинг ўғли,— ундай бўлса, юр, тўртта кишидан сўраймиз. Агар улар: «Гуноҳ кучли!» дейишса; қўл-оёғингни кесаман. Бордию: «Қонун кучли!» дейишса, менинг қўл-оёғимни кеса қол!

Икковлари йўлга тушишибди ва йўлда сигирни учратибди. Улар сигирдан: «Нима кучли, қонунми, гуноҳми?»— деб сўрашибди.

— Гуноҳ кучли!— деб жавоб қилибди сигир.— Қонун дегани мутлақо йўқ нарса. Хўжайинимнинг уйи менинг болаларим билан тўла. Мана эндиликда улар сен энди қарнинг, деб мени ўрмонга ҳайдаб юборди.

Кейин улар йўлда брахманни учратибди ва унда ҳам нима кучли: гуноҳми ёки қонунми?— деб сўрашибди.

— Гуноҳ кучли!— жавоб берибди у.— Агар қонун кучли бўлганида эди, қариган чоғимда хотиним билан болаларим ҳайдаб юборишармиди?

Сўнгра улар йўлда айиқ полвонга рўпара келишибди ва ундан:

— Мана, сен ўрмон подшоҳисан, қани айт-чи? гуноҳ кучлими ёки қонунми?— деб сўрашибди.

— Гуноҳ кучли!— жавоб берибди айиқ.— Узим

Ўрмонда яшасам қам, лекин барнбир одамлар мени қийнашади.

Кейин улар йўлда шерни учратишиб, сўрашибди:

— Нима кучли, гуноҳми ёки қонунми?

— Гуноҳ кучли! — жавоб берибди шер.— Узим ўрмонда яшасам ҳам, лекин барнбир одамлар мени ўлдирмоқчи бўлиб қидириб юришади.

Шунда бойнинг ўғли дебди:

— Тўртга одамдан сўраб бўлдик!

У брахманнинг ўғлини қўл-оёғини кесиб, ўрмонда қолдирибди-да, ўзи уйига қайтибди.

Орадан ўн икки йил ўтибди. Байрам кунларининг бирида брахманнинг ўғли дарахт тағида ўтирган экан, қаёқдандир айиқ, йўлбарс, шер пайдо бўлиб қолибди. Улар ўзаро секин гаплаша бошлашибди.

— Одамзоднинг ҳиди келяпти!— дебди биттаси.

— Ҳа, чуқурда бир одам ўтирибди.

Айиқ чуқурга тушибди ва:

— Эй, одам боласи, бу ерда нима қилиб юрибсан, нега келдинг?— дебди.

Шунда ҳаммалари бир-бирларига:

— Манови дарахтда бир қуш яшайди, кимда-ким унинг гўнгидан қўл-оёғига суртса, тезда соғайиб кетади!— дейишибди.

Улардан яна бири:

— Дарахт тағида икки кўза танга ҳам бор,— деб қўшиб қўйибди.

Брахманнинг ўғли қуш гўнгидан олиб оёқ-қўлига суртган экан, тезда соғайиб оёқ-қўли жойига келибди. Манови омадни қарангки, шу шаҳарнинг подшоҳи ўлган экан, халойиқ уни шоҳ тахтига ўтқазибди. У дарахт тағидаги ёмбини ҳам олибди.

Бу гаплардан хабар топган бойнинг ўғли бир кунни брахманнинг ўғли олдига келибди, унга шундай дебди:

— Менинг оёқ-қўлимни кесиб ташла!

— Йўқ! Мен бундай қилолмайман!— деб жавоб берибди брахманнинг ўғли. Бироқ бойнинг ўғли уни қистайверибди. Охири брахманнинг ўғли унинг оёқ-қўлини кесибди-да, ўрмонда қолдирибди.

Бир неча кундан сўнг яна ўша ерга худонинг марҳамати билан айиқ, йўлбарс ва шер келиб ўзаро гаплашибди: — Одам боласининг ҳиди келяпти!

Бойнинг ўгли эса чуқурда ўтирган экан. Улар чуқурга тушиб қарашса, одам боласи ўтирганмиш. Улар уни чуқурдан олиб чиқишбди-да бурда-бурда қилиб еб ташлашибди.

## АРВОҲ

Бир одам тушида арвоҳни кўриб қолибди. У оёғи билан арвоҳнинг юзига тепибди ва:

— Ярим кечада нега келдинг, жой банд қилганими?— дебди.

У арвоҳни яна урибди. Бир пайт уйғониб қараса, ўзини-ўзи оёғи билан тепиб ётган экан.

У ўзича кулиб қўйибди.

## ШАККОК

Кунлардан бир куни бир одам гадойга учта савол берибди:

— Нега энди сен ҳамма ёқда худойи таоло ҳозир у нозир деясан? Ахир, мен уни кўраётганим йўқ-ку! Қани, кўрсат уни менга!

У яна бир савол берибди:

— Одамзоднинг қилган гуноҳлари учун қандай жазони муносиб кўрган? Дунёда бўлаётган жамики ишлар худонинг марҳаматими? Одамлар ҳамма ншни ўзлари қилишга қодир эмасми?

— Худойи таоло нега одамларни дўзахга ташлайди?

У ана шу зайлда учта савол бериб бўлиши биланок, гадой қўлига каттакон бир тош олиб, унинг бошига тушрибди. У дод-вой қилиб қозининг олдига келибди:

— Бир гадойга мен учта савол бергандим, у бошимга тош билан туширди. Оғриқдан бошим лўқиллаб кетяпти.

Қози унинг шикоятини эшитиб бўлгач, гадойга мурожаат қилибди:

— Хўш, қани айт-чи, нега энди сен унинг бошига тош билан урдинг? Нега энди саволига жавоб қилмадинг?

— Тош — унинг учала саволига жавоб!— дебди гадой ва яна қўшиб қўйибди: — Бу одам бошим

лўқиллаб оғриб кетяпти деяпти! Сира ҳам боши оғриётгани йўқ! Қани, бўлмаса менга ана шу оғриқни кўрсатсин. Шунда мен ҳам унга худойи таолони кўрсатаман. Нега энди сендан қозилик қилишни сўраб юрибди? Ахир унинг ўзи бу ёруғ дунёда нимаики бўлаётган бўлса: ҳаммаси худонинг марҳамати билан, деди-ку. Агар бу ишда оллоҳнинг марҳамати бўлмаганида, мен бирон нима қила олармидим? Нима, унинг бадани тупроқданмикин? Ундай бўлса тупроқда оғриқ нима қилади?

Гадойнинг гапларини эшитиб, у одам ўз қилмишига ўзи пушаймон бўлибди.

Қози эса гадойнинг гапларига тўлиқ қўшилибди.

## МАЪРУЗА ВАРАҒИ

Қадим замонларда бир бечораҳол эр-хотин брахман яшаган экан. Хотини кўчама-кўча юриб хайр-садақа сўраркан. Ҳаётлари шу алпозда очинтўқин ўтиб тураркан.

Кунлардан бир куни брахманнинг хотини қандайдир бир подшоҳ борлигини ва у ҳаммага олтин билан биттадан сигир бераётганини эшитиб қолибди. Хотини эрига дебди:

— Куни бўйи уйда ўтирганинг-ўтирган. Қиладиган ишинг фақат овқат ейишу ухлаш. Сен ҳам бундай одамларга ўхшаб ўша подшоҳни топсанг бўлмайдими? Ахир, у одамларга олтин билан бир бошдан сигир бераётганмиш. Шу бугуноқ боргин. Нимаики берса, берганинг бетига қарамай олиб келавер!

— Мен ҳеч нарсани билмасам! Билмаган ерга қандай бораман? Топиб борганим билан подшоҳга нима дейман? Унга нима ҳам дердим?— деб жавоб берибди эри.

— Йўлда нимаики кўрсанг, ўшани айтиб бер!— дебди хотини.

Шундай қилиб брахман йўлга тушибди. Йўлда кета туриб уч нарсани кўрибди:

1. Қалтакесак чуқурчада ўтириб бошини чиқарганча: «Кут! Кут!»— деб чирқиллаётганмиш.

Брахман унга қараб қўйибди-да, эслаб қолибди. Кетаётган йўлида ҳам: «Кут! Кут!»— деб такрорлаб борибди.

2. Йўл устида бир илон бошини кўтариб тўлғаниб, ўсимликларни еяётганмиш.

Брахман унга қараб: бўйинни чўзиб туриши жуда ҳам чиройли экан, дебди ва бунн ҳам эслаб қолибди.

У яна йўлида кетаверибди. Кетатуриб нимани кўрибди денг?

3. Йўл четидаги бир чуқурда сув бор экан. Қараса унда чўчқа юрганмиш. Сувдан чиқиб бир силкинбди-да, яна сувга тушиб кетибди.

Брахман унга қараб туриб: «Гис! Гис!»— деб кўйибди-да, яна йўлида кетаверибди.

Шундай қилиб, брахман уч нарсани:

«Кут! Кут!»— деб тақирлатишни, чўзилиб турган бўйиннинг жудаям чиройлилигини, «Гис! Гис!»— деб силкиниб, яна сувга тушиб кетганини эслаб қолди.

Нима қилаётганини мен билиб турибман! Нима қилаётганини мен билиб турибман!

У ана шуларни хаёлидан ўтказибди-да, бир одамдан шуларни бир варақ қоғозга ёзиб беришни илтимос қилибди, сўнг уни олиб бориб шоҳга киргизибди. Подшоҳ унга мукофот берибди.

Подшоҳ қоғозга ёзилган бу маърузани ўрта қаватдаги ўз ётоқхонасининг бош ва оёқ томонидаги деворга қоқиб кўйинни буюрибди.

Қунлардан бир куни шоҳ уч қаватли саройнинг ўртадагисида ухлаб ётган экан, қоқ ярим кечада ўғрилар келибди.

«Кут! Кут!»— ўғрилар лом билан деворни ура бошлабдилар. Сўнг юқори қаватга чиқишбди-да, шоҳ ухляптимиқан ё уйғоқмиқан деб бўйинларини чўзиб қарай бошлабдилар.

«Гис!»— улар пастга тушишибди. «Гис!»— улар яна юқорига чиқишибди.

Бўйинларини чўзиб яна у ёқ-бу ёққа қарай бошлабдилар!

Шоҳ уйғонибди-да, оёқ томондаги деворга қоқиб кўйилган маърузага қарабди. Подшоҳ ётган ерида овозини чиқариб ўқий бошлабди:

1. Кут! Кут!— тақирлатяпти!

2. Бўйинни чўзиб қараши жуда яхши-да!

3. Гис! Гис!— силкинди-ю, яна кстди.

Нима қилаётганиниги яши биламан!

Ўғрилар бир-бирини итариб-туртиб қочишга тушишибди. Соқчилар тапир-тупур қадам товушини эшитиб қолиб, сакраб ўрниларидан турибдилар-да, ўғриларни тутиб олишибди ва қамаб қўйишибди.

— Кимсанлар ўзи? Қайси мамлакатдансанлар?— сўрабди шоҳ ўғрилардан.

— Ўлдирасанми, сўясанми, ихтиёр сенда, — дейишибди ўғрилар.— Биз саройингга ўғирликка келгандик! Сен билиб қолишинг билан қочгандик, соқчиларнинг ушлаб олишди.

— Нима, мен қандай қилиб билиб қолибман?— сўрабди шоҳ.

— Биз энди лом билан ура бошлагандик, сен билиб қолиб: «Кут! Кут!» дединг. Сени ухлоғмикан, уйғоқмикан, деб бўйнимизни чўзиб қарагандик: «Бўйинни чўзиб туриши жуда чиройли-да», дединг.

Сенинг ухламаётганиниги кўриб паст билан юқорига танда қўйдик. Сен эса: «Гис! Гис!» Гоҳ келади, гоҳ кетади деб қўйдинг.

Шундай қилиб, брахманнинг маърузаси шоҳга жуда қўл келибди.

## ЛАТУ ВА БАТУ

Қадим замонда Лату ва Бату исмли ака-ука яшаган эканлар.

Кунлардан бир кун Бату укаси Латуга:

— Лату, ҳой Лату! Бугун байрам. Мен бойларнинг уйига бораман-да, брахманларни чақриб келаман, унга сен уй ичини сигир тезаги билан яшилаб суваб чиқ. Сувга озроқ гуруч аралаштириб остона билан скамейкаларни бўя. Сув иситиб кампирни ҳам яшилаб ювинтир,— дебди.

— Хўп, бўлади акажон! Ҳаммасини айтганингдек қилиб қўяман, хотиржам бўл!— дебди укаси.

Бату брахманларни чақиргани кетибди. Укаси Лату эса қишлоқдан одамларнинг ахлатини йиғиб келиб уй ичини сувабди. У ер-бу ердан озроқ елим топиб, скамейкаларга суртиб қўйибди. Сўнг сув қайнатиб кампирнинг бошини ювибди. Кампир қайноқ сувда парт куйиб, тил тортмай ўлибди.

Бунни кўриб, у шу заҳоти кампирни деворга суяб

қўйиб, ясантирибди. Қиприкларини яхшилаб артибди, урни сувга қориб, кампирнинг лабларига суртиб қўйибди. Кейин уни олиб бориб, томорқанинг ўртасига — жазирама офтобга ўтқазибди.

Акаси бойваччалар билан бирга қайтиб келибди. Уйга кириши биланоқ қўланса ҳид димоғига урилибди. Шунда у акаси Латудан:

— Лату, ҳой Лату! Бу ҳид қаёқдан келяпти?— деб сўрабди.

— Эҳ, акажон,— дебди Лату,— сигир тезагини тополмадим, ҳеч қаерда йўқ. Фақат одам ахлатнигина тополдим, холос. Уйни ана шу билан сувагандим.

— Аҳмоқ бўлмай ўлганинг яхши! Турган-битганинг даҳмаза. Бор, тезда сув келтир!

Лату ҳовузга бориб сув келтирибди.

Ака-ука икковлашиб тепадаги хонани суваша кетишибди.

Лату уйнинг бир бурчагига елим суртилган скамейкани қўйибди.

Ака-ука бошқа уйни суваб бўлишгач, меҳмонлари келишибди, Лату эса бир зумда тепадаги скамейкаларни олиб келиб, брахманларга қўйибди.

— Бор энди, ойимни чақириб кел, фотиҳа ўқисинлар,— дебди акаси Латуга.

— Эҳ, акажон, нима деяпсан? Икковимиз шунча иш қилдик-ку, ахир, ойим бўлсалар парвойи фалак жазирамада чарх йнгириб гуруч ковшаб ўтирибдилар! Брахманлардан битта-яримтасини юбор, чақириб кела қолсин!— дебди Лату.

— Муҳтарам брахманлар! Бу укам ўлса ўладик, аммо буюрган ишни кўнгилдагидек қилмайди! Шунинг учун битта-яримталаринг бориб ойимни чақириб келинглар!— дебди Бату.

Брахманлар ўринларидан тураман, деган эканлар, елим ёпишиб қолибди.

Лату иккала қўли билан скамейкани ушлаб:

— Муҳтарам брахманлар, муҳтарам брахманлар, скамейкани қаёққа олиб кетяпсизлар? Ахир, бу бизники-ку! — дебди.

Брахманлар кампир ўтирган жойга бориб:

— Кампир, ҳой кампир!— деб бақиршибди, аммо кампир индамабди. Улар кампирни туртиб,

силтай бошлабдилар. Ахир, кампир бечора ўлик бўлса, у қандай қилиб гапирсин.

Брахманлар югуриб уйга келишибди-да:

— Бату, ҳой Бату! Кампиринг гапирмаяпти ҳам, кимирламаяпти ҳам,— дейишибди.

Батунинг ўзи келиб:

— Ойи, ҳой ойи!— деб чақирибди, бироқ кампирдан садо чиқмабди. У:

— Лату, ҳой Лату! Ойимни ёқиш учун қабристонга олиб бор!— деб бақирибди.

— Озроқ писта берсанг, ҳозироқ бораман,— дебди Лату.

Бату ўзича: «Оббо тентак-е! Биров ўламан деса, биров куламан дейди-я! Ойим ўлиб ётибди-ю, унинг кўнглига овқат қандай сиғаркин-а!» деб ўйлабди.

Лату эса ҳамон қайсарлик қилиб:

— Писта берсанг бораман,— дермиш.

Начора, акаси унга писта берибди. Лату пистани олиб бедига тугибди-да, елкасига замбилни қўйганча жўнабди.

Лату қабристонга бора-боргунча пистани эрмак қилиб борибди, йўлда пистанинг бир донаси оғзидан тушиб кетибди. Лату елкасидан замбилни итқитиб ташлаб, пистани қидира кетибди.

— Тезроқ юрсанг-чи!— дебди акаси.— Нима бўлди тагин? Нега замбилни итқитдинг?

— Эҳ акажон-е!— дебди Лату.— Оғзимдан писта тушиб кетди, шуни топмагунимча замбилнинг олиб бормаيمان!

У роса қидирибди, лекин тополмабди. Бу ёқда эса кеч бўлиб кетаётганмиш. Олов ёқиб ўтларни ёндирибди, ўтда эса чувалчанг бор экан. Чувалчанг типирчилаб ерга шалоп этиб тушибди, Лату шу заҳоти уни олибди-ю, оғзига солибди. Чувалчанг тишига тегиши билан: «Чим! Чим!» дея шнвирлай бошлабди. Лату бўлса:

— Чим бўлсанг ҳам, тим бўлсанг ҳам, барибир энди сен оғзимдаги пистасан,— дебди.

Ака-ука икковлари оналарини ёқиб уйга қайтишибди.

Шундан сўнг, Бату укасига дебди:

— Лату, ҳой Лату! Қайнатамникига бориб, хотинимни чақириб кел.

жеркиб берибди акаси.— Пастдагилар нақ отиб ташлашади-я!

Лату сира жим бўлмабди.

— Акажон, ахир, борган сари қорним бураб-бураб огрияпти!

Акаси уни тинчлатишга қанча уринмасин, барибир у тинчимабди ва тўппа-тўғри йўловчиларнинг бошига ичини бўшатиб юборибди!

Йўловчилар ирғиб ўринларидан туришибди, Лату эса қўрқиб кетганидан ўзини ухлаётганга солиб олибди.

— Ака!— дебди у бир пайт.— Тошни сен олиб тур, қўлим толиб кетди.

Тарақ этиб тош йўловчиларнинг бошига тушибди. Йўловчилар қўрқиб кетиб сакраб туришибди. Лату эса бу орада яна битта тошни пастга ташлабди.

— Нима бўляпти ўзи?— деб бир-бирларидан сўрашибди йўловчилар!— Тепадан тош тушяпти!

Келинни ҳам эсларидан чиқаришиб йўловчилар жўнаб қолишибди.

Лату тезда келинни тутиб акасига берибди:

— Ака, тезроқ кел! Мана сенга тўй-томоша!

Ака-ука икковлари худо етказган келинни олиб уйларига қайтишибди.

Шундай қилиб, арзимаган бир тош уларга бахт келтирган экан.

## ДУДУҚ

Қадим замонларда бир бой яшаган экан, унинг ёлғиз ўғли бўлиб, у дудуқ экан. Унга ким нима деса фақат ҳа, ҳа, деб жавоб бераркан.

Бой кўп жойларга совчи юбориб, охири бир амаллаб ўғлини уйлантирибди.

Орадан бир неча кун ўтгач, қайнатаси билан қайнанаси куёвини ўз уйларига таклиф қилишпбди. Бой ўғлини қайнатасиникига юборишдан олдин роса қулогига қуйиб уқтирибди:

— Уғлим! Қим нима деса ҳаммасига «ҳа» деб жавоб қайтарасан. Бундай қилаверма! Бир сафар «ҳа» десанг, иккинчи сафари «йўқ» деб жавоб бергин, — деб тайинлабди.

Бой ўғлининг қулогига шу гапларни обдан қуйгач, ўғли йўлга тушибди. Юриб-юриб охири қайна-

тасникига етиб келибди. Қайната билан қайнана куёвларини кўриб севишиб кетишибди. Қайнатаси куёви билан сўрашиб-исташибди. Шунда дудуқнинг эсига отаси ўргатган гап келибди-да, хаёлида ҳиж-жалай бошлабди.

— Қани, куёв бола, берироқ кел-чи!— деб гап бошлабди қайнатаси.

— Ҳа! — деб жавоб берибди дудуқ.

— Уйдагилар соғ-саломатми?— сўрабди қайната.

— Йўқ!— жавоб берибди куёви.

— Битта-яримтаңинг тоби йўқми?— сўрабди қайната.

— Ҳа!— жавоб берибди куёв бола.

— Ойинг билан отанг касалми?— сўрабди қайната.

— Йўқ! — жавоб берибди дудуқ.

— Нима бўлди, қизимизнинг тоби йўқми?— сўрабди қайнатаси.

— Ҳа!— жавоб берибди у.

— Аҳволи тузукми?— сўрабди қайната.

— Йўқ!— жавоб берибди куёви. Қайната билан қайнана хаёлга чўмиб қолишибди. Лекин кўп ўтмай овқат-повқат пишириб, куёвларини едириб,ичиришибди-да, сўнг бозордан анор ва дорн-дармон олишиб куёвлари билан бирга қизлари олдига жўлашибди.

Йўлда келаётиб ўзларича: «Қизимизни кўриб қолиш насиб қилармикан ё йўқмикан?»— деб ўйлашибди.

Минг хил хаёл билан етиб келганларини ҳам билмай қолишибди. Етиб келиб қарасалар, қизларни соғ-саломат, ўйнаб-кулиб юрганмиш. Қудаларнинг оғзи очилиб, дағ қотиб қолишибди ва бойга бўлган гапни батафсил гапириб беришибди.

— Уғлингиз бизга шундай-шундай деб айтди-ку!

Бой бу гапларини эшитиб, хижолатдан мулзам бўлибди.

### ХИЗМАТКОР

Қадим замонларда бир югурдак йигитча бўлган экан. У таътил пайтида бозорга бориб, савдогарнинг дўконидан озиқ-овқатлар харид қилиб юраккан.

У инҳоятда чиройли, истараси иссиқ экан. Кун-

лардан бир куни уни савдогарнинг хотини кўриб, севиб қолибди. Бир куни савдогарнинг хотини уни ўз ёнига чақирибди-да:

— Сен ўзинг ким бўласан?— деб сўрабди.

— Мен бир хизматкорман!— жавоб берибди у.— Бир ойга беш рупий оламан.

— Агар менга хизмат қилсанг, кунга бир тангадан олтин бераман!— дебди савдогарнинг хотини.

— Хўп, қандай хизмат буюрасан?—сўрабди у.

— Кўнглим истаган пайтда мен билан айш-ишрат қиласан. Хизматнинг шундан иборат бўлади,— дебди савдогарнинг хотини.

Хизматкор севишиб кетибди ва:

— Жуда соз! Шу бугундан бошлаб мен сенинг хизматингдаман!— дебди.

У ҳар куни эрта билан унинг олдига келадиган бўлибди. Икковлари айш-ишрат қилиб, ҳордиқ чиқаришгач, бир танга олтинни олиб кетавераркан.

Бир куни хизматкор йигит савдогарнинг хотини олдига энди келган экан ҳамки, нарироқда эри келатганини кўриб қолибди. Хизматкор тезда ердаги бўйра орқасига ўтиб яширинибди-да, деворга суяниб олибди.

Эри бир талай апельсинлар олиб келибди-да, хотини ёнига ўтирибди. Эр-хотин ўтириб апельсин ея бошлашибди. Шунда хотини: «Эҳ! Икковимиз маза қилиб апельсин еяпмиз, қани энди шу апельсин билан ўртоғимизни ҳам меҳмон қилсак!»— деб хаёлидан ўтказибди.

У эрига қараб:

— Ановини қара! Қани кўрайлик-чи, ким тўғри мўлжалга ота оларкин! Кел, бўйрага қараб апельсин отиб кўрамиз! Қимники ичкарига тушаркин?— дебди.

Икковлари апельсин ота бошлашибди, хизматкор эса кула-кула маза қилиб апельсин ебди. Апельсинни еб бўлишгач, эри дўконга қараб кетибди. Эри кетгани биланоқ хотини ўйнашгани бўйра орқасидан чиқарибди-да, икковлари айш-ишрат қилишибди. Хизматкор иш битгач, бир танга олтинни олиб жўнабди.

Хизматкор дўконга бориб ўтириб чека бошлабди, чеҳрасида эса табассум эмиши.

— Бугун жуда хурсанд кўринасан?— сўрабди дўкондор.

— Ҳа, топдингиз!— жавоб берибди у.— Хурсанд-лигимнинг бонси, бугун ажойиб бир воқеа бўлди! Бир бойвучча аёл билан айш қилдим, хизмат ҳақимга эса бир танга олтин ҳам берди. Энди айш қилаётгандим, эри келиб қолса бўладими. Аёл уста экан, бир зумда мени бўйрага ўраб, деворга суяб қўйди. Сўнг эр-хотин икковлари апельсин ея бошладилар. Бир пайт мени ҳам апельсин билан сийламоқчи бўлди шекилли, аёл эрига қараб: «Қани кўрайлик-чи, ким мўлжалга отиб бўйра орасига тушира оларкин?» деди. Шундан сўнг икковлари апельсин ота бошлашди ва апельсинни икковидан кўра кўпроқ мен едим. Аёлнинг усталигини кўриб қойил қолдим!

Савдогар ўзича: «Ҳозиргина мен худди шу ишни қилгандим-ку. Тагин бу ҳангомани қилган менинг хотиним бўлмасин?»— деб ўйлабди.

— Оғайни,— дебди у хизматкорга,— мени ҳам лоақал бир сафар ўшаникига олиб борсанг!

— Бунинг иложи йўқ!— дебди хизматкор.

Эртаси кунни у яна ўйнашининг олдига борибди. Энди ичкари кириши биланоқ эри ҳам келиб қолибди. Бу сафар эри энди ширинликлар олиб келибди.

Аёл бир зумда ўйнашини сават орқасига яширибди.

Эр-хотин икковлари ширинликларни ея бошлашибди, аёл эса: «Биз ширинлик еб ўтирсагу дўстимиз емаса, яхши эмас!»— деб ўйлабди.

— Ановини қара,— дебди у эрига.— Кел, қайси биримиз ширинликни саватга тўғри отиш ўйпаймиз!

Икковлари саватга ширинлик ота бошлашибди. Ўйнаши эса маза қилиб еяверибди.

Эри дўконга кетиши билан аёл ўйнашини сават орқасидан чиқариб, айш-ишрат қилибди ва кетаётган пайтида хизмат ҳақини берибди.

Хизматкор тўппа-тўғри дўконга бориб ўтирибди. Шунда дўкондор унга:

— Ҳой, оғайни, бугун қанақанги янглик топиб келдинг? Қандай ишлар қилдинг?

— Аёлникига энди борувдим ҳамки, қарасам эри ширинликлар олиб келяпти. Аёл мени бир зумда

сават орқасига яшнрди-да, худди аввалги сафарги-дек ҳийла ишлатиб, росаям ширинликлар билан менн меҳмон қилди!— деб жавоб берибди хизматкор.

Савдогар бу гапни эшитиб ҳанг-манг бўлибди. У ўзича: «Ахир, шу ишни ҳозиргина мен ўзим қилдим-ку!»— деб ўйлабди. У хизматкордан:

— Огайни! Эртага ўша ерга борасаними?— деб сўрабди.

— Албатта бораман!— жавоб берибди у. Хизматкор ўз ўйнашини савдогарининг хотини эканидан бе-хабар экан.— Эртага пешин пайтларида бораман!

Эртаси куни савдогар хизматкор қаерга бориши-ни зимдан пойлаб турибди. Хизматкорининг йўлга ту-шиб, қайси уйга кирганини, хотини уни уйга кирга-зиб қандай қилиб эшикни занжирлаб олганини ўз кўзи билан кўрибди. Орадан бир оз вақт ўтгач, уйга келибди-да, хотиннга дўқ ура бошлабди:

— Қани, эшикни оч!

Хотини ўйнашини бир зумда сандиққа солиб қулфлабди-да, сўнг эшикни очибди. Эри кириб ҳам-ма ёқни кўздан кечирибди, бироқ хизматкорни ҳеч қаердан топмабди.

«Жуда қизиқ бўлди-ку!— ўйлабди у.— Хизматкор қаерга кетдйкин. Йўқ,— ўйлабди у яна:— У шу ерда бўлиши керак, ҳеч қаёққа кетмайди!»

Савдогар ана шу хаёл билан уйнинг ҳамма эшик-ларини тақа-тақ бекитибди-да, ўт қўйиб юборибди. Сўнг ўзига-ўзи: «Агар у шу ерда бўлса, ана энди ёниб кетади!»— деб маъқуллабди.

Аланга тобора кўтарилиб ёна бошлабди. Шунда хотини йиғлаб:

— Шўрим қуриди, сандиқда ота-онам совға қилган кўйлақларим, бор бисотим бор эди,— дебди

Лақма эри уйга кириб, сандиқни кўтариб чиқиб-ди. Кўтариб келаётганмишу сандиқ ичидан эса бир иима оқаётганмиш; унинг боши ҳўл бўлиб кетган экан. Хотини бунинг ҳам йўлини топибди ва:

— Ҳамма дорн-дармонларим тўкилиб кетибди!— дебди.

Ярим кечаси у сандиқни очибди ва ўйнаши ундан соғ-саломат чиқиб, жўнаб қолибди.

Савдогар уй-жойдан ажралиб, жинни бўлиб қо-либди.

## ЧОЛ ВА УНИНГ ҚУЕВЛАРИ

### I

Қадим замонда бир чол билан кампир яшаган экан. Уларнинг учта қизи бўлиб, биттасини — бўрига, иккинчисини — айиқ полвонга ва кенжасини эса — бургутга эрга беришган экан.

Кунлардан бир куни чол айиқ полвон куёвиникига меҳмон бўлиб келибди-да:

— Бугун жуда сомса егим келяпти,— дебди.

Айиқ полвон шу заҳоти хотинига:

— Сен қип-қизил чўгдек қилиб товани қиздириб тур, мен гизиллаб далага бораман-да, нўхат еб келаман,— дебди.

Айиқ далага нўхат егани кетибди, хотини эса товани чўгдек қилиб қиздириб турибди.

Айиқ полвон қоринини мешдек қилиб нўхатга тўлгазиб келибди, сўнг у нўхатларни ташлабди, хотини эса тезда артиб тозалабди ва хамир қилиб товага қўйибди. Айиқ товага ўтириб ўз ёғи билан нўхатларни юшатибди. Хуллас, куёви чолни сомса билан роса меҳмон қилиб, қорини тўйгазибди.

Чол қорни тўйгач, уйга қайтибди. Уйга келгач, кампирига:

— Бугун жудаям маза қилдим-да,— дебди.

— Сен-ку, бошлаб қоринингни тўйгазибсан,— дебди кампир чолига қараб,— мен шўрлик худога нима ёздим, ҳеч пима емай ўтирибман.

— Бўлмаса, ҳозир мен сенга бошлаб сомса ёпиб бораман! — дебди чол.

— Жуда соз!— дебди хурсанд бўлиб кампир.

Чол кампирига дебди.

— Сен товани қип-қизил чўг бўлгунича қиздириб тур, мен эса бориб нўхат териб келаман.

Кампир товани яхшилаб қиздирибди, чол эса нўхат тергани кетибди. Чол нўхатни олиб келибди, кампир эса уни майдалаб тозалабди.

— Товани қиздирдингми?— сўрабди чол.

— Ҳа!— жавоб берибди кампир.

Чол товага ўтирган экан, орқаси куйибди. Чол аранг ўрнидан турибди. Кампир уни даволай бошлабди ва:

— Айиқ ўз ёғи билан нўхатни юмшатган. Наҳотки, одам боласида айиқникига ўхшаб шунча кўп ёғ бўлса?— дебди.

## II

Кунлардан бир кун чолнинг гўшт егиси келибди. У бўри куёвиникига қараб йўл олибди.

— Жуда гўшт егим келяпти-да!— дебди у куёвига.

— Ҳа, мен сени гўшт билан меҳмон қилишга ваъда бергандим,— дебди бўри.— Юр бўлмаса молхонага. Мен у ерга кираман-да, эчкилардан иргитаман, сен олиб уйга жўнайверасан.

— Жуда саз!— дебди чол.

Икковлари молхонага боришибди. Бўри ичкарига кириб эчкини иргитибди, чол эса уни олиб куёвининг уйига келибди.

Чол маза қилиб гўштга тўйибди-да, уйга келгач:

— Бугун мен бўри куёвиникида гўштга тўйиб маза қилдим,— дебди кампирга.

— Сен-ку, ўзингни ўзинг тўғрилабсан, мен эса оч-наҳор ўтирибман!— дебди кампир чолига дўқ уриб.

— Ҳозир мен сенинг ҳам қорниингни тўйғизаман!— дебди чол.

— Йўқ, керак эмас! — кампир унамабди.

Чол унинг гапига қулоқ солмай:

— Мен сенга ҳозир молхонадан семиз эчкини олиб узатаман, олгину уйга жўнайвер,— дебди.

Кампир охири рози бўлибди ва икковлари молхонага боришибди. Чол молхонага от миниб кирган экан, оти ҳуркиб кетиб уни устидан иргитиб ташлабди.

Бечора кампир эса ўзича чолини эчки деб судраб кетибди.

— Сен мени ҳалок қилдинг,— деб қичқирибди чол.

— Ахир, ўзинг айтдинг-ку, уйга сургаб кетавер, деб. Мен қаёқдан билай, эчки деб уйлабман-да.

Кампир чолини бир амаллаб уйга олиб келибди. Орадан бир неча кун ўтгач, чол ўзига келиб соғайиб кетибди.

### III

Кунлардан бир куни чоянинг дунёни томоша қилгиси келиб қолибди. Бургут куёви уни қанотига ўтқазиб, дунёни томоша қилдирибди.

Чол обдан дунёни томоша қилиб, уйга қайтибди-да, кампирига:

— Мен дунёни томоша қилдим!— дебди.

— Сен-ку кўрибсан, мен ёруғ дунёга келиб нима кўрдим?— дебди кампири.

— Сенга ҳам дунёни томоша қилдириб, кўрсатаман!— деб ваъда берибди чол.

— Сен бир марта сомса пишириб бераман, деб орқангни куйдирдинг, иккинчи сафарда отдан йиқилиб майиб бўлдинг. Энди учинчи сафар нима қиларкинсан, билолмай қолдим!

Чол тегирмон паррагини олибди-да, кампири билан баланд тоғ чўққисига чиқибди-да, кампирини орқасига опичиб олибди.

Тепага кўтарилолмай пастга юмалаб кетибди ва иккови ҳам тил тортмай ўлибди.

### МУШУК

Кунлардан бир куни бир лақма мушук кўзачадаги қатикни нчмоқчи бўлиб, бошини суқибди-ю, кейин уни чиқариб ололмабди. «Энди нима қилдим», деб ўйлай бошлабди у.

Югуриб кетаётган экан, какликни кўриб қолибди.

— Қаёққа кетяпсан?— сўрабди ундан каклик.

— Бошқа шаҳарга кетяпман,— деб жавоб қилибди мушук,— юр мен билан.

— Сен мени еб қўясан-да!— дебди каклик.

— Йўқ, смайман,— жавоб берибди мушук.— Мен қон тўкмайман. Мана, кўряпсанми, бўйнимда қалқоним бор.

Икковлари бирга кетаверишибди. Юриб, юриб, охири, бир горга етиб келишибди. У ердан беш, ўнтадан ҳам кўнроқ каклик учиб чиқибди.

Мушук роса оч қолган экан, уларга қараб:

— Ярим кеча бўлиб қолди, ётиб ухланглар,— дебди.

Какликлар ётиб ухлашибди, мушук эса уларга:

— Мен сизларга пойлоқчилик қиламан, фақат биттадан келиб навбат алмаштириб туринглар,— дебди.

Биринчи каклик навбат олгани келган экан, мушук уни ебди.

Бир пайт иккинчиси келибди ва узоқдан юлиниб ётган патларни кўрибди-ю, таққа тўхтабди.

— Ҳа, нега юрмай, тўхтаб қолдинг?— сўрабди мушук.

— Мени еб қўясан-да!— дебди у.

Мушук уни қувлай кетибди.

Какликларнинг қаммаси қанот қоқишибди-ю, учиб кетишибди.

Шундан сўнг ғорда мушукнинг ўзи қолибди. Бир пайт икки-учта сичқон келибди. Мушук уларни кўриши билан биқиниб олибди, бироқ сичқонлар қочиб қолибди.

Мушук сичқонларни қидира бошлабди. Шу пайт бирдан қаёқдандир йўлбарс келиб қолибди-ю, мушукни еб қўйибди.

## ЧИЯБҮРИ ВА КАКЛИК

### I

Жуда қадим замонда бир чиябўри билан каклик яшаган экан. Икковлари ниҳоятда иноқ эканлар. Кунлардан бир кун чиябўри дебди:

— Дўстим каклик, жуда нўхатли сомса егим кел-япти!

— Жуда соз,— дебди каклик,— эртагаёқ хоҳишинг бажо келтирилади.

Бир пайт каклик бундай қараса бир жомадор сомса кўтариб келаётганмиш. Каклик унинг оёғи тагига учиб тушибди. Жомадор какликни кўрибди-ю: «Қани энди шу какликни ўлдирсам, жуда зўр бўларди-да», деб хаёлидан ўтказибди.

Жомадорнинг хаёлига шу фикр келиши билан у шу заҳоти қўлидаги саватни ерга қўйибди-да, какликни қувиб кетибди.

Каклик эса уч-тўрт қадам нарига учиб бориб қўнаверибди. Ана шу зайлда гоҳ учиб, гоҳ қўниб нари бораверибди. Охири, у дўсти чиябўрининг сомсага обдан тўйганини кўргач, баланд тоққа учиб чиқибди-ю, кўздан ғойиб бўлибди.

Жомадор жаҳли чиқиб орқасига қайтибди, қараса, чиябўри саватдаги сомсади тушираётганмиш. У ердан бир тош олиб чиябўрига қараб отган экан, у қочиб қолибди. Жомадор бўм-бўш саватга тикилганча:

— Қизганчиқ бўлиш яхши эмас; какликни-ку ушлолмадим, устига-устак сомсадан ҳам ажралдим. Болаларнинг олдига энди нима деб бораман?— дебди.

У уйига хижолат бўлиб қайтибди.

Каклик дўсти чиябўрнинг олдига учиб борибди-да:

— Хўш, дўстим чиябўри, кўнглинг хотиржам бўлдимми?— дебди.

— Э, нимасини айтасан, дўстим какликвой! Ҳиматингга қойилман! Росаям тўйдим-да!— деб жавоб берибди чиябўри хурсанд бўлиб.

## II

Каклик яна дўсти чиябўридан сўрабди:

— Қани айт-чи, дўстим, кўнглинг яна нима ис-тайди?

— Дўстим, какликвой,— дебди чиябўри,— сенинг марҳаматинг билан роса сомсага тўйдим. Энди фақат биргина орзуим қолди.

— Айтавер, нимани хоҳлайсан?

— Энди бир қаймоқ билан олхўри есам дегандим.

Эртаси куни каклик худди аввалги сафаргидек иш тутибди, бир чўпон кўзачада сут билан қаймоқ кўтариб бозорга сотгани кетаётган экан. Каклик унинг оёғи тагига учиб тушибди ва бир неча бор айланиб, сўнг узоққа учиб кетибди. Дўсти чиябўрининг обдан тўйиб олганини кўргач, кўздан гойиб бўлибди.

Чўпон жаҳли чиқиб орқасига қараса, чиябўри сутни ичаётганмиш. Узоқдан пойлаб туриб тош отибди. Чиябўри кўзачада қолган сутни тўкиб, қочиб қолибди.

Чўпон икки қўлини бурнига тикқанча бўш кўзачани олиб бола-чақаси олдига қайтибди. Йўл-йўлаккай ўзига-ўзи: «Ҳеч кимнинг кўзига қарамаслик керак!» деган гапни маъқуллаб келибди.

Каклик дўсти чиябўрининг олдига учиб келибди-да:  
— Хўш, дўстим чиябўривой, қалай, сутга тўйдинг-ми?— деб сўрабди.

— Какликвой, ишқилиб умринг узоқ бўлсин! Бугун роса қорним қапайди-да! Маза қилиб сутга тўйдим!

### III

Чиябўри дўстига миннатдорчилик билдирбди. Шунда яна какликвой айтибди:

— Хўш, дўстим чиябўри, яна қандай орзуниг бор?

— Энди, дўстим какликвой, бир мириқиб кулгим келяпти!

— Яхши!

Эртаси куни кўчада бир тўда фақирлар келаётган экан. Каклик уларни кўрибди-ю, дўстига қараб:

— Сен яшириниб, қараб тур: мен сени кулдираман,— дебди.

Каклик энг орқада келаётган фақирнинг олдидаги одамнинг бошига келиб қўнибди.

Кетида келаётган фақир буни кўрибди-ю, бор кучи билан унинг бошига туширибди.

Каклик қанотларини қоқиб учибди-да, яна бошқасининг бошига қўнибди. Гарчи, бояги фақирнинг боши ёрилиб, қон оқаётган бўлса-да, бир таёқ олиб олдидагисини туширибди.

Шундай қилиб, какликвой юзта фақирнинг бошига қўниб учибди: ҳамма фақирларнинг боши ёрилиб, моматалоқ бўлибди. Каклик эса омон қолибди ва учиб кетибди.

Чиябўри бу ҳангомани кўриб ичаги узилгудек кулибди. Каклик дўстининг ёнига учиб келибди-да:

— Хўш, мириқиб кулиб олдингми, дўстим?— деб сўрабди.

— Шунақанги кулдимки, дўстим,— деб жавоб берибди чиябўри,— ҳатто қорним оғриб кетди! Энди фақат битта орзуим қолди, эртага айтаман!

### IV

Эртаси куни какликвой дўстига қараб дебди:

— Қани дўстим, айт-чи, яна қандай орзуниг қолди?

— Орқам қичишиб кетяпти, оғайни,— деб жавоб берибди чиябўри.— Нима қилсанг, қилки, ишқилиб орқамни қашиб қўй, шунда роҳат қиламан!

— Бу иш мен учун жуда қийин бўлса ҳам,— дебди каклик,— қўлимдан келганча уриниб кўраман.

Каклик яна гапини давом қилиб:

— Тезроқ қимирла, дўстим, ўрмонга борамиз,— дебди.

Ўрмонга бориб қарашса, тўртта ити билан овчи юрганмиш.

Чиябўри билан каклик ўрмонга келиши билан овчи уларни кўриб қолибди. Итлар чиябўрини қулаб кетибди.

Шунда чиябўри:

— Қуним битди, дўстим, энди ўладиган бўлдим,— деб бақарибди.

Каклик шунда дарахтга қўниб турган еридан учибди; у гоҳ учармиш, гоҳ қўнармиш.

Итлар чиябўрининг орқасидан қувишни бас қилиб, какликнинг ортидан қувибдилар. Каклик баландликка кўтарилганча узоқ-узоқларга учиб кетибди. Итлар тили осилиб роса уни ахтаришибди.

Орадан бирмунча вақт ўтгач, каклик билан чиябўри яна топишиб олишибди. Шунда каклик:

— Қани, дўстим, менга айт-чи, орқанг ҳалиям қичияптими ё босилдими?— деб сўрабди.

— Ҳа, дўстим, орқамнинг қичиши босилди, ҳатто тер ҳам чиқиб кетди. Энди мени сув бор ерга олиб бор.

— Яхши!— дебди каклик ва дўстини дарё лабига олиб келибди.

У ерда тегирмон бор экан.

— Ҳовузга ташлаб юборайми?— сўрабди каклик дўстидан.

— Йўқ, дўстим, мени шундай жойга олиб боргинки, сув тепадан тушаётган бўлсин,— деб илтимос қилибди чиябўри.

— Яхши, бу ёққа кел, мен сени тегирмон тошига қўяман-да, тепадан сувни очиб юбораман.

— Жуда соз!— рори бўлибди чиябўри ва икковлари тегирмонга тушишибди.

Каклик дўсти чиябўрини тегирмон бошига маҳкам боғлабди-да, сўнг:

— Ана энди мен озроқ сув очиб юбораман,— дебди.

Шу гапни айтиб учиб кетибди ва ҳаш-паш дегунча кўздан гойиб бўлибди.

Каклик тегирмонга озроқ сув очиб юбориши билан тегирмончи ҳам етиб келибди. У тегирмонга кириб бугдойни солибди-да, сўнг чиқиб сувни катта очиб юборибди.

Тегирмон тоши айланган сари чиябўрини ураве-рибди.

— Дўстим какликвой, анча совудим, энди тортиб олсанг ҳам бўлади,— дебди у.

Какликвой дўстининг овозини эшитган заҳоти тегирмончи ёнига учиб келибди ва унинг оёғи тагида қанот қоқаверибди.

Тегирмончи какликни қува кетибди.

Шунда каклик ўзича: «Чиябўри қочиб анча йўлга бориб қолган бўлса қерак», деб ўйлабди-да, тедага учиб кетибди.

Тегирмончи тегирмонга қайтиб келибди. Бугдой аллақачон янчилиб бўлган экан. Уни қопига солибди-да, уйига жўнабди.

## V

Эртаси кунди каклик дўсти чиябўрини учратмабди. Қаерга кетдийкин, деб ўйлабди у.

Кейин тегирмонга бориб пастга тушиб қараса, дўсти чиябўри тишларини осмонга қараб гижирлатганча бақрайиб ётганмиш.

Каклик ўлиб ётган чиябўрини кўрибди-да, аччиқ-аччиқ йиғлабди.

Сўнг у ердан учиб кетиб, бошқа какликларга қўшпилиб олибди.

## ТУРТТА ИШНИ ҚИЛМА

### I

Жуда қадим замонларда бир чол яшаган экан. Унинг ёлғиз фарзанди бор экан. Чол вақти соати битиб, ўлими олдидан ўглига шундай васият қилибди:

— Уғлим, мен сенга айтсам, умрингда ҳеч қачон тўрт ишни қилма: биринчидан, ҳеч қачон хотинингга сир айтма; иккинчидан, аёл кишининг пасти билан элакишмай, юқори табақадан чиққайи билан дўстлаш; учинчидан, майда бойлар билан ошна тунинмай, катта бойлар билан ошна бўл: тўртинчидан, шоҳнинг хизматкорлари билан эмас, шоҳнинг ўзи билан ошна бўл!

Чол ўғлига ана шу васиятни қилиб, оламдан кўз юмибди.

## II

Иигит отасининг қилган васиятларини бир синаб кўрмоқчи бўлибди-да, энг олдин майдароқ бой билан, сўнг катта бой билан ошна бўлибди. Олдин шоҳнинг хизматкорлари билан, кейин эса шоҳнинг ўзи билан ошна бўлибди. Шундан сўнг паст аёл билан, сўнг эса юқори табақали фоҳиша аёл билан борди-келди қилибди.

Кунлардан бир кун у хотинини синаб кўрмоқчи бўлибди ва шоҳнинг товусини ўғирлабди-да, хотинига:

— Бугун товус гўштини яхшилаб қовургин, — дебди.

Ўзи эса товусни яшириб қўйиб, каптарни сўйибди-да, хотинига дебди:

— Шу товусни қовургин, мен буни шоҳнинг саройидан ўғирлаб келдим.

Хотини каптарни қовурибди ва эр-хотин икковлари ейишибди.

Эртаси кун эрта билан хотини ҳовузга сув олгани борибди. Йўлда бора туриб дугоналари олдида тишини ковлабди.

— Сен кеча нима егандинг? — сўрашибди дугоналари — Эрталабдан тишингни ковлаб қолдинг?

— Менинг эрим шоҳнинг саройидан товус ўғирлаб келди. Икковимиз роса маза қилдик-да, — дебди аёл.

Дугоналари сувни олиб уй-уйларига кетишибди ва уйга келгач, бўлган гапни эрларига айтиб

беришибди. Эрлари эса бу гапни шоҳга еткази-  
шибди.

Шоҳнинг хизматкорлари ўғрини ушлагани келибди. Йигит эса энди оёқ-қўлини ювиб овқатланмоқчи бўлиб турган экан. Шоҳ хизматкорлари уни овқат ейишга ҳам қўймай ушлаб, шоҳ ҳузурига келтиришибди.

— Менинг товусим қани?— сўрабди шоҳ ундан.

— Еб қўйдим, жаноби олийлари,— жавоб берибди у.

Шоҳ уни осишга ҳукм қилибди. Шунда йигит яна шоҳга:

— Жаноби олийлари, бир муддат уйга бориб келишимга ижозат берсанг, кейин, майли, осавер,— дебди.

— Маъкул,— дебди шоҳ ва уйига бориб келиш учун унга ижозат берибди.

Йигит энг олдин бояги фоҳиша аёл олдига борибди ва:

— Эртага мени осишади!— дебди.

Аёл хафа бўлибди: кўзларига тупугини суртибди-да, гўё унга ўзини йиғлаётгандек қилиб кўрса-тибди. Йиғи аралаш унга дебди:

— Эҳ, дўстим! Энди сени қандай эслаб юраман? Устингдаги шол рўмолингни бериб кет, ҳар сафар шу рўмолга қараганимда, сени кўргандек бўлиб юраман.

Йигит унга шол рўмолни берибди.

Шундан сўнг уни осишга олиб кетишибди.

Уша, ҳар бирнга минг рупийдан тўлайдиган шоҳнинг хизматкорлари уни бор кучлари билан тепкилаб:

— Қани, тезроқ юр, имиллама!— деб бақириб-чақирибди.

Бу хабар кичик бойнинг қулоғига ҳам етиб келибди. У бечора камбағалнинг олдига келибди-да, бошидаги салласини ечиб олибди ва:

— Ана шу салла менга минг рупийга тушган, деб ўйлайман!

Бу воқеа катта бойнинг қулоғига ҳам етибди. У шоҳнинг олдига келибди-да:

— Марҳаматли шоҳ! Уни қўйиб юбор; эвазига

унинг оғирлигича кумуш-олтин бераман. Ниманки хоҳласанг, шуни бераман!— дебди унга.

Шоҳ унинг гапига кўнмабди.

Йигитни дор тагига олиб келишибди, дўмбиралар чалинибди. Бу воқеани ўз уйндан кўриб турган юқори табақали фоҳиша шоҳ хизматкорларига дебди:

— Мен шоҳ саройидан қайтиб келгунимча уни осмай туринглар.

У югурганича шоҳ ҳузурига борибди-да:

— Марҳаматли шоҳим, мен сенга унинг оғирлигича олтин-кумуш берай, уни қўйиб юбор. Агар бунга рози бўлмасанг, унда унинг ўринга мени оса қол. Уни озод қил!— дебди.

Шоҳ унинг ҳам гапига қулоқ осмабди.

### III

Шунда бечора йигит:

— Борди-ю, товусини қайтариб берсам, шоҳ мени қўйиб юборадими?— дебди.

Хизматкорлар югуришиб шоҳнинг олдига келишибди ва:

— Жаноби олийлари! Товус менинг уйимда, қўйиб юборинглар, деяпти,— дейишибди.

— Яхши! Агар товусни олиб келадиган бўлса, майли, қўйиб юборганим бўлсин!— дебди шоҳ. Бечора йигит чопганча уйига бориб товусни олибди-да, шоҳга келтириб берибди.

— Нега энди бундай қилдинг?— сўрабди шоҳ ундан.

— Отам ўлими олдидан тўртта ишни қилмагин, деб менга васият қилганди. Мен унинг гапларини синаб кўрмоқчи бўлиб ҳаммасини қилдим,— деб жавоб берибди йигит.

Шоҳ унинг жавобидан ўта мамнун бўлибди. Унга бир қишлоқни инъом қилиб, жуда кўп мукофотлар берибди.

— Отам ўлими олдидан ниманки деган бўлса, ҳаммаси ҳақиқат экан!

Шу кундан бошлаб у дуч келган одам билан ошна бўлишни йигитирибди.

# БОЙ ВА ҚАШШОҚ

## I

Жуда қадим замонларда Қхима ва Санкар исмли ака-ука яшаган экаилар. Қхима камбагал, Санкар эса жуда бой экан. Қхима ўрмонга бориб ўтин қнларкан-да, шаҳарга олиб келиб сотаркан ва ўз тирикчилигини шу алпозда зўрға ўтказар экан.

Кунлардан бир куни у ўрмонда ўтин қнлиб юриб, кеч кириб қолганини ҳам сезмай қолибди. Бир пайт ўрмонга қирқ қароқчи келибди. Қхима уларни кўрибди-ю, эси чиқиб кетибди ва бир дарахт тепасига чиқиб олибди. Худди ана шу дарахт тагида қирқ қароқчининг макони бор экан. Уйпинг тўрт тарафи берк бўлиб, фақат бир томони очиқ экан. Қароқчиларнинг бутун бойлиги ана шу уйда экан. Эшикнинг оғзига эса катта харсангтош қўйиб қўйилган экан. Қароқчилар талаб келган жамики молларини уйга олиб киришибди.

Қхима дарахт тепасида ҳамма ишдан воқиф бўлиб турибди. Қароқчилар қайтиб кетишгач, у дарахтдан тушибди-да, харсангни суриб ичкарига кирибди. Қараса, уйнинг ичи қимматбаҳо жавоҳирлар, олтин-кумушларга лиқ тўла эмиш. У кўтарганича қимматбаҳо буюмлардан, олтин-кумушлардан эшагига ортибди-да, уйга жўнабди. Хотини бу бойликларни кўриб жуда севиниб кетибди.

Шундай қнлиб, у ҳамма бойликларни уйига ташиб олиб кетибди.

## II

Кунлардан бирида акаси ундан:

— Қандай қилиб сен бойиб олдинг?— деб сўрабди.

— Бир куни ўрмонга боргандим, бу бойликларни ўша ердан топиб олдим! — деб жавоб берибди укаси.

— Уша, топиб олган ерингни менга ҳам бир кўрсатсанг!— илтимос қилибди акаси.

— Майли, кўрсатсам кўрсатай!— дебди укаси.

У акасини ўрмонга олиб бориб, ўша дарахтни кўрсатибди-да:

— Кечаси бу ерга қирқта одам келади: сен уларга менга бойлик беришлар, деб айтсанг, улар жон-жон деб беришади,— деб тайинлабди.

Шундан сўнг, акаси ўрмонга борибди. Бир пайт қоқ ярим кечада қароқчилар келишибди. Улар дарахт тепасида ўтирган одамни кўришибди-да:

— Бойлигимизни олиб кетган одам ана шу бўлади. Дарҳол ушлаб ўлдиришлар,— деб бақиршибди.

У бечора азбаройи қўрқиб кетганидан уйига қараб қочиб қолибди. Орқасидан эса қирқ қароқчи ҳам қувиб келибди. Уйига қувиб кириб уни ўлдиришибди ва хотинини ҳам ўласи қилиб уришибди. У жон бераётди:

— Бойлик учун сизлар мени ўлдирдинглар, бойликларнинг остонада турибди,— дебди қароқчиларга қараб.

### III

Эртаси куни қароқчилар Қхиманинг уйини ўраб олишибди-да. ўлдирмоқчи бўлишибди. Қхиманинг хотини эса қароқчиларнинг бу гапини эшитиб қолибди-да, қирқ челақка ёғ солиб, қиздирибди.

Ярим кечада қароқчилар Қхиманинг уйига келишибди ва томни тешиб биттадан туша бошлашибди. Қхиманинг хотини эса уларни ушлаб қизиб турган ёққа ботираверибди. Шу зайлда қирқ қароқчининг барини ёққа ботирибди.

Қароқчилардан қолган бойликларнинг ҳаммасини йиғиштирибди-да, уйига олиб кирибди.

Шундан сўнг, улар шунақанги бойиб кетишибдики, уларга тенг келадигани қолмабди.

### ТҲРТ ҚИММАТБАҲО БУЮМ

Қадим замонларда бир подшоҳ ўтган бўлиб, унинг ёлғиз ўғли бўлган экан. Қуллардан бирида шаҳзода отасига дебди:

— Отажон, мен бир дунё кезиб, саёҳат қилиб келсам.

— Майли, ўғлим,— дебди шоҳ,— дунё кезиш яхши нарса!

Шундан сўнг, шаҳзода хотини олдига кириб:

— Мен саёҳатга кетяпман. Сенга нималар олиб келай, нима хоҳлайсан?— дебди.

— Яхши!— дебди хотини,— Ҳамонки саёҳатга кетаётган экансан, менга тўртта буюм сотиб ол. Биринчиси — яхшидан аҳмоқни, иккинчиси — аҳмоқдан яхшини, учинчиси — миршаб бошлигининг итини, тўртинчиси — тахтдаги эшакяи.

— Бўпти!— деб жавоб қилибди шаҳзода ва отаси олдига бориб: — Отажон, хайр энди, мен йўлга тушаман!— дебди.

— Уғлим, сипоҳийлардан ўзинг билан қанча олиб кетасан?— деб сўрабди отаси.

— Отажон, менга ҳеч қанақанги сипоҳий керак эмас, биргина от олсам бўлади, оддий саёҳатчидек кетавераман,— дебди у.

У ҳатто отбоқарни ҳам олмай, ёлғиз ўзи саёҳатга жўнабди. Юриб-юриб, охири Деҳлига етиб келибди. У шаҳар дарвозаси олдида бир одамга учрабди. Шаҳзода унга олтин совға қилибди-да:

— Менга миршаб бошлигини чақириб берсанг!— дебди.

У бориб миршаб бошлигини чақириб келибди. Шаҳзода унга қараб:

— Отимга хашак, менга эса бирон-бир овқат бер,— дебди.

Миршаб бошлиғи шаҳзоданинг айтганларини бажо келтирибди. Шаҳзода унга ҳам олтин совға қилибди. Миршаб бошлиғи хурсанд бўлиб:

— Сиз бу ерда ҳали кўп турасизми?— дебди.

— Билмадим, айтишим қийин!— деб жавоб қилибди шаҳзода.

— Биронта уйни ижарага олиб берайми?

— Майли!— рози бўлибди шаҳзода.

Миршаб бошлиғи унга ижарага уй олиб берибди. Шаҳзода Деҳлининг ҳамма ерларини томоша қилиб чиқибди. Шу зайлда у миршаб бошлиғига ҳар кун бир тангадан олтин бериб турибди.

Кўплардан бир кун шаҳзода бир фоҳиша аёл билан дўстлашибди-да, ёнидаги ҳамма пулни унга берибди.

Шу шаҳарда бир камбағаллашиб қолган шохнинг бўйи етиб турган қиз бор экан. Ҳусн бобида унга

тенг келадигани йўқ экан. Миршаб бошлиғи унга:

— Шунга уйлансанг жуда яхши иш бўларди-да,— дебди.

— Майли, уйланганим бўлсин!— розилк билдирибди шаҳзода. У маликани кўриши билан ошиқ бўлиб қолибди ва унга уйланибди. Икковлари бахтли ҳаёт кечири бошлашибди.

Шаҳзода деярли ҳар куни овга бораркан. Кунлардан бир куни у хотинини синаб кўрмоқчи бўлибди. У ов қилиб юриб бир ёввойи эчкини отибди. Эчкининг бошини узиб олибди-да, бир рўмолчага тугиб уйга олиб келибди ва осиб қўйибди.

— Бу нима?— деб сўрабди хотини.

— Бугун овим барорндан келмай ҳеч қанақанги ҳайвон учрамади. Йўлда бир одамни учратиб қолдим-да, шартта калласини олдим. Менга қара, оғзингга маҳкам бўл, тагин битта-яримтага айтиб юрмагин-а!— деб жавоб қилибди эри.

Хотини кўрқиб кетибди ва ўзича: «Эрим нақадар золим, сержаҳл-а, наҳотки одам ўлдирса», деб ўйлабди.

Эртаси куни шаҳзода яна овга жўнабди. Бу сафар ҳам бир ёввойи эчкини отиб, калласини олиб рўмолчага тугибди-да, уйга келтириб осиб қўйибди. Шундай қилиб у еттита эчкини отиб, уларнинг бошини уйига осиб қўяверибди.

Хотини буни кўриб ваҳимага туша бошлабди.

— Эрим нуқул одам ўлдираверса, ахир, бир кун мени ҳам ўлдиради.

Бир куни эри овга кетганида у миршаб бошлиғини чақирибди-да:

— Сен менга ўша пайтда тегадиган эринг жуда яхши одам, деб айтгандинг. Ана қара, у еттита одамни бошини олиб келиб осиб қўйибди! Ҳар куни биттадан одам ўлдириб турибди!— деб воқеани гапириб берибди.

Ҳар кунни шаҳзодадан бир тангадан олтин олиб турган миршаб бошлиғи бу хабарни тезда подшоҳга етказибди.

— Жаноби олийлари,— деб гап бошлабди у— Бу ерда қандайдир бир шаҳзода пайдо бўлиб қолди. Унинг одам ўлдирмаган куни йўқ. Ҳар куни бирон

кимсанинг бошини оляпти. Ҳозир уйига кириб кўрсанг, еттита одамнинг бошини осиб қўйибди.

— Сен буни қаёқдан била қолдинг?— сўрабди шоҳ.

— Бу гапларнинг ҳаммасини менга унинг хотини айтиб берди!— деб жавоб берибди миршаб бошлиғи.

— Яхши! Ундай бўлса, уни ушлаб, тезда осинглар!— деб фармони олий берибди подшоҳ.

Ҳар кунни бир тангадан олтинини олиб турган миршаб бошлиғи уни ушлаб, подшоҳ ҳузурига келтирибди.

— Осинглар уни!— дебди подшоҳ.

Бу гапдан фоҳиша аёл хабар топибди-да, тезда подшоҳ ҳузурига келибди:

— Жанобн олийлари,— дебди у,— уни тузукроқ сўроқ қилмай-нетмай, осинглар деб буйруқ бердинг! Қани, сўраб кўр-чи ундан, одам ўлдирганмикни ё йўқми?

Подшоҳ аёл айтгандек иш тутибди.

— Хўш, қани айт-чи, одам ўлдирдингми ё йўқми?— сўрабди подшоҳ.

— Сўроқ қилиб нима қиласиз? Ахир, мени осингга буйруқ берилган-ку!—деб жавоб берибди шаҳзода.

— Сен қаёқдан билдинг?— деб сўрабди подшоҳ миршаб бошидан.

— Еттита одамнинг бошини олиб, рўмолга тугиб уйига осиб қўйганини менга хотини гапириб берди, ахир!— деб жавоб берибди миршаб бошлиғи.

— Яхши!— дебди подшоҳ.— Ундай бўлса менга ўша тугиб қўйилган рўмолни олиб келинглар.

Подшоҳга рўмолчани келтириб беришибди. Рўмолчани ечиб қараса унда эчкининг каллаларимиш. Подшоҳ хижолат бўлганча, миршаб бошлиғига дўқ ура кетибди:

— Нега энди сен ўз кўзинг билан кўрмай туриб, менга хабар етказдинг?

— Хотинининг ўзи менга шундай деди-да!— дебди у.

Подшоҳ шаҳзоданинг хотинидан сўраган экан, у:

— Отишга ҳайвон учрамаганди, одам ўлдирдим, деб менга эримнинг ўзи айтди-да. Мен бор гапни миршаб бошлиғига айтиб бердим,— деб жавоб қилибди хотини.

— Нега энди сен шундай қилдинг?— сўрабди подшоҳ шаҳзодадан.

— Мен ўз юртимдан Ҳиндистон томон йўл олганимда, хотиним мендан тўртта буюм олиб келишимни илтимос қилди,— деб жавоб бера бошлабди шаҳзода.— Ана шу тўрт буюмни қўлга киритиш учун мен шу ишни қилдим.

— Бу тўрт буюмнинг нима экан?— сўрабди яна подшоҳ.

— Биринчиси — аҳмоқдан яхшилик, иккинчиси — яхшиликдан аҳмоқлик, учинчиси — миршаб бошлигининг ити, тўртинчиси — тахтдаги эшак. Ана шу тўрт буюмнинг ҳаммасини энди топдим. Аҳмоқлик, бемазаликдан яхшилик — бу фоҳиша аёл. Негами? У ишончини йўқотган, кимда-ким унга чойчақа берса, ўшанинг этағини ушлаб кетаверади. Шу билан бирга у яхши, гўзал, чунки у мени қутқариб қолди.

Иккинчи буюм — яхшиликдан ёмонлик. Бу — менинг хотиним! Негами? Мен унга ҳеч кимга гапирма кўрма, оғзингга маҳкам бўл, деб тайинлагандим. Мана, миршаб бошлигига айтибди. Яхшиликдан ёмонлик — мана шу.

Учинчи буюм — бу миршаб бошлиғи. Мен унга уч-тўрт юз олтин бердим. У бўлса мени осишга тайёр. Унда зигирча ҳам одамгарчилик, раҳм-шафқат йўқ. Миршаб бошлигининг ити мана шу!

Тўртинчи буюм — бу сен, тахтдаги эшак. Ўз кўзинг билан кўрмай туриб, миршаб бошлигининг гапига кириб, мени осишга буйруқ бердинг. Сен ҳеч нимани билмайсан. Ҳақиқатда ҳам тахтдаги эшаксан.

Подшоҳ унинг гапларидан жуда хижолат чекибди.

— Қани, очингни айт-чи, сен. Ўзинг кимсан?— сўрабди подшоҳ шаҳзодадан.

— Мен ҳам бир подшоҳнинг ўғлиман!— деб жавоб берибди у.

Подшоҳ уни ўз ёнига ўтказиб, қизини тўй-томоша қилиб берибди ва:

— Сенга ярим подшоҳлигимни ҳадя қиламан, шу ерда қол, қизимдан бўлак фарзандим йўқ!— дебди.

— Мен ҳам отамнинг ёлғиз фарзандиман!— деб жавоб берибди шаҳзода.

Шаҳзода ёш хотинини олиб, ўз юртига қараб йўл олибди. Ўзи билан фоҳиша аёлни ҳам бирга олиб уйига қайтиб келибди.

— Менга совға-салом олиб келдингми?— сўрабди хотини.

— Ҳа!— жавоб берибди шаҳзода ва бўлган воқеаларни батафсил ҳикоя қилиб берибди.

Хотини унинг гапларини эшитиб жуда мамнун бўлибди.

## БАХТЛИ АҲМОҚ

### I

Бир бор экан, бир йўқ экан, қадим замонларда бир ўспарин йигит яшаган экан. Қуялардан бир куни у бувисига:

— Бувижон, бугун мен қайнатамникига бориб келаман, — дебди. — Бувижон, — дебди у яна, — бордн-ю, қайнанам мандан: «Бугун сен қаерда овқат единг?» ёки «Нима единг?» деб сўраб қолса, нима деб жавоб берай?

— Агар шундай деб сўраб қолса, — дебди бувиси. — Уйда қайлалик гуруч едим, деб жавоб қилгин.

— Бу гапни қандай қилиб эсимда сақлаб қоламан, буви? — деб сўрабди у яна.

— Йўл-йўлакай қайлалик, қайлалик деб такрорлаб кетавер! — деб ўргатибди бувиси.

Йигит йўлга тушибди ва кета-кетгунча:

— Қайлалик! Қайлалик! Еявер, қушча! Еявер, қушча! — деб ҳижжалаб бораверибди.

Йўлда бир жомадорнинг қуши гуруч чўқлаб еяётган экан. Жомадор эса тўр ёйиб қўйган экан. Йигит эса: «Еявер, қушча, еявер, қушча!» деб ўтиб қолибди.

Жомадорнинг жаҳли чўқиб кетибди-да:

— Қанақанги бемаза боласан, бу нима деганинг, ахир, — деб уришиб берибди.

Жомадор бундай қараса, бола жуда ёш экан. Уни тутиб олиб роса адабини берибди-да:

— Сен зумраша ҳамон вайсайдиган бўлсанг, ундай демагин-да, қанн тўрга кириглар дегин, — дебди.

Бола яна йўлида давом этибди ва юрган йўлида, қани, тўрга кинглар, деб бораверибди.

У кетаётган йўлда ўғриллар ўзаро гаплашиб туришган экан.

— Эй, зумраша, нега энди тўрга кинглар, деб вайсаяпсан,— дейишибди.

Улар болани тутиб олиб роса савалашибди, сўнг:

— Келинглари олнинглар,— деб такрорлайвергин дейишибди.

Энди бола кета-кетгунича, «келинглари олаверинглар», деган сўзни ҳижжалаб бораверибди.

Бир пайт йўлда тобут кўтариб кетаётган одамларга дуч келибди. Улар боланинг гапини эшитиб:

— Эй, зумраша, келинглари олаверинглар, деганнинг нимаси,— деб болани роса савалашибди ва,— сен бу гапнинг ўрнига, бунақанги мусибат ҳеч кимнинг бошига тушмасин, дегин дейишибди.

Бола энди йўл-йўлакай: «Бунақанги мусибат ҳеч кимнинг бошига тушмасин» деб бораверибди.

Бир пайт рўпарасидан никоҳ тўйга кетаётган одамлар чиқиб қолишибди. Тўйга кетаётганлар боланинг айтиб бораётган гапини эшитиб қолишибдида, оломон қилиб уни ура кетишибди. Бола бечора аранг қутулиб қайнарасининг уйига етиб келибдида, ичкари кира солиб бекиниб олибди. Қоронғи тушгач, қайнарасининг олдига келиб:

— Мен шунақанги бир билимдонманки, ким нима еганини айтиб бера оламан,— дебди.

— Қишлоғимизга фалончининг куёви келибди. У жуда билимдон экан,— деган хабар тарқабди.

Бу хабар шоҳнинг қулогига ҳам бориб етибди. Шоҳ болани ҳузурига чақирибди ва кафтига сўзанақни яшириб боладан сўрабди:

— Қани, қани айт-чи, кафтимдаги нима?

Бола қўрқиб кетиб ўзига-ўзи:

— Эҳ, Сўзанақ (боланинг исми шундай экан), энди сенинг кунинг битди,— дебди.

Шоҳ эса:

— Қойил, топди-я,— деб ўйлабди ва болани қўйиб юборибди.

Кунлардан бир куни шоҳнинг бриллиант узуги йўқолиб қолибди. У дарҳол болани чақиртириб келибди-да:

— Агар икки ҳафта ичида узукни топмасанг, сени дорга осаман,— дебди.

Орадан икки ҳафта ўтибди. Бола емай-ичмай фақат йиғлаб бувиси билан онасини чақирармиш.

— Эҳ, Чуния! Эҳ, Муния! Энди нима қилдим? Қаёққа бошимни олиб кетсам экан?

Шоҳнинг Чуния, Муния деган иккита хизматкори бор экан. Узукни ана шулар ўғирлашган экан. Улар боланинг гапини эшитиб, қўрқиб кетишибди ва унинг олдига келиб:

— Жаноблари, узукни биз ўғирлаб, фалон жойга яшириб қўйгандик,— дейишибди.

Бола кечасини қандай ўтказганини билмабди. Эрта билан туриб шоҳнинг олдига келибди.

— Хўш, узук қани?— сўрабди шоҳ ундан.

— Жаноби олийлари! Узугингиз фалон ерда,— деб жавоб берибди бола.

Шоҳ болага қараб туриб, берган жавобидан мамнун бўлибди.

Шундан сўнг болага жуда кўп совға-саломлар берибди. Бола уларни олиб уйига жўнабди.

## Е М Б И

Халқда шундай бир мақол бор: худо бераман деса, туйнукдан ҳам ташлайверади.

Кунлардан бир куни бир чол чўққайиб ўтирган экан, ўша ерда қуриб қолган тўнка бор экан, чол унга ўтирмоқчи бўлган экан, қуриган майда илдизлар унга кириб кетибди. Шундан сўнг, унинг жаҳли чиқибди-да, тўнкани илдиз-пилдиз билан суғуриб ташлабди. Илдиз оетидан эса катта бир хум чиқибди. Хумнинг ичи тўла ёмби эмиш. Чол хумнинг у ёқ-бу ёғига қараб турибди-да:

— Жуда катта экан, кўтаролмасам керак! Агар худойим астойдил бермоқчи бўлса, туйнукдан ҳам берар!— дебди-да, хумни ўша ерда қолдириб, уйига жўнаб кетибди.

Бу воқеани кечаси кампирга айтиб берибди. Унинг гапларини қариндош-уруғлари ҳам эшитиб қолишибди.

— Тезроқ бўл,— дебди кампири унга,— ҳозироқ бориб олиб кел.

— Агар худо бермоқчи бўлса, туйнукдан ҳам бераверади,— деб жавоб қилибди у кампирига.

Унинг гапини эшитиб турган қариндоши югурганича ўша томон кетибди. Бориб қараса хумнинг ичи илон билан калтакесакка тўла эмиш. Унинг жаҳли чиқибди ва хумнинг устига чопонини ёпибди-да, чолнинг уйига олиб келибди. Уйга келиб том тепасига чиқибди-да, туйнукдан хумни ағдариб юборибди. Ағдариши биланоқ танга пулларнинг жаранг-журунги эшитилибди.

— Бу қанақаси бўлди? Ақлим бовар қилмайди! Қўлимни хум ичига тиқиб кўрганимда илон билан калтакесакдан бўлак ҳеч вақо йўқ эди. Энди бўлса тангачалар жаранглаяпти.

Қариндошининг эси чиқиб кетибди. Уғлини уйлантирган экан, тўйига кўп пул сарфлаган экан.

— Қариндошимнинг уйига,— дебди у ўзига-ўзи,— илон билан калтакесак ташладим. Бу билан мен гуноҳқори азим бўлдим.

Чол эса эрта билан уйрониб қараса, қамма ёқда танга пуллар сочилиб ётганмиш. Шунда хотинига қараб:

— Айтмовдими, худо бераман деса, туйнукдан ҳам ташлайди деб. Мана, кўрдингми худонинг ўзи етқизганини,— дебди чол.

## БАХТСИЗ ХОТИН

Қадим замонларда бир бой яшаган экан. Унинг иккита хотини бўлиб, кундошлар ўртасида донм жанжал экан.

Бой иккинчи хотинини жуда яхши кўрар экан, донм унга турли-туман кўйлақлар, зеб-зийнатлар олиб бераркан. Биринчи хотинига эса деярли эътибор бермас экан. Кунлардан бир куни бойнинг севиқли хотини қаергадир кетган экан, кундоши келиб унинг ҳамма кўйлақларини ёқиб юборибди.

Эрининг жаҳли чиқиб, хотинини роса дўппослабди ва у калтак ҳамда хўрликка чиңдолмай уйдан қочиб кетибди. У шу кетганча етти кеча-ю, етти кундуз йўл босибди, охири бир нотаниш бечораҳол одамнинг уйига етиб келибди. Бирмунча вақт ўша ерда яшаб юрибди. Кунлардан бир кун у уй эгасининг жонига тегибди ва ҳайдаб юборибди.

Шу кетганча, у юриб-юриб охири бир ўрмонга етиб келибди ва у ерда бир дарвешга дуч келибди. Дарвеш ундан:

— Қимсан ўзинг, қаерга кетяпсан?— деб сўрабди.

— Мен бир бойнинг хотиниман,— деб жавоб берибди у.— Эрим калтаклайвериб безор қилиб юборди. Уйдан бош олиб чиқиб кетдим. Бунинг устига-устак кундошим ҳам бор, эрим доим у билан бирга бўлади, мени эса ургани-урган.

Дарвеш ундан яна:

— Хўш, энди қаёққа кетяпсан?— деб сўрабди.

— Энди, — деб жавоб қилибди у,— ўзимга яраша эр қидириб кетяпман.

Дарвеш унга озроқ ул-бул бериб қоринини тўйғанибди. Шундан сўнг, икковлари йўлга тушишибди, йўл юришибди, йўл юришса ҳам мўл юришибди. Охири кеч кириб қош қорайибди. Ноилож тунни шу ерда ўтказишга қарор қилишибди. Ярим кечага яқин дарвеш унга:

— Кечалари бу ерларда шерлар изгиб юради. Агар бир одамнинг ўзи ёлғиз ётганини кўрса еб кетади. Шунинг учун икковимиз бир ерда ётганмиз маъқул, жон асраймиз,— дебди.

Бечора аёл қўрққанидан дарвешнинг гапига рози бўлибди ва тунни эр-хотиндек бирга ўтказишибди.

Эрта билан дарвеш дарвешлигини ташлаб, шу аёлнинг қўнгли учун савдогарчилик қила бошлабди. Кунлардан бир кун хотин дарвешга:

— Биринчи эримнинг давлати жуда катта. Агар қўлингдан сеҳр келса сен уни сеҳрла! Хотинини эса хотин қилиб ол,— дебди.

— Ҳа! Сеҳрлаш қўлимдан келади!— деб жавоб берибди дарвеш.

Аёл уни биринчи эрининг уйига бошлаб келибди. Дарвеш у билан дўст тутинибди. Шундан сўнг, унга дам солинган овқат едирибди. Бечора бой охири шу

қадар тентак бўлиб қолбдики, ҳатто тезак ейдиган даражага бориб етибди.

Шундан сўнг, дарвеш унинг хотинини ўзига хотин қилиб олибди ва бутун давлатига эга чиқибди.

Шунда биринчи хотинининг жаҳли чиқибди-да:  
— Биринчи эрим-ку, уни жонидан яхши кўради. Мана энди буниси ҳам ўшани деб кетди!— дебди.

Бир куни у эри билан собиқ кундошининг ўрида ётган пайтларини пойлаб турибди-да, шартта чопиб ташлабди.

Эртаси куни барвақт турибди-да, дод-фарёд кўтариб:

— Кечаси уйимизга ўғрилар боостириб кириб эримни ўлдиришди ва бутун бойлигимизни олиб кетишди,— дебди.

Шундан сўнг, у учинчи эрга тегибди.

## АҚЛЛИ КУЕВЛАР

### I

Қадим-қадим замонларда бир подшоҳнинг тўрт ўғли бўлган экан. Кунлардан бирида ўғиллари отасига:

— Отажон, энди бизларни уйлантириб қўйсанг!— дейишибди.

— Сизларни уйлантиришга менда пул йўқ!— деб жавоб қилибди ота.

Отанинг бу гапидан ўғилларининг жаҳллари чиқибди. Шундан сўнг, улар отхонага кирибдилар-да, биттадан ўзларига энг яхши отлардан танлаб, уйдан бош олиб чиқиб кетишибди.

Юриб-юриб бир шаҳарга етиб келишибди. Улар келиб тушган шаҳар шоҳининг бўйи етиб турган қизлари бор экан. Шаҳзодалар тўппа-тўғри шоҳнинг уйига келишибди.

— Хўш, муҳтарам меҳмонлар, қандай овқат ейсизлар? — деб сўрабди шоҳ.

— Жаноби олийлари!— дебди биринчи шаҳзода. — Менга бир стакан сув бериб, қаерда ётишимни кўрсатсангиз бўлгани, мен ётиб ухлайман.

— Жаноби олийлари!— дебди иккинчиси.— Мен-

га битта товоқда сут билан сув берсангиз бўлгани.  
Сизни дуо қиламан-да, ётиб ухлайман.

— Жаноби олийлари!— дебди учинчиси,— менга битта товоқда сув билан озгина ҳолва берсангиз бўлгани, шундай ётиб ухлайман.

— Жаноб олийлари,— дебди тўртинчиси,— менга озоқ гўшт билан битта товоқда сув бўлса бас, ётиб ухлайман.

Уларнинг ҳамма айтган овқатларини беришибди.  
Шаҳзодалар еб-ичиб бўлишгач, ётиб ухлашибди.

Эрта билан улар барвақт туришибди. Шоҳ уларнинг олдига ўзининг бир одамини юборибди.

— Қани, уларнинг олдига бориб: «Жаноблар, ўтган кечаси қандай воқеа содир бўлди», деб сўрагив,— дебди.

Шунда биринчи шаҳзода:

— Оғайни, тўшагимда отнинг қилн бор экан, бу қил тўртинчи чойшабимнинг тағнда ётибди,— деб жавоб қилибди.

Тезда шоҳнинг кирчи аёлларини чақиришибди. Кирчи аёл тўртинчи чойшабни кўтариб кўрасаки, бир қоғоз чиқибди, қоғозда эса узунлиги тўққиз қарич меладиган от ёли бор эмиш.

— Бу одам жудаям ақлли экан-ку!— дейишибди одамлар.

— Оғайни,— дебди иккинчи шаҳзода.— Менга берилгани сигирнинг сути экану, бироқ ундан қўтоснинг ҳиди келяпти.

Шу заҳоти сутчини чақириб келишибди:

— Сут сигирники! Бироқ,— дебди у,— бу сигирнинг онаси ёшлигида ўлиб қолгач, мен уни қўтос сути билан боққандим. Шунинг учун ҳам сутдан қўтоснинг ҳиди келяпти.

Шундан сўнг, учинчи шаҳзодадан сўрашибди:

— Қани айт-чи, биродар, сен билан қандай воқеа содир бўлди?

— Оғайни,— деб жавоб қилибди у,— мен ҳолва егандим, ундан арпа қиди келди.

Шу заҳоти ошпазни чақириб сўрашибди:

— Хўш, ҳолвани қандай пиширгандинг?

— Жаноблари, ҳолвани ёгда пиширдим,— деб жавоб берибди ошпаз.

— Тўғриси айт!

— Жаноблари! Азбаройи худо, рост айтяпман.

— Нега бўлмаса ҳолвадан арпа ҳиди келяпти?

Ошпаз савдогарнинг олдига бориб, ундан:

— Биродар, менга берганинг қанақа ун эди?—  
деб сўрабди.

— Жаноблари,— деб жавоб қилибди у,— ундан арпа ҳиди келяпти. Мен тегирмонга борган эдим, унда арпа тортишган экан. Мен яхшилаб артсам ҳам барибир тегирмондан арпа ҳиди кетмади.

Ошпаз қайтиб келибди-да, шоҳнинг хизматкорларига:

— Жаноблари! Унинг гапи чиндан қам тўғри экан,— дебди.

Шундан сўнг, тўртинчи шаҳзодага навбат келибди:

— Оғайни, мен гўшт егандим, гўштан одамнинг ҳиди келяпти,— дебди у.

Дарҳол қассобни чақириб ундан сўрашибди:

— Қанн биродар, айт-чи, нега эди эчки гўштидан одамнинг ҳиди келяпти.

— Анаву эчки ёшлигида онаси ўлиб, етим қолган. Хотиним унга эмчак сути бериб катта қилди. Шунинг учун ҳам ундан одам ҳиди келяпти,— деб жавоб берибди қассоб.

— Бу гап ҳам тўғри чиқди,— дейишибди шоҳнинг хизматкорлари ва шоҳнинг олдига бориб: — Тўрттовининг гапи ҳам тўғри чиқди!— деб айтишибди.

— Уларни бу ёққа олиб келинглари!— деб буюрибди шоҳ хизматкорларига.

Хизматкорлар бориб тўрттала шаҳзодани олиб келишибди. Шоҳ уларга қараб туриб:

— Бу йигитчалар жуда ҳам чиройли экан! Қизларимни бериб куёв қилсам арзиркан,— дебди-да сўнг: — Бу йигитчаларни яхшилаб ювинтириб-кийинтиринглари!— деб фармони олий берибди.

Шундан сўнг, шоҳ тўй-томоша қилиб қизларини уларга берибди.

## II

Қунлардан бир куни шоҳнинг қариндоши касал бўлиб қолибди, орадан бир ой ўтгач, вафот этибди. Шаҳар қабристонига ўлик ёқадиغان одам сира уйига қайтмас экан.

Шоҳ ўз маслаҳатгўйларига:

— Бориб мурданн ёқиб юборинглар!— дебди.

Шоҳнинг маслаҳатгўйларн унинг куёвларига ҳасад қилиб юришаркан, шунинг учун шоҳга:

— Эртами-индин сен ўз тахтингни куёвларингга берасан. Яхшиси, бу ишга уларни юборганинг маъқул,— дейишибди.

Шоҳ куёвларини чақириб:

— Ҳозироқ қабристонга бориб манави мурданн ёқиб юборинглар,— деб буйруқ берибди.

Куёвлар ноилж шоҳнинг буйруғига рози бўлишибди. Энди нима бўлса бўлди, пешанамиздагини кўрамиз, дейишибди бир-бирларига.

Улар шоҳнинг ўлган қариндошини замбилга солиб, қабристонга олиб борибдилар. У ерга етиб келишгач:

— Биродарлар, тун ниҳоятда узун, шунинг учун навбатма-навбат қоровул бўлсак-да, қолган уч киши ухласак,— дейишибди.

Навбат энг катта акага келибди. У ухлаб ётган укалари тепасида у ёқдан-бу ёққа айланиб юриб турган экан, бир ерда чироқ кўриб қолибди. У мурданн орқалаб, ўша томонга қараб йўлга чиқибди. Бориб қараса, шайтон бир аёлни олиб келган экан, атрофини яхшилаб ўрабди-да, сўнг ўтни териб келгани кетибди. Йигит бир амаллаб, ўша ерга йўл топиб кириб борибди. Йигит аёлнинг олдига келибди-да:

— Сен бу ерда нима қилиб ўтирибсан?— деб сўрабди.

— Мен шоҳнинг қизиман, ўз хонамда ухлаб ётгандим, у келди-да, мени олиб кетди. Юзимни берки-тиб: «Мен сени ейман, шу ерда қол!» деб айтди.

Йигит унга:

— Шайтон келиб олов ёқади ва товага ёр солиб ўтга қўяди-да, «Ўйинга туш!»— дейди. Шунда сен унга: Акажон, ўйнашни билмайман!»— деб айтгин. У сенга ўйнашни ўргата бошлайди ва това атрофида айлана бошлайди. Шунда сен уни қизиб турган товадаги ёғга итариб юбор,— деб уқтирибди.

Йигит шу гапларни айтибди-да, ўзи нарироқ бориб бекиннб турибди. Бир пайт шайтон қайтиб келибди-да:

— Қани, қизим, това атрофида айлан-чи,— дебди.

— Мен билмайман, аввал ўзингиз кўрсатиб беринг,— дебди қиз.

Шайтон мана бундай қиласан, деб това атрофидан айлана бошлаган экан, қиз пайт пойлаб туриб унн итариб юборибди. Шу пайт йигит келиб шайтоннинг сочини кесиб ташлабди-да, ўзини ёқиб юборибди. Сочни эса ўзида олиб қолибди.

Малика уйига кетибди, йигит ухлаб ётган укалари олдига — қабристонга қайтибди.

— Қани, укажонлар, навбат кимники энди, ту-ринглар,— дебди у.

Уртанча укаси ўрнидан турибди, у ваҳм босиб:

— Эй, худо! Акамнинг навбати ўтди. Энди мен тунни қандай ўтказдим,— дебди.

Бир пайт олисда чироқ кўрнниб қолибди, у ҳам мурдани орқалаб ўша томонга борибди. Келиб қараса, у ерда шайтон ўтирганмиш. У сурнайини чалиши биланоқ осмони фалакдан бир маликаи дилором тушиб у билан айш-ишрат қила бошлабди. Иккинчи марта чалганида эса осмондан ҳар хил ширинликлар, мева-чевалар ёғилибди. Учинчи марта чалганида эса осмондан саватда ичимликлар тушибди. Тўртинчи марта чалганида эса ҳаммаси осмонга учиб чиқиб кетибди.

Йигитча писиб келиб, шартта шайтоннинг бошига чанг солибди.

— Қани, ваъда қилганингни бер!— дебди у шайтонга.

— Хўп, бераман!— дебди шайтон.

— Мурдани тирилтирасан-да, сўнг сурнайингни менга берасан.

Шайтон унга оқ билан қора ёл берибди-да:

— Агар оқ ёлни силкитсанг, у тирилади, қорасини силкитсанг ўлади,— деб тушунтирибди. Сўнгра сурнайини бера туриб дебди:— Агар бошингга бироя бир фалокат тушса, дарҳол сурнайини чал, мен олдинда пайдо бўламан. Лекин ҳуда-беҳудага чалаверма.

Шундан сўнг, шаҳзода яна қабристонга қайтиб келибди.

— Хўш, акажонлар, навбат кимники энди?— дебди у. Навбат учинчи укасига келибди. У ўрнидан турибди-да:

— Эй, худойим! Иккита акам эсон-омон навбатчилигини ўтқазди, менга қам шуларнинг йўлини бер,— дебди.

У ҳам мурдани орқалаб жўнабди. Бир пайт қараса, олисдаги бир уйда чироқ кўринибди. Йигит тўппа-тўғри ўша уйга томон йўл олибди. Бориб қараса, парипайкарлар ошиқ ўйнаётганмиш.

— Мен ҳам ўйнай!— дебди йигит.

— Майли, ўйнасанг ўйнай қол!— дейишибди.

Йигит улар билан ошиқ ўйнаб, ҳаммасини ютиб олибди. Улар энди осмони фалакка чиқиб кетишмоқчи бўлган эканлар, йигит уларни маҳкам ушлабди. Шунда парилар ундан:

— Биздан нима истайсан?— деб сўрашибди.

— Мана шу мурдани тирилтириб беринглар!— дебди у париларга.

Улар йигитга оқ ва қора барг беришибди-да:

— Агар мурдага оқ баргни теккизсанг у тирилади, қорасини теккизсанг ўлади, — дейишибди.

Йигит қабристонга қайтиб келибди-да:

— Акажонлар, энди кимнинг навбати?— дебди.

Шундан сўнг энг кенжа укалари ўрнидан турибди ва мурдани орқалаб йўлга тушибди. Бир ерга бориб қараса, шайтон турганмиш, дарахтга эса бир аёл боғлаб қўйилганмиш. Шайтон чопиб келармиш-да, аёлнинг этидан бир парча кесиб олиб, еярмиш. Шайтоннинг тишлари узун бўлиб, сочи ҳам бормиш.

Йигит бир сакраб шайтоннинг устига миниб олибди ва оёғи билан тепиб ўлдирибди. Сўнг унинг тиши билан сочини олиб қабристонга қайтиб келибди ва акаларини уйғотибди. Тонг отибди. Ҳаммалари ўринларидан туриб бет-қўлларини ювбдилар-да, бир-бирларига:

— Хўш, биродарлар, тун қандай ўтди?— дейишибди.

Қатта акаси сочини кўрсатибди, иккинчи билан учинчиси мурдани тирилтиришибди. Тўртинчиси эса тиш билан сочини кўрсатибди. Улар шоҳнинг олдига келишган экан, шоқ қўрқиб кетиб қочиб қолибди, улар шоҳни аранг ушлаб қолишибди.

### III

Шу зайдда улар ҳаёт кечира бошлашибди. Кунлардан бирида шоҳ учта ака-укани овга юборибди,

энг кенжаси эса уйда қолибди. Ака-укалар қайтиб келишгач, базми жамшид қиладиган бўлишибди.

Биттаси сурнай чалса, осмондан парилар тушиб келибди. Улар билан ўйин-кулги қилиб, осмон меваларидан ва ширинликларидан маза қилиб ейишибди.

Бир куни шоҳ катта акадан кейингисига:

— Бир сен ҳам овга бориб кел,— дебди.

У сурнайни маҳкам қулфлаб қўйибди-да, кетибди. Бир пайт хотини қулфни очиб, сурнайни чала кетибди.

Осмондан пари-пайкарлар ёгилиб тушибди. Хотини уларга сурнайни берибди-да:

— Эй, парилар, бугундан бошлаб сизларнинг қораларнигизни кўрмай,— дебди.

Бир пайт эри овдан қайтиб келибди. Сурнайни қидириб ҳеч қаердан тополмабди. Шундан сўнг, у дарвешга айланиб, ўн икки йил яшабди. Ун икки йилдан кейин эса сурнайни қайтиб олибди-да, уйга келибди.

## ДОНО ШАҲЗОДА

### I

Қадим замонларда бир подшоҳ ўтган бўлиб, унинг еттита ўғли бор экан. Кунлардан бир куни у:

— Қани энди энг катта шаҳзодани уйлантирсам, кўп яхши иш бўларди-да,— деб ўйлабди.

Отасининг шундай қарорга келганини ўғиллари эшитиб қолишибди-да:

«Қайси бир подшоҳнинг етти қизи бўлса биз ўшанга уйланамиз! Бўлмаса йўқ», деган қарорга келишибди.

— Отажон, бизни етти қизи бор подшоҳнинг қизига уйлантирасан!— дейишибди улар отасига.

— Мен етти қизи бор подшоҳни қаердан топаман?— дебди шоҳ ўғилларининг гапига жавобан.

Шоҳ ўйлаб-ўйлаб ўзининг энг ишонган одамларидан тўрт кишини ҳузурига чақирибди-да, уларни тўрт томонга жўнатибди ва у:

— Агар шундай подшоҳ топсаларинг ҳар бирингизга жуда катта мукофот бераман,— деб ваъда қилибди.

Шоҳ юборган брахманларидан бири ғарбий то-

монларда юрган экан, бир кўлда еттита малика чўмилаётганини кўриб қолибди. Улар ўзаро бир-бирлари билан:

— Қайси бир подшоҳнинг етти ўгли бўлса, биз ўшанга турмушга чиқамиз,— деб муҳокама қилишаётган эмиш.

Бу гапни брахман эшитиб қолибди-да, улардан сўрабди:

— Сизлар кимнинг қизларисиз?

— Бизлар подшоҳнинг қизларимиз!— деб жавоб беришибди улар.

— Сизларнинг тилагингиз қандай бўлса менинг олампаноҳнинг фарзандлари ҳам худди шундай орзуда. Менинг бу юртларда кезиб юришимнинг боиси ҳам ана шунда,— дебди.

— Ундай бўлса жуда ҳам соэ!— дейишибди малкалар.— Отамизнинг олдига боринг-да, ундан ялиниб бизларнинг қўлимизни сўранг.

«Бир брахман шахримизга келибди. У ўз подшоҳининг ўғиллари учун келин ахтариб юрганмиш», деган гап шоҳнинг қулоғига бориб етибди. Шоҳ шу заҳоти:

— У одамни ҳузуримга олиб келинглари!— деб фармони олий берибди.

Брахман шоҳ олдига келиб таъзим қилибди. Подшоҳ ҳам ўз аъёнларини чақириб, маслаҳат солибди ва қизларини беришга қарор қилибди.

— Олампаноҳ,— дебди брахман,— саккизинчи куни тўйга қудалар келадн, тайёргарлик кўрннг,— дебди.

Брахман ҳамма гапни пишириб, юртига қайтибди ва:

— Олампаноҳ, мен сиз айтган келинларни топдим ва тўй кунини белгилаб келдим,— дебди шоҳга.

Шоҳ унга жуда кўп сарполар бериб, хушнуд қилибди.

Саккизинчи куни кўёв бўлмишлар ўз ёру биродарлари ва ота-оналари билан бирга йўлга чиқишибди.

Энг кичик ўгли отасига шундай дебди:

— Отажон, сиз олти ўғлингизни олиб бораверсангиз. Мен ҳар эҳтимолга кўра уйда қолсам, чунки худо кўрсатмасин, биз йўғимиздан дарак топиб би-

ронта душманимиз келса ҳамма давлатимизни олиб кетиши мумкин. Унда нима қиламиз?

Яна у шундай дебди:

— Ҳамманглар бораверинглар, бироқ фалон кўл олдида тўхтаб ўтирманглар.

— Яхши, ҳеч қаерда тўхтамаймиз,— дебди шоҳ. Шундай қилиб, энг кенжа шаҳзода уйда қолибди. Қолганлар эса жўнаб кетишди. Қуданикига етиб келишгач, олти ўғилни олти маликага тўй-томоша қилиб уйлантиришибди, еттинчи маликани эса йўқ куёвга никоҳ қилишибди.

Шунда еттинчи малика йиғлаб:

— Мен эрга тегмайман!— дебди у.— Менинг бўлғуси эрим ё кўр, ё чўлоқ, ё гаранг, ёки қўлсиз бўлса керак. Шунинг учун ҳам у келмаган.

Опалари уни юпата бошлашибди:

— Сен бизнинг энг севикли синглимизсан! Кўп қайғурма! Мана бизни айтди дерсан, сенинг эринг энг чиройли! Агар гапимизга ишонмасанг, бизлар олти кун эрларимиз билан яшаймиз-да, еттинчи кунни сенга берамиз!

Ҳаммалари рози бўлишибди. Зўр-базўр еттинчи маликани кўндиришиб, йўқ куёвга никоҳ қилишибди.

Тўй-томошалар ўтгач, келин-куёвлар уйларига қараб йўл олишибди. Отаси эса ўғилларидан орқада қолибди. Улар йўлда чарчаб қолишибди ва ўша кўл бўйида тўхтаб дам олишибди. Шу пайт оталари ҳам етиб келибди. Бир пайт кўл суви лиммо-лим бўлибди-ю, ўғиллари ҳам, бошқа меҳмонлар ҳам — ҳаммалари чўкиб кетишибди.

Шунда шоҳ:

— Фалон кўлнинг олдида сира ҳам тўхтаманглар, деб ўғлим тайинлаганди! Мен энди унинг олдида қайси юзим билан бораман? Ундан кўра шулар қаторида менинг ҳам чўкиб ўлганим афзал!— дебди.

Шоҳ ана шу қардорга келиб, энди кўлга сакрайман деганида, сувдан бир фаришта чиқибди-да!

— Менга қара! Сакрай кўрма!— дебди.

Шоҳ унинг гапини эшитиб:

— Эй, фаришта! Нега энди сен бундай деяпсан?— деб сўрабди.

— Агар сен менга ваъда берсанг, жамики сувга

чўккан одамларингни олиб чиқиб бераман!— деб жавоб берибди фаришта.

— Майли, ишқилиб, одамларимни қутқарсанг бўлгани, ваъда бераман,— дебди шоҳ.

Қўл суви аввалги ҳолига келиб, ҳаммалари сувдан чиқишибди. Ошпаз овқат тайёрлашга киришибди.

— Қани, кўнглинг нима истайди, тортинмай айтавер!— дебди шоҳ фариштага.

— Эй подшоҳи олам, менга ўша кенжа ўглингни берсанг бас!— дебди фаришта.

Шоҳ унинг бу гапига ҳеч нима деёлмай қолибди.

## II

Кенжа ўғил отаси уни фариштага инъом этганини эшитгач, отга минибди-ю жўнабди.

Отаси уни отда кўриши билан ҳушидан кетиб йиқилибди. Малика эса уни кўриши биланоқ севиниб кетибди.

— Отажон, сеп хотиржам мамлакатни бошқаравер, ташвиш тортма! Мен олти ойда қайтиб келаман!— дебди шаҳзода.

У фаришта томон йўл олибди. Хотини эса уни кўриши биланоқ ётган еридан турибди-ю, отнинг думига ёпишибди.

— Сен қаёққа борасан?— деб сўрабди шаҳзода.

— Сен қаёққа борсанг, мен ҳам ўша ёққа!— деб жавоб берибди хотини.

— Сен уйга бор, мен олти ойдан сўнг қайтаман!

Малика эрининг гапига қулоқ солмабди. Шундан сўнг, эри уни ҳам отга мингаштириб олиб кетибди. Юриб-юриб охири ўша кўлга етиб келишибди. Шаҳзода отга қамчи босган экан, от ўзини кўлга ташлабди.

Фаришта сув тагида ўн икки йилдан бери овқат тайёрлаб уни кутар экан. Шаҳзодани овқатлантириб бўлгач:

— Мен сени чақиршимдан мақсад,— дебди у.— Бир подшоҳнинг қизи бор. У кулганида даҳанидан ёқут тўкилади, йиглаганида эса кўзидан марварид ёғилади. Шу бойликларни қизрангани учун отаси уни эрга бермаяпти. Сен ана шунга уйланишинг керак!

Шаҳзода кўл орқали катта йўлга чиқибди-да, маликани фаришта олдида қолдирибди.

Йўл юрибди, йўл юрса ҳам мўл юрибди. Бир жойга борса бир чўпон икки мингга яқин эчкиларни боқиб юрган экан.

Шаҳзода унинг олдига келибди-да:

— Биродар! Сенинг куч-қудратинг зўрми?— дебди.

— Жаноблари! Менда куч-қудрат нима қилсяи? Маликага уйланмоқ ниятида келаётган одамни қудратли деса бўлади!— деб жавоб берибди чўпон.

— Мен ўша ёққа кетяпман!— дебди шаҳзода.

— Жаноб, ундай бўлса мен сен билан бирга бораман.

— Жуда сози— рози бўлибди шаҳзода.— Юр бўлмасам!

Икковлари йўлда кетаётиб бир одамнинг ўз хотинини ўлдирмоқчи бўлиб турганини кўриб қолишибди. У камондан ўқ узиб кўзи, қулоғи, оғзига теккизмай, хотинининг бурнига теккизибди. Буни кўриб шаҳзода унга:

— Биродар, сен кучли экансан! Кўз, қулоқ, оғизга теккизмай бурнига теккизинг!— дебди.

— Мен қанақасига кучли бўлай?— деб жавоб берибди у одам.— Маликага уйланиш учун бир шоҳ келяпти, ўшани кучли деса бўлади.

— Ўша сен айтган подшоҳ мен бўламан!— деб жавоб берибди шаҳзода.

— Ундай бўлса, мен ҳам сен билан бирга бораман!—дебди у.

Шундан сўнг, учовлари йўлга тушишибди. Йўлда кетаётиб бир кўр одамни кўришибди. У тиланчилик қилиб, қўлини чўзиб ўтирган экан.

— Нега қўлингни чўзиб ўтирибсан?— сўрабди ундан шаҳзода.

— Индра подшоҳининг отган ўқи тушганида, мен уни ушлаб қоламан!— деб жавоб берибди кўр.

— Биродар, сен кучлимисан?— сўрабди у.

— Жаноблари, қанақасига мен кучли бўлай? Маликага уйланиш учун бир подшоҳ келяпти, ана ўша кучли!— дебди кўр.

— Ўша подшоҳ мен бўламан!— дебди шаҳзода.

— Ундай бўлса, шошмай тур, мен сен билан бир-

га бораман. Мана ҳозир ўқ тушадн, шуни ушлаб олай,— дебди кўр.

Бир пайт ўқ тушибди. Кўр уни ушлаб олиб, артиб-суртибди-да, сўнг отиб юборибди. Тўрттовлари йўлга тушишибди. Ярим тунда йўлда дурадгорни учратишибди. Ҳаммалари ётиб ухлашибди, дурадгор эса ўз ишини қилаверибди. Бир кечада у йигирма икки айвонли ва йигирма икки эшикни қасрни қуриб битирибди. Шаҳзода қасрга термилганча:

— Дўстим дурадгор! Сенинг қудратинг зўр экан,— дебди.

— Эй жаноблари, қанақасига мен қудратли бўлай? Маликага уйланиш учун бир подшоҳ келяпти. Ана ўшани кучли, қудратли деса бўлади,— дебди у.

— Уша сен айтган подшоҳинг мен бўламан!— дебди шаҳзода.

— Ундай бўлса, мен ҳам сен билан борганим бўлсин,— дебди дурадгор.

— Жуда соз,— рози бўлибди шаҳзода, ҳаммалари бирга жўнашибди. Йўлда кетаётиб, бир оёғи йўқ одамни кўриб қолишибди. У бир дақиқа ичида тўрт мамлакатдан хабар йиғаркан.

— Қаёққа кетяпсан?— деб сўрашибди ундан.

— Мен бир дақиқа ичида дунёнинг тўрт мамлакатидан хабар йиғаман,— деб жавоб қилибди у.

— Шунақанги қудратлимансан?— дейишибди унга.

— Қанақасига қудратли бўлай, биродарлар?! Маликага уйланиш учун бир подшоҳ келяпти. Ушани қудратли деса бўлади,— дебди у.

— Уша подшоҳ мен бўламан!— дебди шаҳзода.

— Мен ҳам сен билан бирга борганим бўлсин,— дебди-да, у ҳам уларга қўшилибди.

— Жуда соз,— рози бўлибди шаҳзода.

Шундай қилиб олтовлари йўлга тушишибди.

### III

Улар маликанинг олдига келишибди. Малика шаҳводани кўришн биланоқ севиниб кетибди.

— Бу келган меҳмонларни яхшилаб зиёфат қилинглар,— деб буюрибди у хизматкорларига.

Хизматкорлар дарҳол уларни меҳмон қилишибди ва ётиб дам олиш учун жой ҳозирлашибди. Шу зайдда орадан бир ой ўтибди.

Кунлардан бир куни маликанинг отаси боғга сайр қилгани чнқибди. Уша ерда шаҳзодани кўриб қолиб, юраги жиз этибди.

Шоҳ ўз қизини шаҳзодага берибди. Шаҳзода маликага уйланиб олиши биланоқ кўлдаги фаришта олдига қараб йўл олибди.

Фаришта уни кўриб, хурсанд бўлибди ва:

— Ана энди уйингга қайтсанг бўлади,— дебди.

— Эй фаришта, нима қиламан уйга қайтиб?— дебди шаҳзода.

Фаришта бир амаллаб уни кўндирибди. Шундан сўнг, шаҳзода уйига қайтибди. Фаришта унга жуда кўп совға-саломлар инъом қилибди ва хотинини ҳам қайтариб берибди.

Шаҳзода икки хотинни олиб, уйга жўнабди. Отаси ўғлини соғ-саломат қайтиб келганини кўриб, ниҳоятда хурсанд бўлибди ва молу давлатини, тахтини унга берибди.

## АЕЛЛАР АХЛОҚИ

### I

Қадим-қадим замонларда бир шаҳзода яшаган экан. Кунлардан бир куни у ўрмонга ов қилгани кетаётиб йўлда бир одамни учратиб қолибди. Йўловчининг бошида сават бўлиб, ичи тўла лой экан.

— Лойни нима қиласан?— сўрабди шаҳзода ундан.

— Бозорга олиб бориб сотаман!— деб жавоб берибди йўловчи.

— Қанчага сотасан?

— Уч-тўрт аннага сотаман.

Шаҳзода ёнидан бир танга олтин олибди-да, унга бериб:

— Мановини олгин-да, лойни менга бер,— дебди.

Шаҳзода лойни олиб, ундан қўғирчоқ ясабди ва унга:

— Мановни қўғирчоқни бозорга олиб боргин-да: «Бу — аёл ахлоқи!» деб айтгин,— дебди.

У одам қўғирчоқни олибди ва бозорга бориб:

— Мана бу — аёл ахлоқи!— деб уни одамларга кўрсата бошлабди.

Буни бир чахчининг қизи кўриб қолиб:

— Бу — аёл ахлоқи эмас!— дебди.

Қиз кўғирчоқни бир уриб бўлак-бўлак қилибди. У одам йиғлаб-йиғлаб бу воқеани шаҳзодага бориб айтибди.

— Жаноблар!— дебди у шаҳзодага,— қандайдир бир чахчининг қизи кўғирчоқни уриб майдалади-да: «Бу — аёл ахлоқи эмас!» деб айтди,— дебди.

Шаҳзоданинг жаҳли чиқиб кетибди-да:

— Яхши! Қиз қаерда яшаркан, менга унинг уйини кўрсат?— дебди.

Ҳалиги одам қизнинг уйини шаҳзодага кўрсатибди.

Шаҳзода отасининг олдига бориб чахчининг қизига уйланмоқчи эканлигини айтибди. Отаси тихирлик қилган экан у:

— Бўладиган гап шу, мен айтдимми, вассалом!— дебди.

Совчилар бориб қизни кўриб келишибди.

Қиз шунақанг гўзал эканки, у шаҳзодага жуда ҳам мос экан.

Хулласи калом, шаҳзода тўй-томоша қилиб қизга уйланибди.

## II

Тўй ўтгач, шаҳзода хотинига атаб қаср қурдирибди ва бу қасрга фақат биттагина дераза қўйдирибди. Қасрнинг теварак-атрофини эса одам бўйи қилиб ўйдириб, унга сув тўлдирибди. Шаҳзода хотинини ўша ерга қамаб, олдига бир йилга етадиган сув қўйибди-да, сўрабди:

— Қани, сен менга айт-чи, аёл кишининг ахлоқи нима ўзи?

— Ахир, мен аёл киши бўлсам, қаёқдан билай буни? Агар сен ўзинг айтиб бермасанг, менинг хабарим йўқ бундан,— деб жавоб қилибди хотини.

Шаҳзода хотинини ўша ерга қамабди-да, ўзи кетибди.

Куилардан бир куни малика бир илож қилиб, деразадан ошиб чиқибди-да, уст-бошларини ечиб аъзойи баданига кул суртибди ва дарвешнамо кийиниб олибди. Шу алпозда тўппа-тўғри бозорга бориб-

ди ва ашула айтиб, ўйинга туша бошлабди, сурнай чалибди. Унинг ашуласи одамларга ёқиб, кўпчилик тўпланибди. Унинг ашула ва рақсларининг доврўғи шаҳзоданинг қулогига ҳам бориб етибди. Сўнг шаҳзода дарвешнинг ашуласини эшнтиб жуда мамнуи бўлибди.

Шундан сўнг, дарвеш аёлнинг кўнгли эркак истабди. Ўрмон томонга қараган экан, бир қоп-қора чўпонни кўриб қолибди. У деразадан туриб нмлаган экан, чўпон аста келиб деразадан кирибди. У шунақанги бадбашара эканки, кўрган киши ваҳимага тушаркан.

Чўпон деярли унинг ёнига ҳар куни келиб айшишрат қиладиган бўлибди.

### III

Кунлардан бир куни шаҳзода ўрмонга ов қилгани борибди. Юриб-юриб жуда чанқабди, бироқ ҳеч қардан сув тополмабди. У бир дарахтнинг тепасига чиқиб қараб, қаердандир тутун чиқаётганини кўриб қолибди.

Шаҳзода ўша томон қараб йўл олибди. Етиб келиб қараса, бир дарвеш пиширилган гуручни учта тарелкага сузиб қўйганмиш. Шаҳзода ҳайрон бўлибди ва ўзига-ўзи:

— Қизик, дарвеш битта бўлса, нега энди учта тарелка олдида турганикин,— дебди.

Бир пайт дарвеш ёнидаги қутичанинг қопқоғини очган экан, ичидан иккита гўзал аёл чиқиб келибди. Биттадан тарелкани икковининг олдига қўйибди-да, биттасидаги гуручни ўзи ебди. Овқатланиб бўлишгач, айшишрат қилишибди.

Шаҳзода бу воқеаларни бекиниб турган еридан ўз кўзи билан кўрибди. Дарвеш аёллар билан айшишрат қилиб бўлгач, яна уларни сеҳрлаб қутичага қамабди-да, сочи орасига яшириб қўйибди.

Шундан сўнг, шаҳзода дарвешнинг олдига келиб:

— Буважон! Озроқ сувингиз бўлса беринг!— дебди.

Дарвеш унга сув берибди ва шаҳзода чанқоғини қондирибди.

— Уғлим, кимсан ўзинг? Қаёқлардан келяпсану қаёққа кетяпсан?— деб сўрабди ундан дарвеш.

— Буважон, мен фалон подшоҳнинг ўғли бўлман. Овга чиққандим, жуда чанқаб қолдим. Сизнинг олдингизга сув ичгани келдим,— деб жавоб берибди шаҳзода.

— Жуда соз, ўғлим!— дебди дарвеш.— Тағин нима хоҳлайсан?

— Буважон,— жавоб берибди шаҳзода.— Менинг истагим шуки, сиз бирон марта бўлса ҳам бизникига келиб меҳмоним бўлсангиз!

— Майли,— деб розилик берибди дарвеш.

Шундан сўнг шаҳзода у ердан кетибди ва тўғри чахчининг қизи яшириб қўйилган жой томон йўл олибди. У ерга келгач, шаҳзода унга:

— Турли-туман овқатлар пиширгин-да, тўртта тарелкага сузиб қўйгин,— дебди.

Қиз ҳар хил овқатлар тайёрлабди. Уша куни унинг олдига чўпон келибди. У чўпонни бўйрага ўрабди-да, деворга тираб қўйибди.

Бир пайт шаҳзода дарवेशни бошлаб келиб қолибди. Шаҳзода унинг олдига учта тарелкадаги овқатни қўйибди.

Дарвеш ҳайрон бўлганча:

— Уғлим, нега энди бир ўзимга учта тарелка қўйдинг? Буларни ким ейди?— деб сўрабди.

— Буважон, битта-яримта насибаси қўшилган ер, ахир,— деб жавоб қилибди шаҳзода.

«Эҳтимол, у менинг одатимни билиб олгандир», деб ўйлабди ўзича дарвеш.

У сочи орасидан икки аёлни олибди. Сеҳр орқали яшириб қўйилган чўпонни ҳам билиб олибди. Шундан сўнг у яна шаҳзодага қараб:

— Битта тарелкага менга бошқа овқат солиб бер!— дебди.

Шаҳзода унга бошқа овқат сузиб берибди. Шунда дарвеш чўпонга мурожаат қилиб:

— Кела қол, ўғлим! Чиқавер! Кела қол!— дебди.

Қоп-қора чўпон бўйра ичидан чиқибди-да, дарвеш билан бирга овқатланибди.

Шунда хотин:

— Ана энди эрим мени ўлдирса керак!— деб ўйлабди.

Шаҳзода бўлса буниси қаёқдан келиб қолдйкин, деганча чўпонга қараб қолибди.

Дарвеш овқатни еб бўлгач, жўнаб қолибди. Шаҳзода чўпонни ҳам ҳайдаб юборибди. Сўнг қиличини сурурганча хотинига:

— Қани айт-чи, аёл кишининг хулқ-атвори нима экан?— дебди.

Хотини бўлса яна аввалгидек:

— Ахир мен аёл кишиман-ку! Узинг мени шу ерга қамаб қўйдинг! Хотин кишининг хулқ-атворини мен қаёқдан билай?— деб жавоб қилибди.

#### IV

Шаҳзода яна бир йилга етадиган овқатни хотини олдига қўйиб қамаб қўйибди-да, жўнаб кетибди.

Эри жўнаб кетгач, хотини яна деразадан ошиб чиқибди-да, дарвешона кийиниб олибди. Сўнг ашула айтиб рақсга туша бошлабди. Музыка овози кунлардан бирида ҳамма ёққа тарқалибди. Унинг бозорда ашула айтиб юрганини шаҳзода ҳам эшитиб қолибди. Осмондаги фаришталар ҳам бу овозга маҳлиё бўлиб тушиб келибди.

Шунда дарвеш эрига:

— Сен ҳам келавер,— дебди.

— Буважон, агар сиз таклиф қилсангиз, мен жон деб бораман.

— Мени буважон демай, азиз дўстим деб айтгин,— дебди унга дарвеш.

Икковлари осмонга чиқиб кетишибди-да, алоҳида-алоҳида қасрда яшай бошлашибди. Дарвеш ҳар куни фаришталар олдида ашула айтиб, ўйинга тушаркан.

Бир куни фаришталар хизматкори шаҳзодага:

— Дўстим! Бу ерда ҳар куни ўйин-кулги! Нега энди сен хотинингнинг олдига бормайсан?— дейишибди.

— Дўстим! Мен бу ерда янги одамман. Бу ерда нима бўлаётганидан хабарим йўқ эди. Ҳатто қаерда рақс бўлаётганидан ҳам бехабарман,— деб жавоб берибди шаҳзода.

Шунда бир одам туриб:

— Яхши, дўстим! Мен бугун олдинга келаман-да, сени бошлаб бораман,— дебди.

Кечаси дўсти келиб уни чақриб кетибди. Хотини рақсга туша бошлабди. Шу куни Фарияталар унинг рақсига тасанюлар айтишибди-да:

— Тила тилагингни!— дебди.

— Жаноблари!— деб жавоб берибди у.— Қўлингиздаги бриллиант узукни менга совға қилсангиз.

Фарията унга мукофотига узугини берибди. Шундан сўнг, у яна рақсга туша кетибди ва ўйнаб туриб узукни шаҳзодага берибди. Шаҳзода хурсанд бўлибди, бироқ одамлар:

«Нега энди узукни унга бердийкии?», дейишиб ҳайрон бўлишибди.

Эртаси куни яна рақе бўлибди. Шаҳзода яна борибди. Фарията унинг рақсини томоша қилиб, тасаню ўқибди-да:

— Тила тилагингни!— дебди!

— Жаноблари, бўйнингиздаги шода марваридларни менга совға қилсангиз,— дебди.

Фарията бўйнидаги шода марваридни ҳам раққосага совға қилибди. Раққоса буни ҳам эри — шаҳзодага берибди. Шаҳзода олиб жуда хурсанд бўлибди-да, ўз қасрига кетибди.

Хотини ҳам рақсга тушиб бўлгач, дарвешона кийиниб олиб ўша ерга келибди. Дарвеш шаҳзодага қараб:

— Энди ерга кетсак бўлади, юр!— дебди.

— Ҳа, азиз дўстим. Энди ерга кетишимиз керак!— деб жавоб қилибди шаҳзода.

Икковлари ерга тушиб келишибди.

## V

Орадан бир йил ўтибди. Хотини ўз уст-бошларини кийибди-да, яна жойига келиб ўтирибди. Эри унинг олдига келиб:

— Ана энди айт-чи, хотин кишининг хулқ-атвори нима экан?— дебди хотинига.— Айтмасанг, ҳозироқ чавақлаб ташлайман!

— Ахир мен аёл кишиман-ку,— жавоб берибди у.— Узинг бу ерга қамаб кетган бўлсанг.

— Йўқ, мен сени сўзсиз сўйиб ташлайман!— дебди шаҳзода.

«Чиндан ҳам энди мени сўяди!»— деб ўйлабди хотини ва:

— Сен дарвеш билан бирга осмондаги фаришта оддига бормадингми? У ерда фариштанинг рақсини томоша қилмадингми? У сенга рақс тушаётиб, фаришта тақдим қилган узуғи билан шода марваридини совға қилмадимми?— дебди.

Шаҳзода ҳанг-манг бўлиб қолибди ва:

— Сен буларни қаёқдан билдинг?— дебди жонҳолатда.

— Буларнинг ҳаммасини мен ўзим қилдим!— жавоб берибди хотини.

Шаҳзода бошини чангаллаганча қотиб қолибди. Хотини эса:

— Аёл кишининг макр-ҳийласи мана шунақа! Сен бўлсанг, лойдан қўғирчоқ ясаб, аёл кишининг хулқ-атвори деб юрибсан,— дебди.

Шундан сўнг, шаҳзода хотинини уйга олиб келибди ва шу кундан бошлаб унинг айтганларига қулоқ соладиган бўлибди.

### Қ И М О Р Б О З

Қадим зампларда бир брахман яшаган бўлиб, у донғи кетган қиморбоз экан. Кунлардан бир куни у подшоҳнинг олдига келибди.

— Хўш, брахман, нима истайсан? Нега келдинг?— сўрабди подшоҳ.

— Мен сен билан ўйнагани келдим!— деб жавоб берибди брахман.

— Жуда соз, ўтир ундай бўлса!— дебди шоҳ.

Брахман шоҳ ённга келиб тиз чўкибди.

— Қапақанги ўйип ўйнайсан?— сўрабди шоҳ.

— Олампаҳо! Шашқол ўйнаймиз!— деб жавоб қилибди брахман.

Шоҳ хизматкорларига шашқол олиб нелишни буюрибди. Хизматкорлар тезда олиб келишибди. Шундан сўнг, брахман шоҳ билан ўйнай кетибди. Шоҳ олдинига бир юз йигирма рупий тикибди. Брахман бир зумда ютиб олибди. Кейинги сафар шоҳ минг рупий тикибди. Брахман буни ҳам ютиб олибди. Шоҳ эллик минг рупий тикиб, буни ҳам ютқазибди.

Шунда шоҳ унга қараб:

— Брахман! Жуда ҳам очкўз бўлма. Шу ютганинг ҳам бир неча йилга етади. Энди жўнаб қол,— дебди.

— Мен бу ерга сенинг бутун тахту тожингин ютгани келдим! Нима, қўрқиб кетдингми?! — дебди брахман.

Шоҳнинг жаҳли чиқиб кетибди-да, бир йўла юз минг рупий тикибди.

— Қанн, ташла шашқолни!— дебди у брахманга.

Брахман ташлаган экан, чув тушиб ютқазибди. Унинг ёнида бунча пули йўқ экан.

— Қаердан бўлса ҳам олиб келасан!— дебди шоҳ унга.

— Жонимни тикдим,— дебди брахман.— Қанн, ташла шашқолни! Узимни тикдим.

Шоҳ шашқолни ташлаган экан, ютибди. Брахман доғда қолиб, жонидан ажрабди.

## УҒРИ

Бир одамнинг бир халта рупийси йўқолиб қолибди. У қозининг олдига бориб арз қилган экан, қози унинг уйидагиларини чақиртириб келиб, ҳар бирига таёқ тутқазибди-да:

— Кимда-ким ўғри бўлса қўлидаги таёғи эртагача бир бармоқ узунлигида чўзилиб қолади!— дебди.

Ҳаммаларни уйга қайтиб келишибди. Шу орада пулни ўғирлагани жуда қўрқибди. У қўлидаги таёқни бир бармоқ узунликда кесиб ташлабди.

Эртаси куни қози ҳаммаларини чақиртирибди. Таёқларни қараб чиқиб ўғрини ушлабди-да, жазосини берибди.

## УЧ КАСБ

Қадим замонларда бир подшоҳ ўтган экан. Кунлардан бир куни у уч кишини чақирибди-да:

— Сизлар қандай иш билан шуғулланяпсизлар?— деб сўрабди.

— Менинг касбим ўғирлик!— деб жавоб берибди биринчиси.

— Менинг касбим эса,— деб жавоб қилибди иккинчиси,— ичкилик ичиш, ичганда ҳам ниҳоятда кўп ичаман.

— Менки эса қиморбозлик,— деб жавоб берибди учинчиси.

У яна подшоҳга қараб шундай дебди:

— Олампаоҳ! Агар тожу тахтингни тиксангиз сиз билан ҳам ўйнаганим бўлсин.

Подшоҳ ўғри билан пианистани қўйиб юборибди, қиморбозни эса калласини олдириб ташлабди.

### ОТ УЙДА, БАҲОСИ ЙЎЛДА

Кунлардан бир куни бир кимсага қандайдир бир буюм керак бўлиб қолибди. У шу нарсани ахтариб кетаётиб йўлда бир йўловчини учратибди.

— Сен нэлаган буюм менинг уйимда бор,— дебди йўловчи,— баҳосини айт, маъқул тушса кўрсатаман.

— Олдин кўрсат, кейин баҳосини айтаман,— дебди у.

— Баҳосини айт, кейин кўрсатаман!— дебди яна йўловчи.

— Сенинг гапинг, от уйда, баҳоси йўлда қабилида экан-да,— деб жавоб қилибди у.

### КОТИБ

Кунлардан бир куни бир кимса котибнинг олдига келибди-да:

— Худо хайрингни берсин, менга бир элликкина хат ёзиб бер!— дебди.

— Иложим йўқ— деб жавоб берибди котиб.— Оёғим оғрияпти!

— Ахир, мен сени бирон ёққа бориб кел, деяётганим йўқ-ку, нега ундай деяпсан?

— Гапинг тўғрику-я, бироқ хат жўнатмоқчи бўлган одамнинг, барнбир ўқиб берсин, деб менга одам юборади-да.

### ОЛТИТА НОН

Бир кимса ҳар куни бозорга бориб олтита нон харид қиларкан.

Кунлардан бир куни у дўстини учратиб қолибди. Дўсти ундан:

— Нега энди сен ҳар куни олтита нон сотиб оласан?— деб сўрабди.

— Биттасини ўзим ейман; биттасини ташлайман; иккитасини қарзга бераман; иккитасини эса қарзимга бераман,— деб жавоб берибди у дўстига.

— Бу қанақаси бўлди, сира ақлим бовар қилмай-ди!— дебди дўсти. — Бундай тушунтириброқ айтсанг-чи, ахир!

— Бирини ўзим ейман; биттасини қайнанамга, иккитасини болаларимга; иккитасини эса отам билан онамга бераман,— дебди.

## АИЕР ҚОЗИ

Икки киши ўз бисотини бир кампирнинг қўлига омонат топширибди.

Иккови ҳам кампирга, қачон қайтиб келсак, шунда молларимизни оламиз, дейишибди.

Орадан бир неча кун ўтгач, улардан бири қайтиб келибди-да, кампирга:

— Дўстим вафот этди, молларимизни бер!— дебди.

Кампир унга ҳар иккала омонатни ҳам қайтариб берибди. Орадан бир неча кун ўтгач, иккинчиси қайтиб келибди-да, кампирга:

— Қани, кампиршо, молларимни олиб чиқ!— дебди.

Шунда кампир унга шундай деб жавоб қилибди:

— Дўстинг келди-да: «Уртоғим вафот этди, молларимизни бер!» деб айтди. Шунча йўқ десам ҳам, икки оёғини бир ерга тираб туриб олди. Охири, ҳамма нарсаларингни унга бериб юбордим.

У кампирни етаклаб қозининг олдига борибди.

— Менинг ишимни ҳал қилиб берсангиз!— дебди у қозига қараб.

— Бу кампир жуда ҳам камбағал яшайди. Ишончим комил, унинг қўлидан ўғирлик келмайди,— дебди қози.

Қози у одамдан яна сўрабди:

— Қани, айт-чи, сен кампир билан қандай келишган эдинг?

— Биз унга: икковимиз қачон қайтиб келсак, омонатимизни оламиз, дегандик.

— Ундай бўлса дўстингни айтиб келгин-да, икковинг молингни олиб кет! Бир ўзинг қандай қилиб олмоқчисан?— деб қарор чиқарибди қози.

У қилган ишига пушаймон бўлганча уйига жўнабди.

Қадим замонда камбағал бир брахман яшаган экан. У икки-уч қишлоқда тиланчилк қилиб юриб, тирикчилик ўтказаркан. Қунлардан бирида шундай воқеа рўй берибди: у тиланчилк қилгани чиқибди; уч-тўрт қишлоқни айланиб ҳам егулик бирон нарса тополмабди. Шундан сўнг, оқсоқолнинг уйи томон йўл олибди. Оқсоқол уйда йўқ экан, кампир уни уйга бошлаб кирибди-да, бирпас тура тур, дебди.

Бир пайт оқсоқол қайтиб келибди-да, брахманни роса савалаб, уйдан ҳайдаб чиқарибди.

Брахман оқсоқолнинг уйдан чиқиб кетаётган экан, қабристонда олов кўриб қолибди. У тўппа-тўғри қабристон томон йўл олибди. Келиб қараса, шайтон гулхан ёқиб ўтирганмиш. Брахман гулханга яқин келиб исина бошлабди.

Шайтон унга қараб турибди-да, олдинга хурсанд бўлибди, кейин йиғлай бошлабди. Унга қўшилиб брахман ҳам йиглабди.

Шунда қаландар ундан:

— Нега энди сен олдинга хурсанд бўлиб, сўнг йиғлай бошладинг?— деб сўрабди.

— Олдинга хурсанд бўлганимнинг боиси шундаки, бир ўзим эдим, сен келиб қолдинг! Кейин йиғлаганимнинг боиси, бугун бу ерга тўрт томондан тўртта одамхўр келади. Улар ё сени, ё мени ейдил— деб жавоб берибди шайтон.

— Тирик қолишимизга умид йўқми?— деб сўрабди брахман ундан.

— Анови дарахтга чиқиб ол!— дебди шайтон унга.

Брахман дарахтга чиқиб олибди. Бир маҳал тўрт томондан тўрт одамхўр келибди. Улар шайтонни ейишибди-да, сўнг ўзаро гаплаша бошлашибди:

— Дўстлар! Бирон нима айтиб беринглар!

Шунда улардан бири гап бошлабди:

— Огайнилар! Ана шу дарахтнинг тагида иккита хумда кумуш бор. Қимда-ким шунга ковлаб олгудек бўлса бутун умрига етади.

Шундан сўнг, иккинчиси гап бошлабди:

— Ана шу дарахтда бир қуш бор. Бу қуш ҳар

хил гиёҳларни еб овқатланади ва айрим вақтда еган овқатини чиқариб ташлайди. Уша чиқариб ташлаган овқатини етмиш яшар одам еса, ўн яшар бўлиб қолади.

Сўнг учинчиси гап бошлабди:

— Шу ерда бир чуқур бор, чуқурда эса сичқон бор: сичқоннинг бўйнида қимматбаҳо тошлар бор. Эрта билан барвақт сичқон қуёшга чиқади. Қимда-ким сичқонга бир сиқим лой ташласа, қимматбаҳо тошлар ўшанга тегади.

Ниҳоят тўртинчиси гап бошлабди:

— Қимда-ким фалон тоғ устига бориб иморат курса, у ўз уйида олтин тошларга эга бўлади!

Улар ўзаро суҳбатлашиб бўлишгач, тўрт томонга қараб кетишибди.

Бир пайт брахман дарахтдан пастга тушибди. Энг олдин дарахт тагидаги кумушни ковлаб олибди-да, бошқа бир ерга яшириб қўйибди. Сўнг қушнинг овқатидан олибди. Қуёш чиқиши билан эса сичқоннинг бўйнидаги қимматбаҳо тошларни ечиб олибди.

## II

Уша шаҳарнинг шоҳи мохов экан. Уни кўп табиблар даволамоқчи бўлиб, роса уриниб кўришибди, бироқ ҳеч қайсисининг берган дориси кор қилмабди.

Бир куни брахман шоҳнинг сарой дарвозаси олди-га келибди-да, хизматкордан:

— Хўш, биродари азиз, шоҳнинг аҳволн қалай?— деб сўрабди.

Шоҳнинг хизматкорлари келишибди-да, уни чалажон қилиб уришибди. Шундан сўнг хизматкорлардан бири унга:

— Огайни, энг олдин ўзингни даволаб олгин, сўнг шоҳни даволайсан,— дебди.

— Биродар! Мен ҳеч нимани билмайман!— дебди брахман.

Охири брахман айтганида туриб олгач, хизматкорлар уни шоҳнинг ҳузурига олиб киришибди. У шоҳнинг олди-га кириб келиши биланоқ:

— Ичкарида фақат шоҳ билан мен қолишим ке-

рак! Етти кун ичида мен шоҳни тузатаман!—  
дебди.

Брахман шоҳни даволабди. Шунда шоҳ унга:

— Нимаки тиласанг, тнлагингни бераман,— деб-  
ди.

— Олампаноҳ! Менга фалон ердаги тоғни инъом  
этсангиз бўлгани,— дебди брахман.

— Эҳ, тентак! Тоғни сўраб нима қиласан! Ундан  
кўра бошқа нарса сўрамайсанми?!— дебди шоҳ.

Брахман эса яна:

— Олампаноҳ! Менга фалон ердаги тоғни инъом  
қилсангиз, мен ўзимга бир кулба қуриб олардим!—  
дея ялтимос қилибди.

Шоҳ унга тоғни инъом қилибди ва озроқ олтин  
ҳам берибди. Брахман совғани олиб уйига қайтибди.  
У ўша тоққа кулба солибди ва жуда бой-бадавлат  
бўлиб кетибди.

### III

Кунлардан бир куни брахманни калтаклаган ўша  
оқсоқол унинг кулбасига келибди-да:

— Менга бирон-бир егулик берсанг!— дебди.

Шунда брахман хотинига қараб:

— Тарелкага озроқ арпа ёрмасидан солгин-да,  
унга бер!— дебди.

Хотини эри айтгандек қилибди, бироқ оқсоқол  
тарелкани олмабди.

Хотини уйга қайтиб кирибди-да, эрига:

— У тарелкани олмаяпти,— дебди.

— Арпа ёрмасидан камроқ солган бўлсанг керак,  
тарелкани тўлдириб бер!— дебди эри.

Шундан сўнг, тарелкани брахманнинг ўзи олиб-  
ди-да, оқсоқолга олиб чиқибди. Оқсоқол яна олмабди.

— Сенга нима берай, нима хоҳлайсан?— сўрабди  
брахман.

— Мени ҳам худди ўзингга ўхшаган бой-бадавлат  
қилиб қўй!— дебди оқсоқол.

Шунда брахман унга жавобан:

— Биродар! Уша, сен мени тепкилаб урган ку-  
ннинг, қабристонда олов ёниб турганини кўриб қол-  
дим-да, ўша ерга бордим. У ерда шундай-шундай  
воқеалар юз берди,— дебди.

Брахман унга бўлган воқеаларни батафсил ҳикоя

қилиб берибди. Брахман билан қандай воқеа юз берган бўлса, у билан ҳам худди шундай воқеалар бўлибди.

— Тирик қолиб ҳаёт кечиршимга бирон-бир умид борми?— сўрабди оқсоқол шайтондан.

Шайтон уни қўрқитиб юборибди ва:

— Манави дарахтга чиқиб ол!— дебди.

Оқсоқол дарахтга чиқиб олибди: бир пайт тўрт томондан тўртта одамхўр келибди-да, ўзаро гаплаша бошлашди:

— Оғайнилар! Бирон-бир ҳикоя айтиб беринглари!

Шунда биринчиси гап бошлабди:

— Оғайнилар! Мен сизларга нима айтиб берсамикин? Мен сизларга бир пайт ана шу дарахт тагида талайгина бойлик борлигини айтгандим. Қимдир уни олиб кетибди!

Иккинчиси гап бошлабди:

— Оғайнилар! Мен сизларга нима айтиб берсамикин? Мен сизларга шу ерда сичқон борлигини, бўйнида эса қимматбаҳо тошлар осирлиқ эканини айтиб бергандим. Қимдир бу қимматбаҳо буюмларни олиб кетибди. Сичқон эса йиғлаб ўтирибди!

Шундан сўнг учинчиси гап бошлабди:

— Эҳ, оғайнилар! Нимани ҳам айтиб берардим! Мен сизларга шу дарахтда бир қуш борлигини айтгандим...

Шу пайт улар дарахтга қарашган экан, оқсоқолни кўриб қолишибди. Уни кўришлари билан:

— Бизнинг бойликларимизни ўғирлаб кетган одам ана шу бўлади,— дейишибди.

Тўртови оқсоқолни тутиб ейишибди-да, сўнгра тўрт томонга қараб кетишибди.

## Ў Г А Й О Н А

### I

Қадим замонларда бир подшоҳ ўтган экан, унинг еттига хотини бўлган экан. Кунлардан бир куни шоҳ овга чиқибди ва йўлда бир қийикни учратиб қолди. Шоҳ қийикнинг орқасидан роса қувибди, бироқ сира етолмабди.

Бир пайт чопиб бораётган қийик эчкига айланиб

қолибди, кейин эса гўзал бир аёлга айланибди. Шоҳ унинг кетидан борар экан:

- Сен ўзинг кимсан, ахир?— дебди.
  - Мен маликаман!— дея жавоб берибди у.
  - Бу ерларга қандай келиб қолдинг?
  - Эрим менн ўрмонга ташлаб кетди!
- Шунда шоҳ унга яна:
- Ундай бўлса, юр мен билан!— дебди.
  - Майли— дебди у.

Шоҳ уни саройга олиб келибди. Саройга келгач, у шундай ишлар қилибди: Кунлардан бир куни у қоқ ярим тунда ўрнидан турибди-да, отхонадаги отни ўлдириб қонини етти малканинг лабига суртиб қўйибди. Эртаси куни у шоҳга шундай дебди:

— Жаноби олийларн! Хотинларингга бир қаранг-а, ҳар куни биттадан отни ўлдириб ейишяпти!

Шоҳ дарғазаб бўлиб амр қилибди:

— Ҳозироқ ҳаммасни зиндонга ташланглар!

Шоҳнинг амр-фармонини шу заҳотиёқ бажаришибди, етти малкани зиндонга ташлабдилар. Улар зиндонда оч қолишибди. Орадан бир неча кун ўтгач, биринчи малика зиндонда кўзи ёриб, ўғил туғибди. Улар уни еб қўйишибди, бироқ еттинчи малика оёзига ҳам олмабди. Улар шундай қилишибди: маликаларнинг олтитаси ҳам ўғил кўрибди-ю, бироқ ҳаммасини ўзлари ейишибди.

Ниҳоят, еттинчи малика ҳам ўғил кўрибди. Шунда бошқалари:

— Бунн ҳам еймиз!— дейишибди.

Бироқ онаси ўз фарзандини уларга бермабди.

## II

Кунлар, ойлар ўтиб, бола катта бўлибди. Бир куни у опасидан:

— Ойинжон, отам қаерда?— деб сўрабди.

— Сенинг отанг саройга бир шайтонни олиб келди-да, биз етти малкани ҳайдаб юборди,— деб жавоб берибди онаси.

Кунлардан бир куни бола саройга — отаси олдига келибди.

— Сен кимсан ўзи?— сўрабди отаси.

— Олампахо!— жавоб берибди у.— Мен сля-  
нинг ўглингизман!

Шундан сўнг шоҳ уни саройда олиб қолибди ва  
ҳар нуни унга икки қадоқдан арпа берибди.

Бир куни ўгай она эрига дебди:

— Бошим тарс ёрилай деяпти!

— Қандай даволасам экан?— сўрабди ундан шоҳ.

Шунда хотини:

— Менинг ватаним етти денгизнинг нарёғида, ўша  
ердаги уйида менинг тароғим бор. Сен бориб ўша  
тароғимни олиб келсанг, мен тузаламан.

— У ёққа ким боради дейсан?

— Анави бола боради!— дебди ўгай она шоҳнинг  
ўғлига ишора қилиб.

Шоҳ ўғлидан:

— Борасанми?— деб сўрабди.

— Бораман!— дебди у.

Шоҳнинг хотини унга хат ёзиб берибди. Хатда у  
шундай деб ёзибди: «Бу менинг ашаддий душманим,  
уни ўша ерда еб юборинглар».

Шаҳзода хатни олиб йўлга тушибди. Йўлда кета  
туриб, у бир дарвешни учратибди. Дарвеш ундан:

— Қаерга кетяпсан?— деб сўрабди.

— Ўгай онамнинг боши оғриб қолди, унга дори  
олиб келгани кетяпман!— деб жавоб қилибди бола.

— Мабодо ёнингда бирон хат йўқми?

— Ҳа, дарвоқе, бор!

— Қани кўрсат-чи!— дебди дарвеш.

Шаҳзода унга ўгай онаси берган хатни кўрсатиб-  
ди. Дарвеш хатни йиртиб ташлабди-да, ўрнига бош-  
қа хат ёзиб берибди.

Шундан сўнг, дарвеш унга:

— Ўша ерда етти идиш бор. Бу етти идиш  
ичида етти кишининг ҳаёти сақланади. Ўша ерга  
боргач, хатни кампирга бергин-да, эгилиб-букилиб  
таъзим қил; ундан ташқари учта холаси билан учта  
торасига ҳам қуллуқ қил. Улар сенга тароқни бериш-  
лари билан қўлингга олгин-да: «Манави идишларда-  
ги нима?» деб сўрагин. Улар айтишлари билан би-  
ринчи навбатда кампирни ўлдир, кейин эса олти  
кишининг ҳаётини кафтингга олиб учуриб юбор.  
Ўгай онамнинг ҳаётини эса уйга олиб боргин!— деб  
тайинлабди.

### III

Шаҳзода ҳаммасини у айтгандек қилиб, уйга келибди.

— Хўш, олиб келдингми?— сўрабди отаси.

— Олиб келдим!— деб жавоб берибди шаҳзода ва гап бошлабди: — Олампаноҳ! Ахир у шайтон экан-ку, агар ижозат берсангиз уни ўлдираман.

— Жуда сози!— рози бўлибди отаси.

Шаҳзода ўгай онасини ўлдирибди. Шундан сўнг шохнинг ҳузурига етти хотини қайтиб келишибди. Угли эса қаҳқий шаҳзода бўлибди.

### ШАЙТОН

Бир подшоҳнинг етти ўғли бўлган экан. Кунлардан бир куни отаси ўз ўғилларини ёнига чақриб:

— Болаларим, еттовнигиздан бирингиз энди тахтни эгаллаб, шоҳ бўлингиз, қолганларинг эса шаҳзода бўлинглар,— дебди.

— Ё ҳаммамиз шоҳ бўламиз, ёки ҳаммамиз шаҳзода бўламиз!— дейишибди шаҳзодалар ва еттовлари йўлга отланиб ўзга юртларга равона бўлишибди.

Юриб-юриб охири бир шаҳарга етиб келишибди. Қарашса, шаҳар вайрона эмиш. Улар бир саройга кириб ўша ердан бошпана топишибди. Ҳаммалари жой солиб ётишибди. Кечаси туриб қарашса олтитарига ўрин бормишу еттинчиларига эса ўрин йўқмиш.

Ўша саройда бир эчки санқиб юраркан: у кундуз куни эчки бўларкан-да, қоронғи тушнши билан шайтонга айланиб қоларкан. У кунига биттадан шаҳзодалардан ея бошлабди. Шаҳзодаларнинг эса бунга сира ақллари етмабди; эчки оғанилардан бирини еганда улар ўзаро бир-бирларига:

— Акамиз қочиб қолибди! Унга ишониб бўлмаё экан!— дейишибди.

Шу зайлда эчки бештасини ебди, энди иккитаси қолибди. Икковлари бир-бирларига:

— Акаларимизнинг ҳаммаси кетиб бўлишди, балки бугун сен ҳам кетарсан?— дейишибди.

Кечаси ўринга ётишлари билан оёқларини боғлаб қўйишибди. Эчки эса қоронғи чўкиши билан шай-

тонга айланибди-да, улардан бирини ея бошлабди. Шу пайт иккинчиси уйғониб қолиб, шайтонни одам сятганини кўрибди. Буни кўриб жуда кўрқиб кетибди.

Шайтон олтинчи шаҳзодани еб бўлгач, гўзал бир аёлга айланиб қолибди. У шаҳзодага қараб:

— Нима, кўрқаб кетдингми? Мен сенинг маликанг бўламан, сен эса шоҳим! Эртага тўй қиламиз!— дебди.

Тонг отибди. У яна шаҳзодага қараб:

— Шу бугуноқ тўйга ҳамма нарсани тайёрла. Мен бориб чўмилиб келаман!— дебди-да, кетибди.

Шаҳзода хурмачага ун солиб аралаштирибди-да, бир ёғочга илганча ўрмонга бошқа йўл билан кетибди.

Шаҳзода уни ўз орқасидан эргашиб келганини пайқабди. У шаҳзодадан:

— Хўш, ҳамма нарса тайёрми?— деб сўрабди.

Шаҳзода эса ундан қочиб дарахтга чиқиб олибди. Шайтон эса дарахт тагига ўтириб, йиғлай бошлабди.

Шу пайт қайсидир бир подшоҳ ўрмонга ов қилгани чиққан экан. Шоҳнинг хизматкорлари чанқаб сув ичгилари келибди-да, ўша ерга келиб қолишибди. Қарашса, бир аёл йиғлаб ўтирганмиш. Улар ундан:

— Сен кимсан?— деб сўрашибди.

— Эрим мени ташлаб, дарахтга чиқиб олди!— деб жавоб берибди аёл.

— Нега бундай қилдинг?— деб сўрашибди хизматкорлар шаҳзодадан.

— Уни ола қолинглар! Уни сизларга бердим, ҳатто талоқ хати ҳам ёзиб бераман!— деб жавоб берибди шаҳзода.

Хизматкорлар ўз подшоҳлари олдига келишибди:

— Шоҳим! Анави ерда гўзал бир малика йиғлаб ўтирибди. Эри бўлса: «Ола қолинглар, сизларга ҳатто талоқ хати ҳам ёзиб бераман», деяпти,— дейишибди.

Подшоҳ у аёл учун икки юз минг рупий тўлабди-да, уйига олиб кетибди.

Аёл шоҳнинг уйига келгач, бутун молларини-ю, паррандаларини, ҳатто ўзларини ҳам еб битирибди.

## ЎЗ БАХТИНГ

I-

Қадим замонларда бир подшоҳ яшаган бўлиб, унинг еттита қизи бўлган экан. Қуилардан бир қуни отаси қизларидан:

— Она қизларим, сизлар кимнинг бахти билан яшайсизлар?— деб сўрабди.

— Отажон, сизнинг бахтингиз билан яшаймиз,— деб жавоб беришибди қизлар.

Еттинчи қиз эса:

— Ўз бахтим билан яшайман!— дебди.

Отаси қизининг бу гапидан дарғазаб бўлиб, уни уйдан ҳайдаб юборибди.

Қиз ўзга юртларга қараб равона бўлибди ва йўлда бир бой одами учратиб қолибди.

— Кимсан ўзинг?— деб сўрабди йўловчи ундан.

— Мен подшоҳнинг қизиман!— деб жавоб берибди у.

— Урмонда нима қилиб юрибсан, қаёққа кетяпсан?— деб сўрабди бойвачча. Қиз бошидан ўтган воқеаларни батафсил сўзлаб берибди.

— Хўш, энди қаёққа бормоқчисан?— дебди бойвачча.

— Энди мен сен билан кетаман!— дебди қиз.

Бойвачча бундай разм солиб кўрса, қиз анчайин гўзал эмиш. Шундай қилиб, у қизни уйига олиб келибди ва тўй-томоша қилиб уйланибди.

II

Фалакнинг гардиши билан шундай воқеалар бўлибдики, ўша подшоҳнинг ўзи ҳам, олтита қизи ҳам камбағаллашиб қолибди. Шунда шоҳнинг эсига:

— Менинг яна битта қизим бор эди. Ушаникига борай-чи, зора у бирон нарса берса!— деган хаёлга келибди.

Шундан сўнг, шоҳ қизининг уйига келибди. Қизи отасини яхшилаб меҳмон қилибди. Кейин эридан сўрабди:

— Отам кетаётганида нима бериб юборай?

— Нима сўраса бер!— дебди эри.

Отаси уйга кетаётганида қиз унга тилла тегирмон тошни берибди. Отаси хурсанд бўлганча уйга қайтибди ва оиласини бемалол боқа бошлабди.

— Бу қизим жуда ҳам ақлли!— деб ҳаммага мақтаб юрибди ва ўла-ўлгунича қизини дуо қилибди.

## ИНЪОМ ҚИЛИНГАН ШАҲЗОДА

### I

Қадим замонларда бир подшоҳ яшаган бўлиб, унинг еттита хотини бўлган экану, бироқ биронта ҳам фарзанди йўқ экан.

Кунлардан бир куни шоҳ ўз саройидан чиқиб, айланиб юрган экан, йўлда бир дарвешни учратиб қолибди.

— Шоҳим, йўл бўлсин?— деб сўрабди дарвеш.

— Менинг еттита хотиним бор, лекин биронтасидан ҳам фарзандим йўқ!— деб жавоб қилибди шоҳ.

— Яхши! Етти хотинингнинг ҳар биридан биттадан ўғил кўрасан! Лекин ана шу етти ўғлингдан биттаси меники бўлсин!— дебди дарвеш ва шоҳнинг қўлига мева берибди.

Шоҳ мевани олганча хурсанд бўлиб уйга жўнабди. Дарвеш берган мевани олти хотинига берибди-да, еттинчисига бермабди. Еттинчи хотини ўша меванинг пўчоғини топиб олиб ебди.

Етти малика еттита ўғил кўрибди.

Орадан ўн икки йил ўтгач, шоҳнинг олдига дарвеш келибди-да:

— Қани энди ўғлимни бер!— дебди.

Шуида шоҳ ўз хотинларидан:

— Қайси бирингиз ўғлингизни унга берасизлар?— деб сўрабди.

Хотинларнинг биронтаси ҳам рози бўлмабди. Шуида шоҳ уларга:

— Нега рози бўлмайдисизлар? Унда у билан мен кетаман!— дебди.

Бу гапни еттинчи шаҳзода эшитиб қолибди ва онасига қараб:

— Ойижон, отамнинг ўрнига яхшиси, мен бораман!— дебди.

Шоҳ дарвешга ўғлини берибди-да, ённга пичоқ

солиб қўйибди. Дарвеш болани унга олиб кетибди. Уйга келгач, дарвеш унга ўз бойликларини кўрсатибди-ю, фақат битта уйни кўрсатмабди.

Кунлардан бир куни дарвеш бир иш билан уйдан чиқиб кетибди. Уша куни шаҳзода ўша уйни очибди. Қараса, уйнинг ичи тўла суяк эмиш. Бола унинг одамхўр эканлигини тушунибди. Суяклар эса болани кўришлари билан олдинига кулишибди, кейин йирлашибди.

— Нега энди сизлар мени кўришларинг билан кулдиларинг?— деб сўрабди шаҳзода.

— Биз ҳам эдик сендек, сен ҳам бўларсан биздек!— деб жавоб берибди суяклар.

— Агар қутулишнинг бирон-бир чораси бўлса, айтинглари!— дебди шаҳзода.

— Тирик қолишнинг чораси бор,— деб жавоб берибди суяклар. — Дарвеш ҳозир ўтин олиб келди-да, катта гулхан ёқади. Кейин у оловга ёғ солинган қозонни қўяди-да: «Қани қозон атрофини айлан-чи!»— дейди. Шунда сен унга: «Мен гир айланиб юришни билмайман. Олдинда ўқитувчи, кетида ўқувчиси юради!»— дегин. У юриши билан сени унинг калласини уриб ёргин-да, қозонга ташла. Ундан иккита асалари учиб чиқади: биттаси қизил, биттаси қора; қизилини ўлдир, қорасини эса қозонга ташла.

Дарвеш қайтиб келибди-да, ўт ёқиб, ёғ солинган қозонни қўйибди ва шаҳзодага қараб:

— Бўтам! Қозон атрофида юр-чи!— дебди.

— Буважон! Мен гир айланиб юролмайман. Олдинда ўқитувчи, орқасида ўқувчиси юриши керак,— дебди шаҳзода.

Дарвеш унга гир айланиб юришни ўргата бошлабди. Шаҳзода уни пичоқлаб ўлдирибди-да, қозонга ташлабди. Қизил асаларини ўлдириб, қорасини қозонга ташлабди.

## II

У уйга кириб пачақланган қовоқ билан ўлдирмайдиган ичимлик топибди ва уни суякларга сеппибди. Суяклар тирилиб унга аскар бўлишибди. Шаҳзода

у ердаги жамини бойликларни олибди-да, уйига жўнабди. У отасининг шаҳрига яқин кела бошлаганда отаси қўриқиб кетибди ва:

— Менинг тожу тахтимни олиш учун келаётган шоҳ ким бўлдикин?— дебди.

Шунда шаҳзода отаси олдига чопар юборибди ва: «Бу келаётган мен — ўша дэрвешга инъом қилган ўғлингизман!»— дебди.

Шоҳ уни тахтга ўтқазибди. Ўзи эса қариган чоғида дунё кезиб, саёҳат қилибди ва қолган олти ўғлини ўрмонга юборибди.

## ДОНО ҚОЗИ

Бир замонлар икки ака-ука камбағал бўлган экан. Икковлари кунлардан бир кун дунё кезиб, саёҳат қилиб юришган экан, йўлда бир қоп топиб олишибди. Қопнинг ичида олтин билан икки дона ёқут бор экан:

— Орауимга етдим, энди уйга қайтаман!— дебди укаси.

— Мен эса дунё кезиб саёҳат қилавераман!— дебди акаси.

Икковлари топилган ўлжани баб-баравар бўлиб олишибди. Акаси ўз улушини укасига берибдиди-да:

— Уйга боргач, меникини хотинимга бериб қўй!— дебди.

Укаси уйга етиб келибди, бироқ акасининг тегишини келинойисига бермабди.

Орадан уч йил ўтгач, акаси саёҳатдан қайтиб келибди, лекин хотинининг қўлида ёқутни кўрмабди. Шундан сўнг у укасига:

— Ёқут қани?— деб сўрабди.

— Хотинингга бердим!— жавоб қилибди укаси.

— Хотиним, уканг менга ҳеч нарса бергани йўқ, деярти-ку.

— Хотининг ёлғон гапирибди!— дебди укаси.

Акаси бу гапни эшитиб хотинини қисти-бастига ола бошлабди. Шундан сўнг, хотини қозининг олдига борибди-да, ҳамма гапни айтиб берибди.

Қози иккала ама-укани чақирибди-да, укасига қараб:

— Тўғрисини айт, акамга тегишли бойликни хотининга бердингми ё йўқми? Агар берган бўлсанг гувоҳларинг борми?— дебди.

— Иккита гувоҳим бор!— дебди укаси.

— Ундай бўлса чақир уларни, — дебди қози.

Укаси қозининг олдига иккита гувоҳни бошлаб келибди. Уларга озроқ пул берган экан, улар ёлгон гапиршибди. Шунда қози акасига:

— Ёқутни хотинингдан ахтар!— деб ҳуим чиқарибди.

Хотини қозидан бу гапни эшитиши биланоқ шоҳнинг олдига югуриб борибди-да, ҳамма воқеани унга айтиб берибди.

— Нега энди қозига ҳамма гапни айтиб бермадинг?— деб сўрабди шоҳ ундан.

— Мен унинг олдига арз қилиб боргандим, бироқ у тўғри ҳукм чиқармади!— дебди аёл.

Шоҳ иккала ака-укани ҳам, иккита гувоҳни ҳам чақиртириб келибди. Сўнг уларни алоҳида-алоҳида ўтқазибди: уларнинг қўлига мум берибди-да:

— Қани, ёқутнинг шаклини ясанглар-чи!— деб буйруқ берибди.

Икки ака-ука бир хилда ясашибди, иккита гувоҳники эса ҳар хил чиқибди.

— Қани, сен ҳам ясагин-чи!— дебди шоҳ хотинга.

— Умримда ёқутни кўрмаган бўлсам, қандай қилиб ясайман?— дебди аёл.

Шоҳ бу гапни эшитиши биланоқ иккала гувоҳни осишга буюрибди. Шоҳ уларга қараб:

— Агар тўғрисини айтсанглар, ўлдирмайман!— дебди.

Улар кечирим сўраб ёлворибди:

— Икковимиз ҳам ёлгон гапиргандик!

Шундан сўнг, шоҳ укасини савалай кетибди. Укаси шунда:

— Олампаноҳ! Мен катта гуноҳ қилдим! Кечиринг мени!

— Нега тўғрисини айтмаган эдинг?— деб сўраганича яна савалайверибди.

Шундан сўнг ука ёқутни акасига берибди.

## МАНГО ДАРАХТИ КИМНИКИ?

Кунлардан бир куни Кешав исмли деҳқон қозининг олдига келибди-да:

— Жаноби қози! Мен бир туп манго дарахти эккан эдим. Уни кўп йиллар парвариш қилиб ўстиргандим. Худонинг марҳамати билан бу йил ўша эккан дарахтим ҳосилга кирди. Дарахтнинг ҳосилини кўриб қўшним Пемла бу дарахт меники, деб мен билан жанжаллашиб қолди. Сиз ҳақиқат қилиб қўшнимнинг жазосини берарсиз, деган умиддаман!— деб шикоят қилибди.

Қози деҳқоннинг гапларини диққат билан эшитибди-да, бўпти, эртага келасан, деб уни уйига жўнатиб юборибди. Шундан сўнг, қози шу заҳоти Пемла исмли деҳқонни чақиртириб келибди.

— Пемла!— дебди қози,— даладаги анави манго дарахти кимга қарашли? У бу йил яхшигина ҳосил берибди.

— Мўҳтарам қози! Бу дарахт — меники, етти йилдан бери мен унинг тагига сув қуйиб парвариш қилиб келаман. Мана, бу йил ҳосил берганида қўшним Кешав очкўзлик қилиб, дарахт меники, деяпти. Сиз бизнинг мисоли отамиздек одамсиз, ишимизни ҳақиқат қилиб бering.

— Хўп, яхши. Қани, бўлмаса айт-чи, дарахтга ким қараб туради?

— Қамбағалларнинг ҳимоячиси! Биз икковимиз бир бўлиб пойлоқчи ёлладик, ўша қараб туради. Бундан ташқари ўзимиз ҳам вақти-вақти билан бориб хабар олиб турамиз,— дебди.

Қози Пемлага ҳам жавоб бериб юборибди-да, пойлоқчини чақиртирибди.

— Хўш, қани айт-чи, манго дарахтига қараб туриш учун сени ким ёллади?— деб сўрабди қози.

— Қамбағалларнинг пуштипаноҳи! Менинг пойлоқчилик қила бошлаганимга эндигина икки ой бўлди. Мени Кешав билан Пемла ёллади, бироқ уларнинг қайси бири дарахтнинг эгаси эканлигини мен билмайман,— деб жавоб берибди.

Қози уни кечгача ушлаб турибди-да, сўнг дебди:

— Ҳозир тўппа-тўғри Кешавникига борасан, ундан чиқиб Пемланинг олдига борасан-да, икковинга

шундай дейсан: «Дарахтинга ўғрилар нелишди, ҳамма мевасини олиб кетишмоқчи, тезроқ бориб хабар олмасанг, иш чатоқ!»— Яна қози унга: — Менга қара, оғзингга эҳтиёт бўл, бошқа ҳеч нима дея кўрма,— деб тайинлабди.— Мен тайинлаган гапни айтгину уйингга қайт. Текшириш учун иккита одамимни сенга қўшиб юбораман.

Пойлоқчининг юраги ёниб кетибди, азбаройи хурсанд бўлганидан оёғи ерга тегмай чопибди. Қози мени нима қиларкин деб, бечорани кўни бўйи ваҳима босибди.

Қози пойлоқчига ўзининг иккита солдатини қўшибди-да: «Қани, зимдан кузатиб туринглари-чи, Кешав билан Пемлага нима деркин? Сўнг улар пойлоқчининг гапига қандай жавоб беришаркин? Ҳаммасини менга келиб айтасизлар», деб тайинлабди.

Энг олдин учовлари тўғри Кешавнинг уйига боришибди, бироқ у уйда йўқ экан. Шундан сўнг, пойлоқчи унинг хотинини чақирибди-да:

— Кешав келиши билан айт: «Манго дарахтга қароқчилар келишди, ҳамма ҳосилини олиб кетишмоқчи, тезда бориб асраб қолсин»,— деб тайинлабди.

— Хўп, айтаман,— дебди Кешавнинг хотини.

Солдатнинг бири Кешавнинг уйи олдида бекитиб турибди.

Пойлоқчи Пемланинг уйига борибди, бироқ у қам уйда йўқ экан. Пойлоқчи унинг хотинига ҳам ҳамма гапни тайинлабди-да, уйига жўнабди.

Солдатнинг иккинчиси аста билдирмай тепага чиқибди-да, Пемлани кута бошлабди.

Орадан кўп ўтмай Кешав келибди. Хотини шу заҳоти унга пойлоқчи айтиб кетган гапларни айтибди.

— Шу дарахт ҳам бошимга битган бало бўлди-да, — дебди жаҳли чиқиб Кешав.— Мени неча пулик ишим бор? Нима, меникимидики жоним ачиса? Атайлаб қўшним билан жанжал чиқаргандим. Омадим келиб ютиб чиқсам чиқарман, бўлмаса йўқ! Менга энди шу ярим кечада ҳаллослаб бориб ўғрилари билан арзимаган дарахт учун уришиш зария келибдими?

Бу гапларни эшитиб турган солдат, оқизмай-томизмай бориб айтиш учун қозипинг олдига югурибди. Бу ўртада Пемла ҳам уйига қайтибди. Пемла остонага

энди оёқ қўйиши билан хотини унга пойлоқчининг гапни етказибди. Пемла милтиқни олганча далага югурибди. Хотини унга овқатингни еб олсанг-чи, деса ҳам қулоқ солмабди.

— Мен бу ерда овқат еб ўтиргунимча, ўғрилар мевани шилиб кетишади-ку, ахир етти йилдан бери парварнш қиламан-а,— дебди хотинига.— Йўқ, тезроқ борай, овқатланиш қочмас.

Пемла ҳатто ташқари қоронғи эканлигига парво ҳам қилмай манго дарахти томон чопибди.

Иккинчи солдат беркиниб олган еридан чиқибди-да, қозининг олдига шошнлибди. Иккала солдат ҳам эшитганларини рўй-рост қозинга айтиб беришибди.

Эртаси куни иккала деҳқон ҳам қозининг олдига келишибди.

— Биродарлар, мен сизларнинг ишларингизни текшириб чиқдим ва икковингиз ҳам дарахт эгаси эканлигингизни билдим. Мен шундай қарорга келдим: ҳосилни териб олинглар-да баб-баравар бўлиб олинглар, кейин эса дарахтни таги билан кесиб уни ҳам бўлиб олинглар. Қани, энди боринглар. Худди мен айтгандек қилинглар,— дебди қози.

Кешав бундай ҳукмдан жуда хурсанд бўлибди, бироқ Пемланинг эса ранги ўзгариб кетибди.

— Эҳ, жаноблари!— дебди у маънос тортиб, — наҳотки шундай қилсангиз! Ахир дарахтнинг мевалари ҳали ёр, мутлақо пишмаган, увол қилишининг нима кераги бор? Борди-ю, агар сизнинг хоҳишингиз шундай бўлса, майли, Кешавга бера қолинг, фақат илтимос, дарахтни бекордан-бекорга кесиб нобуд қилманг...

Пемла шундан бўлак ҳеч нарса деёлмай, томонга бир нима тикилгандек бўлибди.

Шу пайт қози солдатларига, қани Кешавни саваланглар, деб имо қилибди. Кешав эса қўрқиб кетганидан:

— Жаноб қози! Урманглар мени, дарахт меники эмас, Пемланики,— дея ялина бошлабди.

Кешав айбини бўйнига олибди. Қозинга эса айни шунинг ўзи керак экан. Шундан сўнг қози: дарахт Пемлага қарашли, деган ҳукм чиқарибди. Кешавга эса қилмишига яраша жазо беринглар, дебди.

## КУЕВ

Қадим замонларда бир чолнинг Сангба исмли қизи бўлган экан. У ниҳоятда гўзал бўлгани учун душторлари ҳам кўп экан. Лекин Сангбанинг қўлини сўраб келган куёвларга отаси: «Кимда-ким тирик кийикни ушлаб олиб келса, қизимни ўшанга бераман», дея жавоб қиларкан. Келган куёвларнинг айримлари бу шартни эшитиб шу эвқотиёқ қўлларини силтаб кетишаркан, айримлари эса кийик ушлагани йўл олишаркан. Ҳатто эпчил ва чаққон овчилар ҳам бу ишни баъзан уддасидан чиқолмай қуруқ қайтишаркан.

Кунлардан бир куни чолнинг уйига икки оғайни, иккита ўспирин узоқ қишлоқдан келишибди ва:

— Биз Сангба исмли қизи бор кишини йўқлаб келдик, — дейишибди.

Чол эшикдан чиқибди-да, меҳмонлар билан саломлашибди.

— Сангбанинг отаси мен бўламан, — дебди у. — Хўш, хизмат?

Шунда Нила исмли ўспирин йигит:

— Мен қизингизнинг қўлини сўраб келдим, — дебди.

Ўспирин йигитнинг иккинчиси ҳам — унинг исми Сефу экан — худди шу гапни айтибди.

Шунда чол уларга:

— Қизим битта. Ахир, сиз икки киши келибсизлар-ку. Мен қизимни қайси бирларингиз тирик кийик ушлаб келсангиз, ўшанга бераман, — дебди.

Йигитлар кийик қидириб, ўрмонга қараб йўл олишибди. Кўп ўтмай улар бир изни учратишибди, кейин эса кийикни кўриб қолишибди ва орқасидан қувишга тушибди.

Сефу дўсти Ниладек жуда ҳам тез югуролмас экан, шунинг учун кўп ўтмай дўстидан орқада қолиб кетибди ва қаллослаганича ҳолдан тойиб, дарахт тагига ўтирибди.

«Менга кераги йўқ, — дебди у ўзига-ўзи. — Бир аёл учун кийик қувлаш менга зарил келибдими? Жонимни қийнаб битта Сангба деб ўзимни ўзим ўлдирайми? Дунёда аёл зоти қуриб кетибдими, у бўлмаса ундан берироғи топилиб қолар. Умуман, бу

тирик кийикни ушлаб келсанг қизимни бераман, дегани нимаси? Сира бунақанги гапни эшитмаган эдим. Шу ерда қолиб дўстим Нилани кутаман»,— дебди-да, уйкуга кетибди.

Бир пайт Сефу уйғонибди-ю, дўсти Нилани кўрибди. Нила хурсанд ҳолда оёқ-қўли боғлиқ тирик кийикни елкасига олганича бақириб келаётганмиш:

— Мана, чол айтган тирик кийик! Ахийри уни ушладим, чулки Сангба менга жуда ёқиб қолди.

Икковни чолга кийикни олиб келишибди. Чол эса кийикни сўйишга ва йигитчалар учун овқат пиширишга буюрибди. Кийик тайёр бўлгач, чол иккала йигитга қараб:

— Қани, гўштан олинглар, оғайнилар. Марҳамат, енглар. Тўйни кейин маслаҳат қиламиз, — дебди.

Овқатланиб бўлишгач, чол қишлоқ оқсоқолларини маслаҳатга чақирибди ва уларга мурожаат қилиб дебди:

— Ҳаммаларинг биласизларки, пешанамда яккаю ёлғиз Сангба қизим бор. У мен учун ҳаётимдан ҳам ортиқ. Эндиликда мен куёв танлашм керак. Куёв бўлмиш олижаноб, оқ кўнгил, ажойиб одам бўлиши керак. Манави йигитлар олдимга келиб қизимнинг қўлини сўрашди. Аввалига мен уларга кийик ушлаб келинглар, дедим. Икковлари бир кийикни олиб келишди. Нима учун битталари кийиксиз қайтиб келди? Оқсоқоллар, бу жумбоқни ечишни сизларга ташлайман. Икковидан қайси бири менга куёв бўлишини ўзларинг ҳал қилинглар.

Оқсоқоллар йигитларга мурожаат қилишибди:

— Бу ерга икковингиз бирга келиб, икковингиз Сангбанинг қўлини сўрабсизлар,— дейишибди улар.— Бироқ кийикни икковингиздан бирингиз ушлагансиз. Нега энди иккинчингиз кийиксиз қайтдингиз?

Биринчи бўлиб Нила жавоб берибди:

— Биз ўрмонга келдик,— дебди у,— ва кийик ахтара бошладик. Уни топгач, икковимиз қувиб кетдик. Дўстим Сефу йўлда қолиб кетди. Мен Сангбага ошнқи беқарор бўлиб қолганим учун кийикни ушламагунимча қувиб кетавердим. Охири уни ушлаб оёқ-қўлини боғладим-да, орқамга қайтдим. Сўнг мен

дўстимни учратдим. У ниҳоятда чарчаб, мени кутиб ўтирган экан, ҳамроҳ бўлиб қайтди.

Шундан сўнг, Сефу гап бошлабди:

— Шу пайтгача мен қиёга унашиш учун тирик кийик керак бўлишини сира эшнтмагандим. Лекин шундай бўлса-да, мен дўстим билан бирга балки омадим келса, ушлаб оларман, деган хаёлда ахтариб кетдим. Бироқ у шунақанги чопқир эканки, мени тилим осилиб қолди. Шунда мен ўзимни ўзим қийнаб нима қиламан? Дунёда аёл зоти кўп, Сангба бўлмаса бошқаси бўлар, деб ўйладим-да, дўстим билан бирга қайтиш учун бир дарахт тагида уни кутиб ўтирдим. Кўп ўтмай уни кийик ушлаб келганини кўрдим ва бу ерга шунчаки унга ҳамроҳ бўлиб келдим. Мен қизингизнинг қўлини сўрамоқчи эмасман,— дебди у.

Оқсоқоллар маслаҳат қилишиб, охири шундай қарорга келишибди:

— Сен, Сефу, кийикнинг орқасидан қувмаганинг учун ҳам, бизга куёв бўласан, Нила кийикни ушлабди, у ниҳоятда айтганида турадиган бир сўзли қайсар одам. Агар у битта-яримтани ўлдирмоқчи бўлса, то ўз ишини қилмагунича уни бу йўлдан сира ҳам қайтариб бўлмайди. У таъналарга ҳам, маслаҳатга ҳам қулоқ солмайди. Агар биз унга қизимизни бергудек бўлсак ва у унинг кўнглидагидек иш тутмай қолса борми, албатта уни ўлдиради. Ҳеч кимнинг ўртага тушганига қулоқ солмайди. Шунинг учун биз уни куёв қилолмаймиз. Сефунинг эса йўриғи бошқа. У тақдирнинг иноятига тан берадиган одам. Борди-ю, у агар қизимиз билан уришиб қолгудек бўлса, гапимизга қулоқ солади. У ҳар қандай дарғазаб бўлган пайтида ҳам, ўзини-ўзи ушлай билади. У оқкўнгил ва олижаноб. У бизнинг куёвимиз.

## ШАЙТОН

Қадим замонларда Бхутава деган бир жойда мурдаларни куйдиришар экан. У ерда иккита арвоҳ яшаркан. Бирининг исми Карал, иккинчисники эса Мегхапрабхо экан. Иккала арвоҳ доим бир-бири би-

лан кимнинг хотини яхши деб баҳслашгани-баҳслашган экан. Кунлардан бир кун улар ўз хотинлари билан сайр қилиб юришган экан, шайтонни учратиб қолшибди. Улар шайтонни маҳкам ушлаб олишибди-да: «Ана шу икки аёлдан қайси бири чиройли?»— деб сўрашибди. «Агар нотўрри жавоб қилсанг, ўлдирамиз», — дейишибди. Аёлларнинг иккови эса ўтакетган бадбашара, жодугарга ўхшаш, қари экан. Агар эрларига тўғриси айтсам, мени ейишлари турган гап. Нима десам экан, деб шайтоннинг роса боши қотибди. Охири у:

«Ҳар ким учун дунёда ўз севгилисдан гўзали йўқ, унинг олдига ҳеч ким тушолмайди»,— деб жавоб қилибди.

Шундан сўнг, улар шайтонни қўйиб юборишган экан.

### ҚИЛМИШ — ҚИДИРМИШ

Қадим замонларда бир шаҳарда Надука исмли савдогар яшаган экан. У бор бисотини еб-ичиб бўлгач, бошқа шаҳарларга саёҳат қилмоқчи бўлиб қолибди. Уйда эса бобокалонларидан мерос бўлиб қолган зил-замбил бир тарози бор экан. У ана шу тарозини савдогарлар бошлигига омонатга қолдирибди-да, йўлга тушибди. У бир қанча вақт ўзга юртларда саёҳат қилиб юриб, яна ўз юртига қайтиб келибди-да, савдогарлар бошлигига: «Жаноблари, омонатга қолдириб кетган тарозимни берсангиз», дебди. Шунда бошлиқ: «Оҳ, Надука! Тарозингнинг сичқонлар кемриб кетибди», деб жавоб қилибди. Бу гапни эшитган Надука: «Сичқонлар еб кетгани учун сен айбдор эмассан. Буни ҳаёт дейдилар. Бу дунёда ҳеч нарса абадий эмас. Бироқ мен дарёга бориб бир таҳорат қилиб келаман. Мен билан бирга Дханадева исмли ўғлингни қўшиб юборсанг, уст-бошларимни кўтаришиб борса», дебди. Бошлиқ эса ўзининг қилиб қўйган ишдан безовта бўлибди-да, ўғли Дханадевага: «Уғлим! Надука, сенинг ота-ининг укаси, дарёга таҳорат қилгани боради. Унинг нарсаларини кўтаришиб бирга боргин», дебди.

Уғли хурсанд бўлибди-да, Надука билан бирга нарсаларини кўтариб дарёга борибди. Надука эса

дарёда ювнииб бўлгач, бошлиқнинг ўрлини баландликдаги бир рорга ўтқазиб қўйиб, орзига катта харсанг тош бостириб қўйибди-да, бошлиқнинг уйига қайтиб келибди. Шунда бошлиқ ундан: «Эй, Надука, ўглим қаерда қолди?»— деб сўрабди. «Оҳ, бошлиқ жаноблари, ўрлингни дарё қирғоридан лочин кўтариб кетди», дебди Надука. Шунда бошлиқ: «Эй, алдоқчи Надука! Қап-катта болани лочин қандай қилиб олиб кетади?»— дебди. «Эй, жаноблари, наҳотки темирдан қиянган тарозини сичқон еб кетса?!»— деб жавоб берибди Надука. «Агар ўрлинги керак бўлса, яхшиликча тарозини қайтариб бер». Икковлари бақслаша-бақслаша қаср дарвозаси олдига келиб қолишибди. Шунда бошлиқ баланд овоз билан: «Эй! Хиёнат, хиёнат, юз берди! Ўрлинни Надука ўғирлаб кетди», деб бақирибди. Шунда қозилар туриб Надукага: «Эй бола, бошлиқнинг ўрлини қайтариб бер», дебди. Бунга жавобан Надука: «Нима қилай ахир? Қўз олдимда лочин уни дарё қирғоридан олиб кетди». «Эй, Надука, нотўғри гапиряпсан. Ун беш ёшлик болани лочин қандай кўтара олади?»— деган овоз келибди гоийбдан. Шунда Надука кулиб: «Менинг гапимни эшитинглар:

— Қаердаки кичкинагина сичқон темирдан қиянган оғир тарозини еса, уша ерда лочин бола у ёқда турсин, филни ҳам кўтариб олиб кетади», дебди.

Надука уларга тароз воқеасини айтиб берибди. Улар бу гапни эшитгач, кулиша-кулиша бирларига тарозини, иккинчиларига эса — болани қайтиб беришибди.

## ОЙНАДАГИ АКСИ

Қадим замонларда Деҳлида бир бойвачча яшаган экан, у ниҳоятда аҳмоқ экан. Доим одамларни майна қилиб, қийнаб экан. Кўнглига келган бемаза ишларни зимдан қиларкан-да, кейин яна ҳеч нима кўрмагандек ўзини кўнгли очик киши қилиб кўрсатаркан. Қозининг қўлига тушиб қолишдан кўрқаркан-да.

Куллардан бир куни унинг миясига янги бир бе-

маза қилиқ келибди. У бир рассомни чақрибди-да: «Менинг расмимни чизиб бер, бироқ айнан ўзимға ўхшаган бўлсин, бўлмаса бир тийин ҳам тўламайман»,— дебди. Икковлари рассом билан шартлашиб қоғозга қўл қўйишибди. Рассом уйига келиб, диққат билан бойваччанинг расмни чизишга киришибди. Иш тайёр бўлгач, бойвачча олдига олиб борибди. Бойваччанинг хизматкорлари унга рассомнинг келганини айтишибди. Бойвачча ўз афтини жуда усталик билан ўзгартирибди-да, сўнг олдига чиқибди. Рассом бечора унинг афтини кўриб ҳанг-манг бўлиб қолибди ва бир нималар деб минғирлаганича, расмингизни бошқатдан чизиб келаман, деб орқасига қайтибди.

Рассом уйга келиб янгитдан бойваччанинг расмини чизибди-да, бойваччага олиб келибди. Бойвачча эса бу сафар ҳам ўша ҳазилидан қилиб, афтини ўзгартирибди. Бечора рассом шу алпозда унинг расмини беш мартаба бошқатдан чизибди. Охири рассом алданаётганини тушунибди-да, меҳнатига ҳақ талаб қилибди. Бойвачча бўлса:

— Сен менинг расмимни ўхшатиб чизолмадингку, қанақасига ҳақ тўлай? Одамларни лақиллатиб, рассомман деб юрибсанми ҳали. Қани, яхшиликча жунаб қол бу ердан, бўлмаса кўрсатиб қўяман,— деб роса сўкибди.

Рассом эса гапида туриб олибди.

Икковлари талай вақтгача баҳслашиб, сўкишибди, лекин бечора рассомнинг қўлидан ҳеч нима келмабди. Охири у ёрдам сўраб қозига борибди.

У қозининг олдига бориб бўлган воқеани батафсил айтиб берибди ва бешта чизган расмни кўрсатибди. Қози дарҳол бойваччанинг ҳийласини тушунибди.

— Менга қара, ҳақиқат сенинг тарафингда, сўзсиз ютасан,— деб қози рассомни хотиржам қилибди.

Рассомнинг кўнгли анча таскин топибди.

— Бозордан яхши ойна сотиб олиб, бойваччанинг олдига боргин. Сенга гувоҳ сифатида менинг иккита нозирим боради, бироқ уларнинг кимлигини ҳеч ким билмаслиги керак. Сен унга: «Бу сафар энди расмингизни айнан ўзини чиздим», деб айтасан. Бойвачча ўз расмини кўрмоқчи бўлганида, олдига ойна-

ни қўясан. Қани, шунда ҳам афтини ўзгартириб кўрсин-чи. Барибир ойнада айнан акси кўрнаваради ва қўлга тушади.

Рассом бозорга бориб қалин ойна сотиб олибди-да, иккита гувоҳ билан бирга бойваччанинг уйига келибди.

— Жаноблари, бу сафар энди расмингиз ўзингизга ўхшади. Ишонаманки, ўзингиз ҳам мамнун бўласиз,— дебди рассом ва ойнани олиб бойваччанинг олдига қўйибди.

— Шу ҳам расм бўлдики! — деб бақирибди бойвачча.— Нега энди менга ойнани тиқиштиряпсан? Қани, мақтаётган расмингни кўрсат.

— Жаноблари, ахир, бу сизнинг аксингиз, бу ерда сиз аслида қандай бўлсангиз айни ўзи,— дебди рассом.

Бойвачча қушёр тортибди ва сир бой бермай:

— Ҳа, мен сенга ўз расминни қачон буюртган эдим?— дебди.

— Нега энди сўзингиздан қайтыпси? Мен сизнинг талабингизга кўра бир эмас, беш марта чиздим. Сиз бўлсангиз, ҳар сафар менинг олдимга похол солиб, ўз гапингиздан қайтдингиз. Мана энди, мен қар қалай деворга сиқиб қўйдим. Энди сиз янги ҳийлани ишга солиб, шартномадан қайтмоқчи бўляпсиз. Йўқ, энди иш чиқмайди. Шартимизни бажаришингизга тўғри келади.

«Ҳар қалай уни лақиллатиб, аҳмоқ қилиш керак»,— деб ўйлабди бойвачча ва ҳамма гапларидан қайтибди.

Шу пайт бу ишга қозининг одамлари аралашибди.

— Жаноблари, энди яхшиликча олдимизга тушиб, қозининг олдига боришга тўғри келади. Сиз бу одамни олти маротаба қайта-қайта расмингизни чизишга мажбур этиб биронтасига ҳам ҳақ тўламабсиз. Энди товламачилигингиз тугади.

— Хўш, сайроқи қушлар, сизлар ким бўлаенз ўзи?— жаҳл билан дебди бойвачча.— Қимсиз ўзи, мени қозининг олдига сургайдиган?

Қозининг одамлари устларидаги плашчларини очган эканлар, бойвачча уларнинг мартабали кийимларини кўрибди. Шундан сўнг, унинг эс-ҳуши жойига

қелибди ва ноилож рассомнинг ҳақини тўлашга рози бўлибди.

Бироқ иш анча газак олиб кетган экан, шунинг учун миршаблар уни ушлаб қозининг олдига олиб боришибди.

Қози бу товламачи бойвачча ҳақида жуда кўп эшитган экан. У бойваччани сўроқ қила бошлабди, бироқ у саволларга тайинли биронта жавоб бермабди.

Энди нимани ҳам гапирар эди? Қандай қилиб ўзини-ўзи оқлай олеин? Қумдан девор қуриб бўладими, ахир?

Сўроқ пайтида миршаблар ҳам бор экан. Қози уларга қараб: «Қани, бойваччани дарра билан бир саваланглар-чи»,— дебди... Улар даррани кўтарганларича олдинга қадам ташлашибди. Бойвачча даррани кўриши биланоқ эс-ҳуши жойига келиб ҳамма айбини бўйнига олибди. Қози унинг қилмишига яраша жазо бериб авахтага жўнатибди.

## О Д А Т

Қадим брахманлар қишлоғида бир Кешава исмли брахман яшаган экан. Қуллардан бир куни у чўмилгани борибди. Шунда у кўл бўйида гўзал бир аёлни учратиб қолибди. У савдогарнинг қизи экан. Кешава у билан танишмоқчи бўлибди. Бир куни у чўмилиб энди сувдан чиққан экан, аёл унга: «Бошимга анови кўзачани қўйиб юбор», дебди. У кўзачани унинг бошига қўя туриб, чўлп этиб лабидан ўлиб олибди. Бу воқеани унинг эри кўриб қолибди ва уни ушлаб подшоҳнинг олдига олиб борибди. Бечора брахман энди қандай қутулдийкин? Мана, масала....

Брахмanning Витарка деган дўсти бор экан. Витарка дўстининг олдига келибди-да: «Дўстим, подшоҳнинг саройига борганинда, ҳадеб лабингни тамшанавер, лекни ҳеч нима гапира кўрма», деб шивирлабди қулогига. Брахман худди дўсти айтганидек қилибди. Шунда подшоҳ туриб: «Бу одам ҳеч қандай жиноят қилгани йўқ. Бу унинг тугма одати», дебди. Брахман дўсти Витарканинг берган доно маслаҳати билан жонини омон сақлаб қолган экан.

## БИРБОЛ УСТИДАН СУД

Кунлардан бир куни Бирбол подшоҳ билан бўлган суҳбатда шундай дебди:

— Олампаноҳ! Борди-ю, агар мен бирон-бир айб қилиб қўйсам, майли, ўзим тайинлаган одамлар мени суд қилишсин.

Подшоҳ рози бўлибди.

Подшоҳнинг гапига қаттиқ ишонган вазир ҳам бундан беҳад хурсанд бўлибди.

Орадан кўп ўтмай подшоҳ негадир Бирболдан жаҳли чиқиб қолибди. У вазирнинг таъзирини бериб қўймоқчи бўлиб, бир неча минг рупий жарима солибди. Бирбол подшоҳнинг фикрини фаҳмлабди-да, ҳаммасини пишиқ ўйлаб чиқибди.

Подшоҳ Бирболни судга чақирибди.

— Бирбол! Сен яхши иш қилмадинг, сенинг бу ишнинг учун жазо берилади — пул жаримаси.

Бирбол гап қайтармай айбини бўйнига олибди.

— Уз айбингни бўйнингга олганингдан кейин, мен энди сени жазоламай қололмайман,— дебди шоҳ.

— Олампаноҳ! Сиз мени жазолай олмайсиз,— деб эслатибди Бирбол.— Менинг ўзим белгилаган судьяни чақиритишга тўғри келади.

— Майли. Қишлоқ оқсоқолларини танила, мен ўшаларга сени суд қилишни айтаман. Улар қандай ҳукм чиқармасинлар, мен олдиндан розиман.

— Менинг судьяларим қишлоқнинг энг оддий фуқаролари бўлади. Улар қандай жазога лойиқ топсалар, ғинг демайман,— дебди Бирбол.

Подшоҳ ҳайрон бўлибди.

— Қанақасига?! Зоти паст одамлар қанақасига суд қилишсин?! Нега энди сен судхўрлар, савдогарларни танламайсан?!

Бироқ Бирбол, мени оддий одамлар суд қилишсин, деб айтган гапда туриб олибди.

Саройга оддий фуқаро халқни чақиритибди, бешта қишлоқдан бешта оқсоқолни ҳам чақиритибди. Подшоҳ уларга Бирболнинг айбини тушунтиргач, суд қилишларини буюрибди. Бечоралар ўзларига билдирилган бунақанги олижанобликни сира кутишмаган экан, бениҳоят севиниб кетибдилар.

Судьялар ўзаро маслаҳат қилишибди.

— Хўш, оғайнилар,— дебди улардан бири,— Бирбол донм бизни кўнгли хоқлаганича эзиб-янчиб келади. Мана энди қўлимизга тушди. Эндиликда уни шундай қилиш керакки, ўла-ўлгунича эсидан чиқмасин.

— Уни етти йигирматалигу битта ўнталик тўлашга ҳукм қиламиз,— дебди бошқаси.

— Жуда ҳам қаттиқ кетдинг!— дебди бошқаси.— Ахир, бумақада тамоман хонавайрон бўлади-ку. Яхшиси, озод қилиб юборайлик. Болаларнинг уволига қоламиз. Менимча, бешта йигирматаликнинг ўзи кифоя.

— Ия! Ҳали раҳминг келгани шуми!— дебди ҳайрон бўлиб судьяларнинг яна бошқаси.— Узингча буни ҳали кам деб ўйлаяпсанми?! Шунча пулни бу бечора қаёқдан олсин? Учта йигирматаликнинг ўзи ҳам етиб ортади. Ҳамонки сизлар рози эмас экансизлар, яна ўнтасини олиб ташлайлик.

— Мен сизларнинг гапингизга қўшила олмайман. Иложи борича камайтириш керак,— дебди тўртинчи судья.

Бешинчи судья ҳам тўртинчининг гапига қўшнилибди. Баҳслаша-баҳслаша охири шундай қарорга келишибди: майли, бўлар иш бўлибди, энди Бирбол иккита йигирматалигу устига битта ўнталик тўлаб қўя қолсин.

Шундан сўнг судьяларнинг каттаси қўлларини қовуштирганча:

— Камбағалларнинг пушти паноҳи! Бизлар жуда кўп ўйладик, бир-биримиз билан маслаҳат қилдик ва бир овоздан бу ишни ҳал этдик. Агар ижозат берсангиз, унда ҳукми ўқиб эшиттираман,— дебди таъзим қилиб.

Подшоҳ ҳукми ўқишга ижозат берибди.

— Бизнинг пушти паноҳимиз! Муҳтарам вазирнинг айби бениҳоят катта, қилмишига яраша жазо ҳам оғир бўлмоғи даркор. Биз унга шундай жазо берамизки, бутун умр эсидан чиқмайдиган бўлсин! Иккита йигирматалигу яна устига битта ўнталик. Тўлов муддати — бир ҳафта. Бирбол уни уддасидан чиққунинча роса қийналади.

Подшоҳ ичида Бирболнинг ақл-заковатига ва найрангига қўйил қолибди. У судьяларга жавоб бе-

риб юборибди-да, Бирболнинг олдига келибди. Унга тикилиб турибди-да, сўнг бирдан хахолаб кулиб юборибди. Ғазаби тарқабди: «Бор-йўқ солишган жарималари — эллик рупий — олсанг-олмасанг барибир», деб ўйлабди подшоҳ ва Бирболни кечирибди.

Подшоҳнинг кўз олдида вазирнинг гуноҳи жуда катта бўлса-да, бунақанги пуллар иккови учун ҳам арзимаган иш. Бечора фуқаролар эса минг-мингга санашини ҳам билмайдилар. Фуқаро шўрлик белини букиб қанча меҳнат қилмасин, бир йилда қирқ-эллик рупийдан ортиқ тополайди. Даромадларига яраша ҳисоб-китоб қилишади. Бирбол ўзига уларни судья қилиб белгиланганда худди шуларни ўйлаган экан-да.

### СУДЬЯ ВА БУРИЛАР

Кунлардан бир кун бир йигит билан темирчи сигир сотиб олишибди. Улар сигирнинг пулини тўлаб бўйнига арқон боғлашибди-да, уйларига олиб келишибди. Йўлда келаётганларида қоронғи тушиб, кеч бўлиб қолибди. Улар катта бир қишлоқ ўртасидан келишаётган экан. «Тунни қаерда ўтказсак экан? Шу ерда битта-яримтанинг айвонида ётсак ҳам майли эди», деб ўйлашибди. Иккови шу хаёл билан кела туриб олди айвонли бир уйни кўриб қолишибди. Иккови шу ерга кирибди-да:

— Менга қара, хўжайин. Бир кечага шу айвонда тунаб кетсак,— дейишибди.

— Майли,— дебди уй эгаси.— Ахир, бир кеча минг кеча бўлмас, бемалол кираверинглар.

Шу гап билан иккови шу ерда тунайдиган бўлишибди. Иккови ўтириб овқатланишибди-да, сигирни боғлаб, айвонда ётишибди. Энди ухлашлари билан уй эгаси сигирни ечиб молхонага олиб кирибди-да, ўрнига ўзининг қари, ориқ-тириқ сигирини боғлаб қўйибди ва ҳеч нима кўрмагандек уйга кириб ухлабди. Эрталаб йигит билан темирчи уйғониб қараса, сигирлари бошқа бўлиб қолганмиш. Иккови уй эгасига:

— Менга қаранг, отажон, мабодо сигиримизни алмаштириб қўймадингизми? Бу сигир бизники эмас-ку. Бизникини олиб, ўрнига буни боғлаб қўйибсиз-да,— дейишибди.

— Ҳа, йўқ, ана шу сизларники,— дебди уй эгаси.— Ахир, кеча шу ерга боғлаганларингний ўзим кўрдим-ку.

— Бекор гап,— дейишибди улар.— Ҳув ана бизнинг сизларники, молхонага олиб кириб қўйибсиз-ку.

— Йўқ. У сизлар меники. Нега энди мен уни сизларга берарканман? Қани, сизларнинг олингларида, теъда туёқларингний шиқиллатиб қолинглар,— дебди чол.

Учовлари роса баҳслашибди ва охири уй эгаси:

— Йўқ, бунақада сира ҳам гапимиз тугамайди. Яхшиси, мен халойиқни чақирай, ушалар ҳал қилиб беришсин,— дебди у.

Уй эгаси тўппа-тўғри қишлоқ оқсоқолининг олди-га борибди, кейин бошқа мўътабар одамлар ҳам йигилибди. Чол уларга:

— Менинг қўлимга бир йўловчининг сизларни тушиб қолди. Мен уни олиб, ўрнига қари сизларни боғлаб қўйдим. Мен бу гапни сизларга айтганман. Бир илож қилиб ишни менинг фойдамга ҳал қилинглар, сизларни хурсанд қиламан,— дебди.

— Ҳўш, қанча берасан?— деб сўрабди улардан бир.

— Агар иш ўнгидан келса, беш рупий бераман.

— Майли,— дейишибди улар.

Уй эгаси гапни пишитиб уларни қўлга олгач, уйига келибди. Суд қилувчилар йигит билан темирчини айблаб, сизларнинг ўзи қари эди, шуни олиб кетаверинглари, деб ҳукм чиқаришибди. Шунда йигит уларга қараб:

— Нима қиляпсизлар, муҳтарам оқсоқоллар. Нима, ҳаммагизнинг тилингиз бирми, ҳали. Биз сизнинг ҳукмингизга рози эмасмиз. Ҳақиқат қилмадинглар. Шошманглари, битта-яримта рост гапни айтадиган одам топиб келишимизга ижозат беринглари,— дебди.

— Майли, олиб келавер,— дейишибди улар.

Ўзларича эса: «Бу икковни бу ерда бегона. Бориники, тўғриси айтадиган битта-яримтани топиб келишди ҳам дейлик. Ахир, ўша одам ҳам бегона бўлмай шу қишлоқнинг одами бўлади-ку. Биз ўзимиз яхшилаб адабини бериб қўямиз», деб ўйлашибди. Шунинг учун ҳам улар: «Майли, олиб келавер», дейишган эди.

Шундан сўнг йигит ҳамроҳига қарабди-да:

— Менга қара, дўстим,— дебди у.— Сен шу ерда қолиб, сигирнимизга қараб тур. Мен қишлоққа бориб битта ёки иккита одам олиб келаман.

Йигит шундай деб йўлга тушибди. Катта йўлга чиқмай тўппа-тўғри олисдан кўриниб турган қишлоққа йўл солибди. Ҳаш-паш дегунча қишлоқни кўздан йўқотиб қўйибди. Теварак-атроф қалин чакалакзор экан, шу ерда адашиб қолибди. Бирдан у чакалакзор орасида иккита бўрини кўриб қолибди. Бўрилар ўз иши билан қаёққадир чопиб кетишаётган экан.

— Эй, менга қарацглар! Тўхтацглар! Тўхтацглар!— деб бақирибди йигит.— Мен айни сизларни қидириб юрувдим.

Бўрилар тўхташибди ва:

— Нега энди бизни қидириб юрибсан?— деб сўрашибди.

Шунда йигит бўлган воқеани уларга батафсил гапириб берибди.

— Мен стимчаман, — дебди у. — Онам менга ҳомиладор пайтидаёқ отам ўлиб кетган. Отамдан қолган бутун меросни тогаларим олиб кетишди. Бу етмагандек онамни анча хўрлашди, ерларимизни ҳам тортиб олишди. Эндиликда пешана тери билан озроқ пул жамгашиб, сигир сотиб олиб уйга олиб кетаётгандим, қоронги бўлиб қолганидан бир одамнинг айвонида тунаб қолншга тўғри келди. Ҳув анави бозор олдидаги қишлоқда. То шеригим билан ухлаб тургунимча уй эгаси сигиримни алмаштириб, ўрнига қари сигирни боглаб қўйибди. Эрталаб қарайманки, сигир меники эмас — меники молхонада боғлоқ турибди. Шунда мен унга: «Менга қаранг, отажон, ахир, бу сигир меники эмас, ҳув анави меники»,— дедим. У бўлса: «Ҳечам-да, кеча олиб келган сигиринг худди шу бўлади. Нега энди мен сенга ўзимникини берарканман?»— деди. Икковимиз жанжаллашиб қолдик. У бориб қишлоқ оқсоқолларини айтиб келди. Улар келиб ишни кўришди-да, унинг фойдасига ҳал қилишди. Мен эса уларнинг ҳукмига рози бўлмадим. Мен бешовларига ҳам: «Майли, муҳтарам оқсоқоллар, мен сизларнинг ҳукмингизга рози эмасман. Шошиланглар, мен бориб битта-яримта ёнмни оладиган одам топиб келишимга ижозат бeringлар», дедим.

Шундан сўнг, битта-яримтани топиб келиш учун ахтариб кетдим ва сизларни учратдим. Илтимос, юринглар мен билан, бизнинг ишимизни бир ёқлик қилиб беринглар.

Шунда бўрилар ундан:

— Мабодо қишлоқдан келганлар пора олишгани йўқми?— деб сўрашибди.

— Билмадим,— дебди йигит.— Кўзим билан кўрганам йўқ.

— Хўп, майли,— дейишибди бўрилар.— Юр, бўлмасам. Ишингни ҳал қилишга уриниб кўрамиз. Сенки бизга суяниб ишондингми, биз ҳақиқат қиламиз.

Йўлда кела туриб, бўрилар йигитга шундай дейишибди:

— Биз қишлоққа бормаимиз — итлар бизни гажиб ташлайди. Яхшиси, қишлоқнинг орқасида бирон-бир жойни тайин қилайлик, каттароқ дарахт тагида учрашайлик. Унинг билан иккала сизгирни ҳам ола кел, то суд қилгуниimizча яқинроқ ерга борлаб кўя тураимиз.

Улар йўл ёқасидаги банан дарахтигача боришибди. Шунда бўрилар:

— Уларни ана шу дарахт олдига олиб кел. Ана шу ерда масалани ечамиз,— дейишибди.

Бўрилар дарахт тагида қолишибди, йигит эса қишлоққа йўл олибди. У оқсоқолни, унинг ёрдамчисини, қишлоқ аҳолиси билан бирга уй эгасини ҳам чақирибди-да, банан дарахти олдига боришлар, дебди. Иккала сизгирни ҳам олиб келибди. Ҳаммалари дарахт тагига йнғилишгач, йигитдан сўрашибди:

— Хўш, гувоҳларинг қани? Сен учун ким гапирди.

Бўрилар бир чеккада ўтиришган экан-да. Йигит уларни кўрсатибди.

— Ана улар,— дебди.

— Ахир, булар бўри-ку,— дейишибди улар.

— Нима қилибди? Уларни мен олиб келдим,— дебди йигит.

— Хўп, майли,— дейишибди оқсоқоллар.

Ҳаммалари дарахт тагига ўтиришибди. Бўрилар қам яқинроқ келиб бир чеккага ўтиришибди. Ҳамма жим ўтираверибди, бир одам лом-мим, деб оғиз очмабди.

— Нега энди ҳаммаларнинг индамай қолдинглар? Қани, гапиринглар, нима бўлганди?— дебди оқсоқол.

— Ким гапиради?— кимдир сўрабди.— Бизни бу ерга чақириб келган одам нима гаплигини айтмаса, биз нима дердик?

— Демак, сен гап бошлашинг керак экан,— ҳамма йигитга мурожаат қилибди.— Қани, бир бошдан гапир-чи, нима бўлди, бизни нега олиб келдинг? Гапириб берганингдан сўнг сенга нима кераклиги бизга равшан бўлади.

— Маъқул, муҳтарам жамоа,— дебди йигит.— Бу гапингиз ўринли. То айтиб бермагунимча тушунмайсиэ. Мана бундай бўлди. Бугун эрта билан ҳам биз худди шу ҳақда гаплашдик, бир ёқли қилиш керак.

— Нима?— ҳайрон бўлишибди улар.— Биз эрта билан масалани ҳал қилдик-ку, ахир. Тағин нима керак? Биз айтган сизнинг олгин-да, йўлингга жўна.

— Ахир, мен сизларнинг таклифингизга рози бўлмадим-ку,— дея эътироз билдирибди йигит.— Мен уни олганим йўқ. Менга сизларнинг чиқарган ҳукмингиз маъқул эмас. Мана, мен иккитасини олиб келдим, шуларнинг олдида яна бир бор масалани ҳал қилинглар. Агар яна ўша сизнинг олмасан, деб ҳукм чиқарсаларнинг — унда ноилж олиб кетавераман.

Ҳозирча ана шу гаплар бўлаётганида, бўрилар бошларини қуйи солганча индамай ўтиришибди. Шунда ҳамма ўзаро мунозарага кириб кетибди:

— Мана сизга гувоҳлар! Тунни билан ов кетидан югуриб, энди уйқу элтибди. Агар улардан бирон-бир маънили гап чиқадиган бўлганда, шундай ўтиришармиди?— Улар чурқ этишмабди.

Кейин бирдан эркак бўри:

— Ҳа, муҳтарам жамоа, бизлар гувоҳлармиз. «Уларни уйқу элтиди», деяпсизлар. Бу мутлақо нотўғри, уйқумиз келаётгани йўқ. Биз шунчаки ўзаро баҳс қилиб олдик. Биз бу ерга анави йигитнинг иши юзасидан келдик. Тўғри, унинг ишини ҳал қилишга ёрдам беришимиз керак. Буни эсимиздан чиқарганимиз йўқ. Демакки, сизлар билан учрашиш учун бунақанги қулай фурсат келган экан, энг аввало бизнинг ишимизни бир ёқлик қилинглар. Ахир, сизлар

бунақанги ишларни ҳал қилавериб уста бўлиб кетгансизлар. Мана, йигитнинг ишини ҳал қилибсизларку. Бианингча бу яхши гап. Гап шундай, сизлар энг олдин бизни бир ёқлик қилниглар, ана ундан сўнг биз бу йигитнинг ишини тўғри ҳал қилибсизлар, деб айтамыз. Агар бизнинг баҳсимизни ҳал қилмас экансизлар, унда сизлар ҳақиқий судья бўлмайсизлар,— дебди.

Шунда бешови бирдан:

— Майли, қани гапиринглар, орангизда нима гап бор?— дейишибди.

— Гап мана бундай, — дебди бўри.— Мен, мана-ви билан, ёнимда турган хотиним бўлади, дони биргамиз, бир хил овқат еймиз, бир хил сув ичамизу, нега энди у икки марта ёзилади. Мен фақат кунига бир марта ёзиламан. Сизлардан илтимос, шуни ажрим қилиб беринглар, нега шундай.

Унинг бир кунда нега энди икки марта ёзилишини ким қаёқдан билади?— ҳайрон бўлишибди улар.

— Унда, марҳамат қилиб, унинг ўзидан сўранглар, нима учун у икки марта ёзиларкин,— деб илтимос қилибди бўри.

Улар чиндан ҳам урғочи бўрининг ўзидан сўрашибди:

— Чиндан ҳам ёзилишга икки марта боришинг тўғрими ёки у ёлғон гапиряптими?

Сўрашга сўрашибдилару ўзлари кулшибди.

— Бўлди-бўлди, кулманглар,— деб жавоб қилибди урғочи бўри.— Куладиган ери йўқ. «Мўътабар одамларнинг маслаҳатида ўтирганингда, мазах қилма» деган гап бор. Шунинг учун мен сизларга бунинг куладиган жойи йўқ, деяпман. Кулманглар.

Шундан сўнг, улар кулгини бас қилибдилар-да:

— Қани, айт-чи, нега сен икки марта борасан? Ахир икковларинг бирга юрсаларинг, бирга еб-ичсаларинг-да, сен икки марта борсанг?— деб сўрашибди.

Шундан сўнг, у гап бошлабди:

— Ҳаммаси тўғри. Бирга юрамиз, бирга еб-ичамиз, фақат чиндан ҳам мен икки марта бораман. Пешанамга шундай битилган экан-да: бир сафар мем ҳамма қатори бораман ва ахлатим ерга тушиб

ўша ерда қолади; иккинчи марта мен шунинг учун  
бораманки, ахлатим ноҳақ судьяларнинг, порахўр-  
ларнинг ҳамда етим-есирларни, камбағал-бечора-  
ларни қон-қақшатаётганларнинг оғзига бориб тушсин  
учун. Ана шу ахлат уларнинг оғзида қолсин. Агар,  
иники пора олган бўлса ва у аяа шу жамоа олдида  
бўйнига олиб мендан кўмак сўраркан, ундан бу  
гуноҳ олиб ташланади: борди-ю агар бўйнига олмас  
экан, унда унинг бола-чақа, авлодларини ҳам ҳо-  
зиргина мен айтган қисмат кутади. Менинг пешанам-  
га икки марта бориш ёзилгани ана шундан. Илти-  
мос, ана шу нарса эсларингда бўлсин.

Эркак бўри ҳам шундай дебди:

— Марҳамат қилинглар, сизлар ҳам, эй муҳта-  
рам оқсоқоллар, ёдларингда бўлсин. Агар сизлардан  
қайси бирларингиз шундай иш қилган бўлсаларинг,  
яхшиси, шу ерда иқрор бўлинглар. Ахир, сизларни  
қандай қисмат кутаётганини ўзларнинг билиб туриб-  
сизлар-ку.

Шунда, ким пора олган ёки олмоқ ниятида бўл-  
ган бўлса, ўзлари иқрор бўлишибди ва воқеа қандай  
бўлган бўлса шундай айтиб беришибди. Йигитга ўз  
сигирини қайтариб беришибди-да, ҳамма айбни уй  
эгасига юклашиб беш рупий жарима солишибди.  
Йигит сигирини олиб уйига жўнабди, қолганлар ҳам  
ўз йўлларига қараб кетишибди. Бўрилар ҳам йигит-  
нинг орқасидан ўрмон ёқасигача бирга боришибди.  
Шу ерга келгач, улар йигитга:

— Уғлим, энди сигирни уйингга олиб кетавер.  
Биз эса бу ёққа кетамиз,— дейишибди-да, хайрла-  
шиб қолишибди.

## МУНДАРИЖА

Ақлли хотин . . . . .	3
Чиябўри . . . . .	9
Қувғинди шаҳзода . . . . .	10
Иблис . . . . .	16
Тентак ўғил ва ақлли она . . . . .	16
Айёр сипоҳий . . . . .	19
Зигирдек . . . . .	20
Мақол . . . . .	23
Ҳаммол . . . . .	23
Олиб қочилган малика . . . . .	24
Укпар . . . . .	28
Мақтанчоқ . . . . .	30
Доно табиб . . . . .	31
Тоғ удумлари . . . . .	32
Емоннинг бир қилиғи ортиқ . . . . .	32
Гуноҳ ва қонун . . . . .	34
Арвоҳ . . . . .	36
Шаккок . . . . .	36
Маъруза аареғи . . . . .	37
Лату ва Бату . . . . .	39
Дудуқ . . . . .	44
Хизматкор . . . . .	45
Чол ва унинг кувалари . . . . .	49
Мушук . . . . .	51
Чиябўри ва каклик . . . . .	52
Тўртта ишни қилма . . . . .	56
Бой ва қашшоқ . . . . .	60
Тўрт қимметбаҳо буюм . . . . .	61
Бахтли аҳмоқ . . . . .	66
Емби . . . . .	68
Бахтсиз хотин . . . . .	69
Ақлли кувалар . . . . .	71
Доно шаҳзода . . . . .	77
Аёллар ахлоқи . . . . .	83
Қиморбоз . . . . .	89
Уғри . . . . .	90

Уч кесб . . . . .	90
От уйда, баҳоси йўлда . . . . .	91
Котиб . . . . .	91
Олтига ном . . . . .	91
Айёр қози . . . . .	92
Камбағал брахман ва хазина . . . . .	93
Угай она . . . . .	96
Шайтон . . . . .	99
Уз бахтинг . . . . .	101
Инъом қилинган шаҳзода . . . . .	102
Дано қози . . . . .	104
Манго дарахти кимники? . . . . .	106
Куба . . . . .	109
Шайтон . . . . .	111
Қилмиш — қидирмиш . . . . .	112
Ойнадаги акси . . . . .	113
Одат . . . . .	116
Бирбол устидан суд . . . . .	117
Судья ва бўриллар . . . . .	120

На узбекском языке

## Сборник

### СКАЗКИ ИНДИИ

Перевод с издания издательства «Наука», главная редакция  
восточной литературы, Москва, 1966 г.

Редактор Х. Пулатов  
Рассом Д. Мурсалимова  
Расмлар редактори А. Вобров  
Тохи редактор В. Потапова  
Корректор Ш. Соатова

ИБ № 1505

Босмакхонага берилди 14.04.81 й. Воспашга рухсат этилди  
17.12.81 й. Формати 84×108<sup>1</sup>/<sub>32</sub>. Босмакхона қорози № 3.  
Адабий гарнитура. Юқори босма. Шартли босма л. 6,72. Нашр  
л. 6,77. Тиражи 60000. Заказ № 826. Ваҳси 60 т. Рафур Гулом  
номдаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 700120, Тошкент, Навоий  
кўчаси, 30.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг  
Меҳнат Қизил Вайроқ ордени босмакхонаси, Тошкент, «Правда  
Востока» кўчаси, 26.

